

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

«ТАСВИРИЙ САНЪАТ» кафедраси

«САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ»

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

5150900 - “Дизайн” таълим йўналиши 2-курслар учун



САМАРҚАНД - 2017

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

«ТАСВИРИЙ САНЪАТ» кафедраси

Институтнинг илмий-услубий
кенгашида кўриб чиқилди ва чоп
этишга рухсат этилди.

Рўйхатга олинди: _____

Баённома № _____

“ _____ ” _____ 2017 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Институтнинг илмий-услубий
кенгаши раиси
тех. фан. ном., доц. А. Р. Рахимов

_____ “ _____ ” _____ 2017 йил

«САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ»

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

5150900 - “Дизайн” таълим йўналиши 2-курслар учун

САМАРҚАНД- 2017

Маъруза матнининг мақсади “**Санъат ва маданият тарихи**” фанини ўзлаштиришга талабаларга амалий кўмак беришдан иборат.

Жумладан, талабаларнинг семинар дарсларига тайёргарлик кўришда техник, хорижий адабиётлар ва янги авлод дарсликлари, белгиланган меъёр ва қоидалар, услубий кўрсатма ва қўлланмалар, интернет маълумотлари базаси билан мустақил ишлашда, олинган билимларни тажрибада қўллашда, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштиришда ва уларни мустаҳкамлашда талабаларга малакавий ёрдам сифатида хизмат кўрсатади.

Ушбу маърузалар матни : **5150900 – Дизайн** бакалавр йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Тузувчи: “Тасвирий санъат” кафедраси катта ўқитувчиси **Барнаева Шахло Вафоевна**

Такризчи: “Тасвирий санъа” кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди **Жўраев Х. Ҳ.**

Такризчи: “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси катта ўқитувчиси **А. Э. Жонузоқов**

“Тасвирий санъа” кафедраси мажлисида (2017 йил _____ баённомасида) ва “Архитектура” факультетининг илмий-услубий кенгаш йиғилишида (2017 йил ____ №__ баённомасида) кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Мундарижа

1. Кириш.....	5
2. Тасвирий санъат тур ва жанрлари.....	6
3. Ибтидоий жамоа даври санъати.....	8
4. Қадимги миср санъати.....	
5. Қадимги олд осиё санъати.....	
6. Антик даври санъати. Қадимги юнонистон санъати.....	
7. Қадимги италия санъати.....	
8. Адабиётлар рўйхати.....	

КИРИШ

Инсоният тафаккурида санъат ва маданият тушунчаси ва унга бўлган итилиш жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқеликдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди; ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожига муҳим аҳамият касб этди. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг ўзига хос хусусиятини, синфийлигини намоён этиб, ҳукмрон синфнинг идеологиясини тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай, омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, ҳуқ ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик, ёрқин келажакка интилишга даъват этди.

Ҳақиқатдан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий қадриятлар оддий бойликлар бўлиб қолмай, балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр-ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир. Жаҳон санъати тарихини ўргатиш, унинг тараққиёт қонунларини тушуниш, нодир ёдгорликлар билан танишиш, ўтмиш одамларнинг ҳис-туйғу, ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ғоявий-истетик қарашларнинг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз, кишиларда ҳаётий тажрибаларнинг бойишига, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндошишга ёрдам беради. Тасвирий санъат турларига рангтасвир, архитектура, графика, ҳайкалтарошлик киради.

1-МАВЗУ: ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТУР ВА ЖАНРЛАРИ

Режа:

- 1.Тасвирий санъат тушунчаси нима?**
- 2.Тасвирий санъат турлари.**
- 3.Тасвирий санъатнинг жанрлари.**

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.У. «Санъат тарихи» Тема 1. Тошкент, Ўқитувчи, 1986 й.
2. Абдиев В.И. «Қадимги Шарқ тарихи», Тошкент, 1965 й
3. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. «История искусств Узбекистана», Тошкент 1984 й.

Интернет сайтлари:

www.uz.wikipedia.org
www.ru.wikipedia.org
www.artclassic.edu.ru
www.artiques.ru

Тасвирий санъат – энг қадимий санъат турларидан бири бўлиб, ўз ўрнида **рангтасвир, хайкалтарошлик, графика** санъати турларига бўлинади. Санъат асарларида ижодкорнинг мақсади, фикри, ҳис-туйғу, орзу истаклари ўз аксини топади. Демак, ижодкорнинг дунёқарашида маълум миқдорда давр руҳи ва мазмуни ифодаланади. Тасвирий санъат асарлари воқелик, борлиқ шакллари, чизиқлар ва ранглар орқали тасвирланади. Тасвирий санъат кўриниши бўйича маҳобатли ва дастгоҳли кўринишга эга.

Рангтасвир – асосан бўёқлар воситасида матога, деворга, шунингдек, текислик ва юзаларга ишланадиган санъат туридир. Тасвир мазмуни, характери ва шунга ўхшаш барча хусусиятларнинг бўёқлар орқали ифодаланиши – **рангтасвир санъати** деб аталади.

Акварель бўёқ рассомчиликда ишлатиладиган бўёқлардан бири бўлиб, унда ажойиб бадий асарлар яратиш имкониятини беради. Бу бўёққа хос бўлган хусусият, у нам бўлса бошқа бўёқларга нисбатан ўзининг тиниқ ва унда ишланган ишларнинг ёқимлилиги ва енгиллиги билан фарқ қилади.

Акварель бўёқнинг асл маъноси сувли бўёқдир. У сувда яхши эрийди ва эриган бу бўёқ қоғоз бетига юпқа қатлам бўлиб ёпишади. Қатлам ўзидан нур ўтказади. Қатламдан ўтган нур қоғозга ўтади ва қоғозга урилиб қайтади. Қайтган нур ранг қатламини ёритиб, кўзимизга у ё бу ранг тўғрисидаги тасаввурни беради. Шунинг учун акварель билан ишлаш учун ишлатиладиган қоғоз ниҳоятда тоза, юзасида ҳеч қандай доғлар бўлмаслиги керак. Бундан ташқари акварел билан ишлашда бўёқни ҳаддан ташқари қуюқ ишлатмаслик керак, акс ҳолда иш кўримсиз

ва ифлос бўлиб чиқиши мумкин. Акварел билан ишланганда қоғоз юзасига сурилган бўёқ қатлами юпқа бўлиши ва ундан қоғоз таги кўриниб туриши керак. Акварел ишлатишда олмахон, колонок исмли ҳайвонлар жундан ясалган мўйқаламлар ишлатилади. Мўйқаламнинг мўйна қисми думалок эластик бўлиши керак.

Рангтасвир ўз ўрнида 2 турга бўлинади.

1. Дастгоҳли рангтасвир
2. Маҳобатли рангтасвир

Дастгоҳли рангтавир - ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаган ҳар хил ҳажмдаги асарлар тушинилиб, рассом махсус дасгоҳга (подрамник) махсус мато холст тортиб, ижодкор унда **мойбўёқ, акрил** бўёғи ёрдамида композиция яратади. Дастгоҳли рангтасвирнинг яна бир характерли хусусияти асарни бир жойдан, бошқа жойга кўчириш мумкинлиги. Масалан; кўргазма залидан бошқа кўргазма залига, ёки музей, галереяга кўчириш мумкин.

Маҳобатли рангтасвир – ҳажм жиҳатдан катта бўлиб, бинонинг интерьер ёки экстерьер қисмида ишланиши мумкин. Ўзбекистон санъати тарихида Афросиёб, Варахша деворий суратлари машхурдир. Шунингдек замонавий маҳобатли рангтасвир деганда Чингиз Ахмаровни эслаш жоиздир.

Рангтасвирда Леонарда да Винчи, Рембрант, Рафаел, П.Перов, К. Брюллов, Ш. Шишкин, И. Левитан, И. Иванов, Р. Ахмедов, А. Абдуллаев, М. Набиев, Ж. Умарбеков, Б. Жалолов, О. Қозоқов, А. Алиқулов, А. Исаев, Ж. Усмонов каби рассомлар ижод қилган.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК

Ҳайкалтарошлик уч ўлчамдан иборат бўлиб, ҳажмдан ташкил топади (баландлик, эни, узунлик). Бу сўз лотинча “ўяман, кесаман, қирқаман” деган маънони билдиради. Ҳайкалтарошлик ўз ўрнида 2 турга бўлинади.

1. Дастгоҳли
2. Маҳобатли

Дастгоҳли ҳайкаллар турли ҳажмларда кўринади. Уни бир жойдан, бошқа жойга кўчириш мумкин. Монументал ҳайкаллар ўз номи билан маҳобатли. У узокдан кўринишга ва бир жойда муқом туриш мумкин. Айниқса парклар ва истироҳат боғларига қўйилади.

Ҳайкалтарошлик кўриниши бўйича 2 турга бўлинади.

1. Думалок ҳайкал
2. Рельеф ҳайкал

Думалок ҳайалларни ҳар томондан кўриш мумкин. Рельеф яъни бўртма ҳайкалларни фақат бир томондан кўриш мумкин.

Бундай асарлар ҳар томонлама кўришга мўлжалланган. Бу соҳа учун, тош, металл, бронза, ёғоч, лой каби материаллар зарурдир. Агар бу санъатда инсон образи кўкрагигача тасвирланса, бундай турига **“бюст”** дейилади. Қоварик ҳайкаллар **“рельеф”** деб аталади. Рельеф французча сўз бўлиб юза деган маънони билдиради. Унда юзага бўртиб ишлангани учун фақат бир томондан кўриш мумкин бўлади. Рельефлар ўз ўрнида **горельеф** ва **барельеф** гуруҳига бўлинади. **Горельеф**

сўзи ҳам французча бўлиб “баланд релъеф” маъносини билдиради. Горелъеф – юзага ёпишган ҳолда нисбатан бўртиб кўринади. Барелъеф ҳам французча сўздан олинган бўлиб, “паст релъеф” деган маънони англатади. Барелъеф – юзага нисбатан кам бўртиб тасвирланади (шу ўринда танга ва тақинчоқларни мисол келтириш мумкин).

Жаҳон санъати тарихида Микеланджело, Донателло, Бернини, Роден, Мартос каби номлар машҳур бўлса, ўзбек ҳайкалтарошлиги Дамир Рўзиев, Илҳом Жабборов, Ғайрат Байматов, Тўлаган Ёркулов, Туркман Эсонов номлари билан фахрланади.

ГРАФИКА

Тасвирий санъатнинг навбатдаги тури графика ҳисобланиб у латин тилидан олинган бўлиб, чизаман деган маънони англатади.

Графика санъатида воқелик асосан чизиқлар, шакллар ва оқ-қора ранглар орқали тасвирланади. Графика санъати ўз ўрнида қўйидаги турларга бўлинади:

1. *Дастгоҳли графика*
2. *Китоб графикаси*
3. *Газета – журнал графикаси*
4. *Гравюра.*

Гравюра тош босма услуби бўлиб, ўз ўрнида 4 турга бўлинади.

1. *Литография* – тошга тасвир махсус қорабўёқ орқали чизилади ва қоғозга босилади.

2. *Линогравюра* – линолиумга махсус асбоблар ёрдамида ўйиб ишланади ва қоғозга босилади.

3. *Ксилография* – ёғочга ўйиб ишланади ва қоғозга босилади.

4. *Офорт* - алюминий ва бошқа металлларга ўйиб ишланади ва қоғозга босилади. Бунга тангалар ва тақинчоқлар мисол бўла олади.

Графикачилардан Алберх Дюрер, Қутлуғ Башаров, Искандар Икромов, Тельман Мухамедов, Н. Кагаровлар ижод қилган.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЖАНРЛАРИ

Жанр – французча сўз бўлиб “тур”, “кўриниш” маъносини англатади. Тасвирий санъатда жанр дейилганда маълум чегараланган мавзуни ўзида акс эттирадиган санъат асарлари тушунилади.

Бугунги кунда Жаҳон тасвирий санъатида 26 хилдан зиёд жанрлар мавжуддир. Лекин улардан қуйидагилари тасвирий санъатда кўпроқ учраб туради.

Портрет жанри – инсон қиёфасини, унинг ички психологик оламини аниқ бир образда тасвирланиши. Ўз ўрнида портрет автопортрет, психологик, гуруҳли, тантанавор кўринишларга эга.

Натюрморт – французча, жонсиз “табиат” деган маънони англатади. Унда маълум бир мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда бир нечта хўжалик буюмлари ёки мевалар акс этиши мумкин. Масалан мусиқа асбобларидан ташкил топган ёки

кузги мевалардан таркиб топган натюрморт.

Манзара ёки пейзаж жанри – табиатнинг турли кўринишларини тасвирий санъатда акс этишидир.

Тарихий жанр– асарларда тарихий муҳим воқеа-ҳодисалар акс эттирилса тарихий жанр дейилади.

Маиший жанр – инсонларнинг ижтимоий ҳаёт тарзининг турли кўринишларда акс этишидир.

Батал жанри – тарихий жанг воқеаларини акс эттиради.

Анималистик жанр – ҳайвонлар, қушлар, уларнинг ҳаракатлари, киёфаларини тасвирлайди.

Моринистик жанр – кўл, денгиз, океанлардаги сув тўлқинларини акс эттиради.

Мифологик жанр-бу жанрда афсона, ривоят ёки мифологиядан олинган воқеа-ҳодиса, сюжетлар акс эттирилади.

Аллегорик жанр- асарда кўчма маъно акс этиши билан характерланади. Масалан ҳайкалтарошликда кўзи ёпиқ, кўлида тарози ушлаб турган Фемида-адолат маъбудаси тасвири.

Диний жанр-бу жанр асосан Европада Ўрта асрларда ҳукм сурган жанр бўлиб, унда асосан Христиан дини билан боғлиқ бўлган персонажлар яъни Исо Масих, Биби Марям в.х., композиция асоси бўлиб хизмат қилган.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Акварель-бўяш воситаларидан бири бўлиб, асосан қоғоз юзасига мўйқалам ёрдамида ранг сурилади.

Композиция-ижод махсули бўлиб, деярли барча (мусиқа, театр, кино, архитектура, тасвирий санъат) санъат турларининг асосини ташкил қилади. Композициянинг асоси мантиқли, маълум бир ғояни очиб берувчи бўлиши керак.

Саволлар:

1. *Тасвирий санъат деганда нима тушунилади?*
2. *Тасвирий санъатнинг қандай тур ва жанрлари мавжуд?*
3. *Қайси ўзбек рассомлари ижодлари билан танишсиз?*

2-МАВЗУ: ИБТИДОЙ ЖАМОА ДАВРИ САНЪАТИ

Режа:

1. *Ибтидоий давр санъати тушунчаси.*
2. *Ибтидоий даврда яратилган илк меъморчилик кўринишлари.*
3. *Ибтидоий давр тасвирий санъати.*

Адабиётлар:

1. Абдиев В.И. «Қадимги Шарқ тарихи», Тошкент 1965 й.
2. «Всеобщая история искусств» Том-1 М. Искусство»

Интернет сайтлари:

1. www.uz.wikipedia.org
2. www.ru.wikipedia.org
3. www.artclassic.edu.ru
4. www.artiques.ru

Ибтидоий жамоа тузуми инсоният тараққиёт тарихида энг биринчи ва узок давом этган босқичлардан бири. Бу босқични ҳамма халқ ва элатлар ўз бошидан кечирган. Мана шу узок давом этган тараққиёт давомида ҳозирги замон одами типи пайдо бўлди. Одамлар жамоаси вужудга келди. Ишлаб чиқиш кучларининг заифланиши одамларни уруғчилик бўлиб, яшашга ва ов қилишга ундади. Улар кудрат бирлигида меҳнат қилишга ўрганишган. Бу босқич биргина ягона инсоният тараққиёти билан боғлиқ бўлмай, балки ўзига хос босқичлари, ривожланиши ва санъат намуналари билан мавжуд.

Ибтидоий жамоа тузуми бизгача ашёвий далиллар сифатида меҳнат ва ов қуроллари, қоя тошларга, ер тўлаларга, ғорларга ишлатилган чизиклар ёрдамида бўртма тасвирлар катта йирик маҳобатли меъморий намуналари шу давр санъати тўғрисида далолат беради. Шунингдек ибтидоий жамоа кишисининг эстетик ва диний қарашларини билишга ибтидоий жамоанинг маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Тупроқ остида қолиб кетган моддий ёдгорликлар, одам, ҳайвон жасадининг қолдиқлари ва ғор деворларига чизилган деворий сурат, бўртма тасвирлар ибтидоий жамоа даври тарихини ўрганишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Олимлар ибтидоий жамоа даврига оид жуда кўп фактик материаллар ўрганиш табиий фанлар тарихи ва ҳозирги замон фанининг ютуқларини умумлаштириш ҳамда таққослаш асосида унинг илмий таърифини бердилар. Санъат қадим-қадимда кишиларнинг меҳнати жараёнида юзага келди ва ривожланди. Одамлар меҳнат жараёнида шакл туйғусини ҳис этиб, ритм, симметрия тушунчаларини ўзлаштира бошладилар. Улар меҳнат жараёнида табиат кучларини ўзларига бўйсундира бошладилар. Ишлатилаётган буюмларнинг шакли бажараётган меҳнатларини осонлаштириши ёки қийинлаштириши мумкинлигини тушундилар. Қулай меҳнат қуролларининг унуми уларда ўз қуролларига нисбатан меҳр туйғуларини уйғота борди. Улар ўз қуролларига безак бериш орқали ўз меҳрларини изҳор этишга ҳаракат қила бошладилар. Одамларда қулайлик ва фойдалилик тушунчаларининг юзага келиши воқеликдаги, ҳаётдаги гўзаллик ва хунукликларни ҳис этиш имкониятини ривожлантира бошлади. Инсон маданияти тараққиёт оламига қадам қўйди. Санъатнинг юзага келиши инсоннинг объектив воқелик тўғрисидаги билимларининг чуқурлашишига, ўз авлоди тажрибаларидан баҳраманд бўлишга олиб келди. Бу уни табиат кучларига қарши курашишга даъват этди, унинг ақлий камолоти, эстетик қарашлари ривожини жадаллаштирди.

Ибтидоий жамоа тузуми тараққиёти босқичларини тарих фани ибтидоий жамоа тузуми тараққиётини унинг ижтимоий тузилишга кўра 3 га ажратади. 1)

ибтидоий гала бўлиб яшаш даври; 2) уруғ жамоаси даври (бу давр иккига — матриархат ва патриархат даврига ажралади); 3) ҳарбий демократия даври.

Археологлар ибтидоий одамларни иш қуроолларига қараб уч асосий босқичга ажратади.

1. Тош асри – милоддан аввалги III минг йилликкача бўлган давр

2. Мис ва бронза даври – милоддан аввалги III - II минг йиллик

3. Темир даври – милоддан аввалги I минг йиллик

ТОШ АСРИ САНЪАТИ

Палеолит ёки энг қадимги тош асри (palaios қадимги, litos — тош) инсоният тараққиётининг энг узоқ давом этган босқичи ҳисобланади. Бу тараққиётни бир қатор даврларга ажратиш мумкин: энг қадимий ёки қуйи палеолит (милоддан аввалги 150 минг йилликлар), ўрта палеолит (милоддан аввалги 150—35 минг йиллик), юқори ёки сўнгги палеолит (милоддан аввалги 35—10 минг йиллик).

Археологлар маълумотида кўра, палеолит асрида, айниқса, унинг сўнгги босқичларида тасвирий санъатнинг ҳамма турлари пайдо бўлди, диний тушунчалар шакллана борди. Палеолит асрига оид фактик материаллар Европа, Осиё ва Африка қитъаларидан топилган. Бу даврда одамлар катта-катта тошларнинг панасида, ғор ва ертўлаларда тўда-тўда бўлиб яшаганлар, Бу ғор ва ертўлалар ибтидоий жамоа кишисининг “уйи” ҳисобланган. Шу уйларнинг девор ва шипларига суратлар чизганлар, бўртма тасвирлар ишлашга ҳаракат қилганлар. Ана шу одамлар яшаган манзиллардан топилган меҳнат, ов қуроолари, турли ҳайкал ва рамзий мазмунга эга бўлган шакллар ибтидоий жамоа кишилариининг эстетик ва фалсафий қарашларини тушунишга ёрдам беради.

Ибтидоий жамоа даври меҳнат ва ов қуроолари.

Дастлабки расмлар примитив ва асосан, ҳайвонлар кўрнишини тасвирлайди. Мамонт, йирик кўтос, кийик, от ва бошқа ҳайвонлар контур чизикларда, табиий бўёқларда ишланган. Палеолит санъатининг энг гуллаган даври мадлен асрига (милоддан аввалги 20-10 минг йиллар) тўғри келади. Бу даврда, ишланган ҳайвонлар тасвири аниқ, шакли реал, пропорциялари тўғри олинган. Уларнинг ўзига хос характерли томонлари (кучли ва оғир, енгил ва зийрак) кўрсатилади. Улар турли ҳолатда ва кўринишда тасвирланади. Рассом ранглар ёрдамидан, нур-соя имкониятларидан ҳам фойдалана бошлагани сезилиб туради. Франциянинг **Фон де Гом, Ласко, Нио** ва Шимолий Испаниянинг **Альтамир** ғорлари деворларига ишланган суратларда ҳайвонлар натурал катталиқда, ниҳоятда жонли ва таъсирчан ишланган.

Юқори палеолит даврида одамлар яшаган манзилларда тош, суяк, шох, лойдан ясалган ҳар хил ҳайкалчалар ҳам учрайди. Рельеф (кўпроқ унинг барельефи) табиий тош юзаси ёки девор сатҳидаги текисликларга ишлов бериш ҳисобига яратилган.

Ҳайкалтарошлиқда ҳам ҳайвонлар тасвирини яшаш кенг ўринни эгаллайди. Одам тасвири, айниқса, аёллар ҳайкали палеолит даврида кенг учрайди. Ғарбий Европадан (Австрия) топилган **“Виллендорф Венераси”** деб номланган ҳайкали

машҳурдир. Хайкал ҳажми жиҳатидан катта эмас. (баландлиги 0,08 м), лекин кўриниши жиҳатидан монументалликка эга.

Хайкалда ортиқча деталлар йўқ, ички куч-қудратга тўла. Хайкалда бош қисм бир оз белгиланган, юз деярли ишланмаган, паст томонида тугаллик йўқ. Лекин шунга қарамасдан, хайкал ўзининг тўлақонлилиги, ички кучга тўлаллиги билан яхши таассурот қолдиради. Шарқий Европа, Сибирь, Ўрта Осиёда бундай аёллар хайкали кўплаб топилган.

Мезолит ёки ўрта тош асрида (грекча “mezoz” - ўрта) одамлар катта бўлмаган тўдага ажралган ҳолда яшай бошлашлари уларга бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиб ўтиш, катта ер майдонларидан фойдаланиш имкониятини берди. Қурулларнинг (меҳнат ва ов қуруллари) ихчам, қулай бўлишига эътибор кучайди. Ўқ, камон-ёй, қайиқларнинг ихтиро қилиниши ибтидоий жамоа кишисининг ҳаёти янада яхшиланишини таъминлади. Одамлар ёғоч, камийдан фойдаланиб, ўзларига керакли буюмлар ярата бошладилар. Диний тушунчалар кенг ёйилди. “Нариги дунё” тушунчаси пайдо бўлди, кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган турли урф-одатлар юзага кела бошлади. Булар кишиларда мураккаб тасаввур ва фикрлашнинг пайдо бўлаётганлигидан далолат беради. Зараутсой (Сурхондарё), Сеймали-тош (Фарғона), Қобистон (Озарбайжон)дан топилган суратлар машҳурдир. Бу суратларда овчиларнинг ҳайвонларга ҳужуми акс эттирилади. Зараутсойдаги ниқоб кийиб ўлжасига яқинлашаётган овчиларни акс эттирувчи суратлар шу давр кишиларининг маънавий камолотидан далолат беради.

Неолит ёки янги тош асрида (грекча «neos»—янги) одамлар фақат табиат инъом этган маҳсулотларни истеъмол қилиш билан чегараланмай, балки ўзлари ҳам уни яратишга, кўпайтиришга ҳаракат қила бошладилар. Эндиликда овчиликдан ташқари, чорвачилик ва деҳқончилик билан ҳам шуғуллана бошладилар. Ишлаб чиқариш жараёни кучая борди, шу билан бирга, кишиларнинг маънавий олами, дунёқараши ҳам мураккаблаша борди. Бу асрда ҳам тошлардан қурул яшаш муҳим роль ўйнади. Лекин эндиликда тошни қайта ишлаш уни пардозлаш, шу асосда жуда нозик буюмлар яратишга кўпроқ эътибор берилди. Қулолчилик (керамика)нинг пайдо бўлиши ҳам янги тош асрининг муҳим белгиларидан ҳисобланиб, баъзан янги тош асрининг керамика асри деб аталиши ҳам шундандир.

БРОНЗА АСРИ САНЪАТИ

Милоддан аввалги III минг йиллик ўрталарига келиб, одамлар мисни қалай, қўрғошин, рух ёки сурма билан эритиб, бронза тайёрлашни ўрганиб олдилар. Бронза қуруллар, яроғ-аслаҳа, зебу зийнат яшаш учун асосий материал бўлиб қолди. Ер юзида бронза асри бошланди. Бронза асрини деярли ҳамма халқ ва элатлар бошидан кечирди. Лекин бу аср баъзи халқларда (масалан, Эрон, Мессопотамия, Кавказ, Ўрта Осиё) бирмунча эрта, эрамиздан аввалги III мингинчи йиллар ўрталарида бошланган бўлса, бошқа ерларда (масалан, Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Кипр ва Критда) милоддан аввалги III ва II мингинчи йиллар чегарасида, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Европада эрамиздан аввалги II мингинчи йилларда содир бўлди. Бронзанинг ихтиро этилиши инсон тафаккурининг муҳим ғалабаси эди. Бу ихтиро ижтимоий ҳаёт тараққиётини янада

тезлаштирди, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантирди, меҳнат унумдорлигини ошириб, қўшимча маҳсулот тўпланишини таъминладики, бу ўз навбатида, инсон маънавий оламининг ўзгариши ва бойишига олиб келди. Албатта, металл табиатда бир хил тарқалмаган. Шу боисдан металлнинг ижтимоий ҳаёт тараққиётидаги ролининг ортиши қабилалар орасида, бир томондан, мол айрибошлашнинг интенсивлашишига олиб келса, иккинчи томондан, улар орасидаги низонинг кучайишига ҳам сабаб бўлди. Уруғлар ягона қabila атрофида бирлаша бошлади. Чорвачилик, овчилик билан шуғулланадиган қабилалар юзага келди. Чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши, биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти эди. Қабиланинг ягона бошлиққа бўйсунити эса меҳнатни ташкил этишни яхшилади, қўшимча меҳнат маҳсулотининг тўпланишини таъминлади. Ер юзининг кўпгина ерларида матриархат даври инкйрози кучайди. Патриархат даврига ўтиш айрим ерларда тугалланади. Нил воҳаси, Икки дарё оралиғи (Мессопотамия), Хитойда кулдорлик тузуми бошланди, синфий давлатлар юзага келди. Ижтимоий ҳаётдаги бу ривожланиш тасвирий ва амалий санъат, меъморлик, фольклор, эпос, қўшиқ ва мусиканинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Ижтимоий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар неолитнинг сўнгги ва бронза асрида юзага келган мегалитик қурилмаларида яққол сезилади. Одамларнинг диний тушунчалари ота-боболар руҳи (арвоҳи) билан боғлиқ ҳолда юзага келган бу қурилмалар катта тошлардан кўпчилик кучи билан барпо этилган. Бу қурилмалар уч типда - **менгир, долмен, кромлех** типларида барпо бўлган.

1. Менгирлар – тик ўрнатилган катта тошлар бўлиб, уларнинг баландлиги 20 метргача етади. Баъзи менгирлар балиқ, одам, ҳайвон шаклларига ўхшатиб ишланган, кўп ҳолларда менгирлар юзаси бўртма тасвирлар билан қопланган. Бундай ёдгорликлар Арманистон, Сибирьда кўплаб учрайди. Неолит ва бронза даврига оид.

2. Долменлар – тик ўрнатилган икки ёки тўрт тош устундан ташкил топган бўлиб, уларнинг устки қисмлари ҳам шундай яхлит ясси тошлар билан беркитилган. Тош устунлар юзаси пардозланган, баъзан рамзий белгилар чизилган. Бу ёдгорликлар қабртош вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Қисман турар жой вазифасини ҳам ўтаган. Долменлар ўз кўриниши ва қурилиши, принципи жиҳатидан дастлабки монументал меъморлик намунаси ҳисобланади. Милоддан аввалги III – II минг йилликларда қурилган бўлиб, неолит ва бронза даврига оид. Долменлар тўрт бурчак ёки айлана шаклида бўлган.

3. Кромлех – мураккаб режада қурилган бўлиб, баҳайбат кўринишга эга ёдгорликдир. Кромлех британ тилидан олинган бўлиб, “айлана тош” демакдир. Англиядаги Стоунхенж бунга мисолдир. Бу блокли тошлар бронза даврига оид бўлиб, милоддан аввалги 1900 – 1600 йилларга тўғри келади. Биринчи қаторда жойлашган менгерлар унчалик катта эмас. Марказга яқин жойдагиси катта ва бир канча метр каттадир. Қўшимча маҳсулотнинг тўпланиши эса синфий нотенгликни янада кучайтирди, патриархал кулчилик пайдо бўлди, қабилалар орасидаги муносабатлар мураккаблашди. Диннинг мавқеи орта борди, оммага психологик таъсир этиш формаларига эътибор кучайди. Ибтидоий жамоа тузуми сўнгги

босқичининг характери шу даврда яратилган мудофаа характерига эга бўлган мустаҳкам қалъа ва қўрғонларда, безакка бой уй-анжомлари, жанг қуролиларида, кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган урф-одат буюмларида кўринади. Бронза асрида ҳам амалий-декоратив санъат етакчи ўринни эгаллади. Кулолчилик техникасининг мураккаблашиши, кулолчилик учун дастгоҳларнинг кенг қўламда ишлатилиши унинг сифатини ўзгартирди, янги тур ва формаларни юзага келтирди. Безаш ишларида геометрик нақшлардан ташқари, сюжетли композициялардан фойдаланиш тенденциялари ривожланди. Майда пластикада металлдан ишланган ҳайкалчалар, жанрли композициялар пайдо бўлди. Эндиликда сопол буюмлардан ташқари ҳаётда мис, олтин ва бронзадан ишланган предметлар ибтидоий жамоа кишиси ҳаётида муҳим ўрин эгаллай бошлади. Турли тақинчоқларни ўйма чизиқли нақшлар билан безаш одат тусига кирди. Айрим ерларда кулолчилик дастгоҳларининг вужудга келиши сопол буюмлар шаклининг текис ва кўримли бўлишини таъминлади.

Ўрта Осиё ерларида бронза асри эраиздан аввалги III минг йиллик ўрталарига тўғри келади. Бу ерларда металлдан буюмлар ишлаш кенг тарқалди. Жумладан, Фарғонадан топилган билагузукларда қўй ва шер тасвири, айниқса, таъсирли чиққан. Бронза асрида Ўрта Осиёда кулолчилик янада ривожланди. Кулолчилик дастгоҳларининг юзага келиши эса, сўзсиз, яратилган буюмларнинг яна нафис ва гўзал бўлишини таъминлади. Чустдан топилган қизил фонга қора бўёқлар билан расм ва нақшлар ишланган сопол буюмлар диққатга сазовордир.

ТЕМИР АСРИ САНЪАТИ

Ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичи — темир асри санъати ва маданиятининг Европада **Гальштат**, Марказий Осиёда эса **Скиф** маданияти тасаввур этиш имкониятини берди. Гальштат санъти ва маданияти Ўрта Европанинг жанубида яшаган бир қатор қабилалар томонидан илк темир асрида (милоддан аввалги 1000—400 йиллар) яратилган. Гальштат маданиятининг энг гуллаган даври милоддан аввалги V - IV асрларга тўғри келади. Бу даврда айниқса, амалий санъат ва ҳунармандчилик ривожланди. Гальштат маданиятининг асосий қисми қабрлардан топилган ёдгорликлар бўлиб, булар ичида бронзадан, қисман олтин ва шишадан ишланган буюмлар учрайди. Кулолчилик буюмлари қўлда ҳамда дастгоҳда яратилган бўлиб, уларнинг юзасини безашда ўйма ва бўртма нақшлар, банд ва тепа қисмлари учун ҳайкалчалар ишлатилган. Шу хусусда бронза ва қумушдан ясалган челақлар - ситулалар характерлидир. Диннинг мавқеи орта борди, оммага психологик таъсир этиш шакллари эътибор кучайди. Ибтидоий жамоа тузуми сўнгги босқичининг характери шу даврда яратилган мудофаа характерига эга бўлган мустаҳкам қалъа ва қўрғонларда, безакка бой уй-анжомлари, жанг қуролиларида, кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган урф-одат буюмларида кўринади. Темир асрида ҳам амалий-декоратив санъат етакчи ўринни эгаллади. Кулолчилик техникасининг мураккаблашиши, кулолчилик учун дастгоҳларнинг кенг қўламда ишлатилиши унинг сифатини ўзгартирди, янги тур ва шаклларни юзага келтирди. Безаш ишларида геометрик нақшлардан ташқари, сюжетли композициялардан

фойдаланиш тенденциялари ривожланди. Майда пластикада металлдан ишланган ҳайкалча, жанрли композициялар пайдо бўлди.

Гальштат маданиятида рассомлик ва ҳайкалтарошлик салмоқли ўринни эгаллаганлигини Шимолий Италия қабрларидан топилган буюм ва суратларда, қабртош ёдгорликларида кўриш мумкин. Расм ва бўртма тасвирларда жанг ва базм манзаралари, байрамлар, қўшиқ айтиш, мусиқа асбоби чалиш пайтлари акс эттирилган. Гальштат санъатида аравада кетаётган одамлар (жангчилар) тасвири кўп учрайди. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, гальштат санъатида одам тасвири кенг учрайди. Тасвирлашда примитивлик бор, анатомик аниқлик етишмайди, лекин ибтидоий жамоа рассомининг инсон қиёфасига тез - тез муружаат қилиши, унинг дунё, одамлар, ҳаёт тўғрисидаги тасаввур, ўй - хаёлларини тасвирий воситалар орқали баён этишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда жаҳоннинг машҳур музейи Эрмитажда сақланаётган 40 мингдан ортиқ скиф маданияти ёдгорликлари ибтидоий жамоа тузумининг сўнги босқичи - темир асрини таърифлашга қўл келадиган бебаҳо манбадир. Бу ёдгорликларнинг катта қисмида ҳайвонлар тасвири ишланган. Ҳайвонлар алоҳида ёки олишув пайтида тасвирланган. Олтиндан ишланган кичик тасвири скиф санъатининг нодир ёдгорликларидан биридир. Гўё олдинга учиб бораётгандек қилиб тасвирланган бу асарда реаллик нореаллик билан уйғунлашиб кетган. Санъаткор кийикни шартли шаклларда тасвирлайди (масалан, оёқ иккита, шох ва ёли бўрттириб ишланган, бош, шох, тана ишланиши шартли), лекин бу тезлик билан олдинга ўқдек учиб бораётган реал кийикни тасаввур қилишга ҳалакит бермайди.

Ибтидоий жамоа тузumi инсоният тараққиётининг узоқ давом этган босқичидир. Шу давр ичида инсон тафаккури камол топди, ҳис-туйғулари ривожланди. Инсон дастлаб табиат яратган инъомлар истеъмолидан ўзи маҳсулот яратишга ўта борди. У меҳнат жараёнида санъатни яратди. Ибтидоий жамоа даври санъати қадимги Шарқ, антик дунё ва ўрта аср Европа санъати ҳамда илк синфий жамият санъатининг асосини ташкил этди.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

***Ритм**-ҳаракат маъносини англатиб, тасвирий санъатда композициядаги баъзи бир ранглар ёки шаклларнинг такрорланиши тушунилади.*

***Симметрия**-Тасвирий санъатда параллел ўхшашлик маъносида келади.*

***Патриархат**-Ота ҳукмронлигидаги жамият шаклининг тури.*

***Матриархат**-Она ҳукмронлигидаги жамият шаклининг тури.*

***Эрмитаж**-Санкт-Петербургдаги энг катта ва энг машҳур музей.*

***Мегалит**- Катта тош қурилма маъносини англатади.*

Саволлар:

1. Ибтидоий жамоа даври неча давга бўлиниб ўрганилади?
2. Ибтидоий жамоа даврига оид қандай маданий ёдгорликларни биласиз?
3. Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий давр қандай ҳукм сурди? Санъатда қандай акс этди?

3-Мавзу: ҚАДИМГИ МИСР САНЪАТИ

Режа:

- 1. Қадимги Миср давлатининг географик ўрни.**
- 2. Қадимги Миср санъат ва маданиятининг даврий босқичлари**
- 3. Қадимги Миср давлатининг маданияти ва санъати.**

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.У. «Санъат тарихи». Тошкент, Ўқитувчи, 1986 й.
2. Абдиев В.И. «Қадимги Шарқ тарихи», Тошкент, 1965 й
3. «Всеобщая история искусств» Том-1 М. Искусство»

Интернет сайтлари:

www.uz.wikipedia.org

www.ru.wikipedia.org

www.artclassic.edu.ru

www.artiques.ru

Қадимги дунё санъатида бутун жаҳонга машҳур бўлган, қадимги Миср маданияти ва санъати алоҳида ўрин эгаллайди. Қадимги Шарқ санъати ва маданиятида Мисрликларнинг амалий декоратив санъати ҳозирда ҳам ўзининг нафислиги гўзаллиги билан кишини мафтун этади.

Африканинг шимоли шарқида, Нил дарёсининг қуйи воҳасида бугунги Миср Араб республикаси ерларида жуда қадим пайтларда (милоддан аввалги VI минг йиллик) бир қанча қабилалар яшаган. Мил. авв. 4000 йилликда шу ерда ер юзида биринчи синфий жамият куртаклари ниш урди, кулдорлик давлатлари юзага келди, ривожланди. Мил. авв. 4000 йиллик охири — 3000 йиллик бошларига келиб эса улар ягона йирик деспотик давлатга айланди. Қадимги Миср санъати тарихи ана шу давлатлариинг юзага келиши, ривожланиши ва инқирозидан тортиб, то Александр Македонскийнинг юриши билан унинг **эллинистик** дунёга қўшилиб кетишигача бўлган даврни ўз ичига олади, ўрганади, таҳлил этади. Қадимги Миср узоқ йўлни босиб ўтди. Деярли 4000 йилдан ортиқ вақтни ўз ичига олган бу давр мобайнида тасвирий ва амалий санъат, меъморликнинг нодир дурдоналари юзага келдики, улар бугунги кунда ҳам ўзининг улуғворлиги, маҳобати ва юксак бадиийлиги билан кишиларни ҳаяжонлантиради. Бу ерда биринчи марта инсон ва унинг меҳнати санъаткор асарида ўз ифодасини топди. Инсон қудрати, нафосати ва ақл заковатининг имконияти куйланди. Лекин бу санъат ва маданият биринчи бор синфий тенгсизлик шароитида, ҳали тугамаган ибтидоий тузум ва шарқ мустабидлиги даврида мавжуд бўлди. Қадимги Мисрликлар биринчи бўлиб ўз алифболарига эга бўлганлар. Улар **иероглиф** хатлари билан машҳур бўлиб, Миср маданияти ва санъатида мукамал тушунча олишга катта манба бўлиб хизмат қилади.

Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва илк подшоликларнинг шаклланиш даврида санъатнинг ҳамма турлари ва жанрлари юзага келди. Қадимги Миср

санъати ўзининг бутун тараққиёти мобайнида дин ва унинг турли маросимлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривож топди. Меъморлик эса санъатлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, уларнинг характер ва услубига ўз таъсирини ўтказди. Сулолавийликгача бўлган даврда, айниқса, унинг сўнгги босқичида қадимги мисрликларнинг “нариги дуиё” ҳақидаги

тушунчалари мақбаралар - марҳумларнинг ер ости уйлари ва уларнинг устига тортилган тупроқ уюми ва қурилмаларида намоён бўлди. Қазилган қабрлар тўртбурчак шаклида бўлиб, чуқур деворлари шу пайтда ихтиро қилинган хом ғиштлар билан мустаҳкамланиб териб чиқилган. Қадимги Миср тарихи бир қатор босқичларга ажратилади:

Сулолавийликгача бўлган давр. Милоддан аввалги IV минг йиллик – бу даврда уруғчилик тузуми емирилиб жамоа тузуми вужудга келди. Халқнинг миллий анъаналари билан бевосита боғлиқдир. Шу туфайли ҳам қадимги Миср бу босқичда амалий санъатнинг ривожи эътиборга сабаб бўлди.

5. **Қадимги подшолик даври.** Милоддан аввалги III минг йиллик – 2300 йиллар – бу даврда сулолалар анча тараққиёт топди. Фиръавнлар шахсига сиғиниш кучайиб уни “Худо ўғли” деб тан олишди. Бу даврда йирик катта мақбаралар қурилди. Пирамидалар сиёсий - ижтимоий ҳаёт ривожи.
6. **Ўрта подшолик даври.** Милоддан аввалги 2100 – 1800 йиллар – Фиръавннинг ҳукми кучаяди, санъат ва маданиятда маҳобатли меъморчилик билан бир қаторда рельеф асарлар ҳам эътиборга сазовор бўлди. Ҳукмдорнинг ҳаётидан олинган воқеалар ва у забт этган шаҳарларнинг ғолибона манзаралари тасвирланган.
7. **Янги подшолик даври.** Милоддан аввалги 1600 – 1100 йиллар – бу даврда Миср маданияти ва санъати гуллаб яшнади. Қўшни мамлакатлар билан алоқалар мукаммал ривожланади. Нубия, Ливия, Фаластин ва бошқа мамлакатларда қадимги Мисрнинг ҳукми кўзга ташланди. Бу сулола ва уларнинг ўртасидаги энг забардасти Тутмос III ҳисобланади. Унинг ҳукмиронлик даврида руҳонийларнинг ҳукмиронлиги кучаяди. Санъатда эса ҳашаматли безакка бой маҳобатли, меъморчилик намуналари яратилди.
8. **Сўнгги подшолик даври.** Милоддан аввалги 1100 – 3300 йиллар – Миср салтанатининг емирилиш даври, давлатнинг чегараларини қисқариб бориши ва Миср тахти Ливияликлар қўлига ўтади. Нил воҳаси босиб олинади. Шу тариқа Миср вилоятларга бўлиниб кетади.

СУЛОЛАВИЙЛИККАЧА БЎЛГАН ДАВР

VII-X-XII-XVII сулолалар ҳукмронлик қилган йиллар Миср давлати инқирозга юз тутган, чет эл босқинчилари (гиксослар) томонидан босиб олинган ва унга қарши кураш йиллари бўлди, санъат тарихида муҳим ва характерли ёдгорликлар яратилмади.

Қадимги қабристонлардан қовлаб топилган шифер бўлакчалари, лой идишдаги топилмалар шундан далолат берадики, бу идишнинг ноҳияси тотемизм фарзларига бориб тақалади. (Тотемизм-инсоннинг ҳайвонлар билан магия шаклдаги алоқаси деб тушунилади ва бу инсоният яшаш босқичининг дастлабки

даврларига тўғри келади). Бу эса ўз навбатида ҳайвонни илоҳийлаштиришга олиб келган. Бундай ҳолат усталар томонидан яратилган ҳайвонларнинг ҳайкалларида шундай хусусиятлар яққол кўзга ташланади. Дафн маросими уларда оддий ва қатъий қоида, одатлар услубида олиб борилган.

Мил. авв. 4 мингинчи йиллар охирида яратилган санъат намуналарида нафақат диний мавзулар, балки давр тақозоси билан юз берган воқеаларда ҳам ўз аксини топган. Бундай тасвирлар Жанубий Миср томонидан Шимолий вилоятларнинг босиб олиниши ва ягона фиръавнга бўйсундирилиши, эски урф-одатларнинг йўқотилиши ҳақида ҳикоя қилади. Мисол тариқасида ҳайвонларни фақат ҳомий сифатида эмас, балки у ўз рақибини забт этаётганини акс этганини кўриш мумкин. Шундай санъат намуналаридан бири Фиръавн **Нармер плитаси** бўлиб, (тахминан милoddан аввалги 3000 йиллар) юқорида айtilган ёдгорликлар сирасига киради. Бу плитада тарихий воқеа - юқори (жанубий) Миср фиръавни Нармер томонидан қуйи (шимолий) Миср ерларининг босиб олиниши ва ягона давлат ташкил этилиши ҳикоя қилинади. Плитанинг бир томонида фиръавн Нармернинг душман подшоси сочидан ушлаб, ўз чўқмори билан ураётган пайти тасвирланган. Юқорида фиръавн ҳомийси - лочин қиёфасидаги худо Гор қуйи Миср рамзи бўлган нилуфар ўсимлиги устида душман подшосини арқон билан тортиб турибди. Олти нилуфар ўсимлиги мағлубиятга учраган олти минг душман рамзини билдиради.

Паст томонда қочиб бораётган душман жангчилари кўрсатилган. Плитанинг орқа томонида Нармернинг Миср тожида боғланган ва боши танасидан жудо қилинган душман жангчилари томон ғолибона бораётгани тасвирланади. Плитанинг пастки томонида эса кучли, шохдор буқа тўсиқларни бузиб, душманни янчиб бораётгани тасвирланган. Бу ерда буқа кудрат рамзи бўлиб, у фиръавннинг аллегорик образи ҳисобланади. Плитанинг марказида икки фантастик ҳайвонлар - гипардларнинг узун бўйинлари бир - бири билан чатишиб кетиши натижасида ўртада думалоқ чуқурча ҳосил бўлган. Бу чуқурча, бир томондан, маросимлар учун бўёқ қориштиришда ишлатилса, иккинчи томондан, бу доира композиция ғоясини - Миср ерларининг ягона давлат бўлиб бирлашганини билдирувчи муҳим деталдир. Нармер плитаси ҳажм жиҳатдан катта эмас баландлиги 64 см, лекин кўриниши жиҳатдан монументалдир: Нармер плитаси ижтимоий ҳаётда тенгсизлик ривожланаётган бир пайтда яратилди. Бу хусусият фиръавн, унинг яқинлари ва оддий халқ тасвири ўлчамларининг характерида ҳам кўринади. Фиръавн бошқаларга нисбатан катта қилиб тасвирланади. Плитанинг муҳим томони, юзада ҳажмли тасвирларни кўрсатиш ва жойлаштириш услубининг ишлаб чиқилганлигидир. Тасвирда одам боши ён томондан кўрсатилган ҳолда, кўз олд томондан тасвирланади, елкалар тўлиқ олд томондан кўрсатилган ҳолда тананинг пастки қисми ён томондан, бир оз бурилган ҳолда ишланади. Воқеалар эса юзада устма - уст жойлаштирилган. Бу композицияга ҳикоянавислик бахш этади.

ҚАДИМГИ ПОДШОЛИК ДАВРИ

Қадимги Мисрда санъатнинг гулаб-яшнаши, мамлакат бирлашувидан кейинги даврга, яъни м.а.авв 3000 йилларга тўғри келади. Бу даврда давлат тепасига зулмкор фиръавн чиқиб олган ва у куллар меҳнатидан фойдаланган. Бу эса ҳудуд жихатдан жуда кенг майдонга эга бўлган ҳокимни халқ орасида янада улуғвор қилиб кўрсатган. Фиръавнлар ўзларини олий тоифадан ҳисоблашар ва ўзларини куёш фарзанди “**Ра**” деб аташган.

Инсониятнинг кейинги ривожда дафн маросимлари юзага кела бошлаган, шуниси қизиқарлики, мисрликлар инсонни бир неча жондан иборат деб билишган. Марҳум ёнига унинг тош ҳайкали ўрнатилиб, “ка” деб аталган. Марҳумга жуда ўхшаш бўлган портрет тошга ўйилган ва унинг руҳи қайтиб келади деб ўйлашган. Ҳайкал марҳум билан бирга дафн этилган. Гўё қабрга қўйилган марҳум янги уйга кўчиб ўтган ва у овқатланиш, яшаш эҳтийжига эга деб тушунилган.

Меъморчилиги. Дастлаб Мисрда оқсоқоллар қабрларига алоҳида эътибор берилган, кўп меҳнат сарф қилиниб, унинг ҳашаматли бўлишига эришилган, деворларига пардоз берилган, сюжетли суратлар ишланган. Қабр тепасига ҳам алоҳида эътибор берила бошланган. Бу қурилмалар тепага томон кичрайиб боровчи тўртбурчаклар шаклида бўлиб, унинг ичида марҳум ва ҳудолар ҳайкалини қўйиш учун хона деворида эса марҳумнинг “нариги дунё”даги “уй”га ўтган ёлғондакам эшиги бўлган. Бу қурилмалар **Мастаба** деб номланиб, **Саккара**, **Абидос**, **Нугада** қабристонларида кўплаб сақланиб қолган. Бу мастабалар ҳажми ва беағи, қабр ичига қўйилган буюмлар характери марҳумнинг жамоада тутган ўрнига қараб белгиланган. Кўмилган одамнинг жамоадаги ўрни қанчалик юқори бўлса, мақбара ҳам шунчалик маҳобатли ва серҳашам бўлган. Аста секин шу мақбаралар ёнида марҳумга бағишлаб ўтказиладиган маросимлар учун ибодатхоналар қурила бошланди.

Мастабалар кейинги Миср классик эҳромлари (пирамидалари) нинг яратилишига асос бўлган. Қадимги подшолик даврида қурилган III династия фиръавни **Жосер мақбараси** (тахминан, милoddан аввалги 2800 йиллар, меъмор Имхотеп) биринчи классик пирамидалардандир. Тепага кўтарилиб ва кичрайиб боровчи супачалардан ташкил топган бу пирамиданинг баландлиги 60 метрдан ортиқ. Унинг атрофида турли маросимлар учун мўлжалланган қурилмалар мавжуд бўлиб, пирамида билан узвий боғлиқ ҳолда ягона ансамблни ташкил этади. 1500 кв. м. майдонни эгаллаган бу ансамбль пардозланган девор билан ўраб чиқилган. Ансамблдаги хона, йўлак, даҳлизлар беағига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу ерда биринчи бор, деворларга ёпиштириб ишланган капителли ярим устунлар учрайди.

Жосер пирамидаси ансамблида биринчи бор санъатнинг синфий характери яққол намоён бўла бошлади. Давр идеологиясини тарғиб этиш, фиръавнларни улуғлаш ва илоҳийлаштиришга, фукароларда подшо ҳокимиятининг мустаҳкам эканлигига ишонч туғдириш, шу билан бирга, уларни доим қўрқувда сақлаш ва итоаткор бўлишини ифодалашга қаратилган. Бу пирамида даврнинг сиёсий

характерини тушунишга ёрдам беради, деспотик тузум - худолар даражасига кўтарилган подшоларнинг ҳукмдорлиги нақадар кучли эканлигини намоён этади. Бу ғоя анбамбль маркази - Жосер пирамидасининг катта ҳажми ва композицион ечими орқали очилади. Жосер пирамидасидаги бу ғоя кейинги фиръавнлар даврида янада ривожлантирилди. Милоддан аввалги XXVII асрларда Миср тарихида энг гигант пирамидалар қурилди. IV сулола фиръавнлари **Хуфу, Хафра ва Минкаура** (греклар уларни Хеопс, Хефрен, Микерин деб аташган, тарихда ҳам шу номлар купрок ишлатилади) пирамидаларии бизгача яхши сақланган. Гиза яқинида жойлашган бу пирамидалар ансамблининг ажралмас қисми бўлган **Сфинкс** ҳайкали (одам бошли, шер танали ҳайкал), Хефрен пирамидасига борадиган йўл бошига қўйилган 60 метр узунликка эга бўлган катта сфинкс ҳайкали боши Хефренининг фиръавнлик либосидаги кўринишини акс эттиради. Шу сфинкслар кичрайтирилган нусхалари эса Хефрен ибодатхонасига кираверишда икки томонга ўрнатилган. Пирамидалар ансамбли ичида энг каттаси Хеопс пирамидасидир. Баландлиги 146,6 метр, асоси эса 233 м.

Тарихчи Геродотнинг таърифига кўра, Хеопс пирамидаси 20 йил мобайнида қурилган. Пирамидага тошлар олиб келиш учун керак бўлган йўлни қуриш учун эса 10 йил керак бўлган. Одамлар (қуллар, эркин деҳқон ва хунарамандлар) шу пирамидани қуриш учун ҳайдаб келинган. Бу эса давлат иқтисодига таъсир этмай қолмади, халқ ғалаёнларига сабаб бўлди. Шунинг учун V сулола фиръавнлари ҳажми катта бўлмаган пирамидалар қурдира бошладилар. Лекин пирамида ансамблида ибодатхонага алоҳида эътибор бердилар, унинг ҳажми кенгайди, бадий безагида монументал рельеф ва рассомлик кенг қўлланила бошланди.

Ҳайкалтарошлик. Қадимги подшолик даври ҳайкалтарошлигида реализм усуллари ҳам учрайди, яратилган ҳар бир образда ички руҳий ҳолат, энергия сезилиб туради. Қадимги мисрликлар тасаввури бўйича улкан кишининг портети гўё ўзи каби бўлиши керак деб тушунилган. Шунинг учун ксталар имкони борица ҳайкалларни ўзига ўхшатишга ҳаракат қилганлар. Улар ўз ишларида инкрустациядан ҳам фойдаланганлар., яъни кўз қисмида тоғ хрусталидан, юз қисми эман дарахти ёғочидан ёпиштирилиб, портретда жонли хусусият ҳосил қилганлар. Мисол тариқасида сарой марказидаги портретни кузатишимиз мумкин. Эр.авв 3000 йиллар орасида яратилган бу ҳайкал ҳозирги кунда Лувр музейида сақланаяпти. Оҳактошдан ясалган бу ҳайкалда кўзлар катта-катта, лабларқисилган, шу каби хусусиятлар уни жонлидай, буйруқни кутаётгандай қилиб кўрсатади. Худди шунингдек, ёғоч ҳайкал-амалдор **Каапер** портретини ҳам ўша давр асарига мисол бўлади.

Рангтасвир. Қадимги подшолик даври санъатида рангтасвирнинг ҳам ўз ўрни бор. Бу давр рангтасвири ўзининг ўта нозиклиги, соф бўёқлар мажмуасидан ташкил топганлиги билан кўзга ташланади. Масалан, эр. авв XXVII асрда меъмор Нефермаатанинг Медуми шаҳридаги мақбарасини кузатсак, ўта соф бўёқлар мажмуасидан ташкил топган рангтасвир намунасини деворий сурат мисолида кўришимиз мумкин. Унда рангтасвир ўйиб ишланган нақшлар билан мутаносибликда бўлиб, купрок тилларанг, қизғиш-сарик, зарғалдок, яшил, кўк ва

зумрад ранг кабибўёқлардан куруқ текисликда ишлатилганинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

ЎРТА ПОДШОЛИК ДАВРИ

Кўп йиллик жанглarning давом этиши, форъавнларнинг мақбаралар қурилишида ҳаддан ташқари кўп маблағларнинг сарфланиши Қадимги подшолик даврига келиб мамлакатнинг заифлашишига олиб келади. Натижада мил. авв XXIII асрга келиб Қадимги Миср давлати бир неча вилоятларга бўлиниб кетади. Мил. авв XXI асрга келиб яна мамлакат бирлашуви учун янгидан кураш бошланади. Фиван ҳокими Мисрни Жанубий вилоятлар билан бирлашишига эришади, лекин у ўрта вилоятларни тўла ўзига бўёсиндира олмади, шу роада мустақил шаҳар-давлатчалар юзага келиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлана бошлайдилар. Меъморчилик қурилишида қадимги аждодларига тақлид қилиб, дастлаб гиштдан пирамидалар қурилиши авж олади. Бироқ мустаҳкам қурилмаган ва тез орада емирилиб кетган иншоотлар табиий фанларга мурожаат қилинишига олиб келади. Эндиликда санъат, адабиёт каби фанлар аста-секин ривожланади.

Меъморчилик. Нил дарёсининг ғарбий қирғоғида, Ливия ясси тоғлари этакларидаги фиръавн **Ментухотеп I** мақбараси ансамбли Миср меъморлигининг янги қирраларини намоён этади. Ўрта подшолик даврида қурилган бу мажмуада тўртбурчакли устунлар қўлланилган, юзасига эса Ментухотеп I номи ўйиб ёзилган. Меъморлик комплекси қоя ичига ўйиб ишланган хоналар билан узвий боғлиқ бўлиб **Дейр-эл Бахрида**ги мажмуа деб юритилади.

Ҳайкалтарошлик. Қадимги Мисрда янги изланишлар давомида инсоннинг айрича қиёфаси ҳам четда қолмади. Бундай изланишлар махсулини XII сулола ҳукумронлиги даврида кўрамиз. Айн пайтда фиръавнлар улкан иншоотлар олдида маъбудлар ҳайкаллариини ҳам ўрната бошладилар. Айнан шу ҳайкаллар пластикасиёзида ўта зарур ишлов талаб қилиб, шахсий хусусиятларни юзага чиқарган. Масалан: **Сенусерт III** портретини кузатарканмиз, чуқурликда жойлашган кўзлари, камонсифат қошлари, бўртиб чиққан мускуллари унинг мураккаб хусусиятларга эга бўлган инсон эканлигидан далолат беради. Худди шундай **Сенусерт III**нинг ўғли **Аменхотеп I** нинг ҳайкали ҳам бунга мисол бўлади. Аста-секин ҳайкалтарошлик санъатида ўзгаришлар юз бера бошлади, унинг мазмуни кенгайиб, рельефда ҳаётнинг турли мавзулари ўз аксини топа бошлади. Масалан, мил авв. XX асрга яқин ҳукумронлик қилган Менрида шоҳи Сенбуни ҳайкалини кўриш мумкин., унинг қабридаги тасвирда ов мавзусини кузатиш мумкин. Ҳайвонлар эркин, илгарига нисбатан янада жонлироқ қилиб тасвирланганини кўриш мумкин. Бу ерда овчилар ҳайиқиб, тепалик ва дарахтлар орасида яшириниб юрган ҳайвонлар кўзга ташланади. Умумман Менри рельефларида қизгин меҳнат нафаси сезилади.

Рангтасвир. Ўз навбатида рангтасвир ҳам фиръавнларнинг ибодатхона ва мақбараларини безатишда асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Бу ерда нафис санъатнинг бу тури мустақил равишда Қадимги подшолик намуналарига нисбатан кенг ривожланди. Яратилган бўёқлар майин ва ялтироқ кринишга эга бўлиб, рассомлар куруқ грунтдан фойдаланишган. Тилла ранг яшил ўтлоқлар, зангори

гуллар, бажарилган ишларнинг асосини ташкил этган. Айрим пайтларда бажарилган ишлар мукаммал рангтасир даражасига етган. Шундай манзаралардан бири мил.авв XX асрга тегишли Хнумхотеп II макбарасида учрайди. Тасвирлардан бирида Нил дарёси бўйида ов манзараси тасвирланган бўлиб, шохнинг турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади. Қолган тасвирларда шохдан-шохга сакраб, учиб юрган қушлар, ёввойи мушук тасвири жуда ҳам мукаммал ечимга эга. Айниқса мушукнинг юмшоқ мўйнаси шу қадар нафис бажарилганки, бу ҳолат рассомнинг ўта моҳир эканлигидан далолат беради.

ЯНГИ ПОДШОЛИК ДАВРИ

12 сулола давомида ҳукумронлик қилган фиръавнлар сулолалар емирилишига Ўрта подшолик даврида бошланган иқтисодий инқироз сабабдир. Бундай ҳолат Янги подшолик даврига келиб барҳам топа борди. Бунинг асосий сабабларидан бири эса, Мисрнинг мил.авв 1760 йилларга келиб Олд Осиё босқинчилар томонидан забд этилганлиги эди. Лекин мил.авв XVI аср ўрталарига келиб, келгиндилар Миср еридан ҳайдаб чиқарилади ва Миср ягона ва қудратли давлатга айланади. Жуда катта ер ва бойликларга эга бўлган бк давлатмил.авв II асрга келиб, ягона давлат ва ягона динга эга бўлиб, улкан қурилишлар олиб борилади. Уларнинг бу интилиши **Амон** маъбуди атрофига бирлашиши ва Қадимги Мисрда қабул қилинганидек Қуёш маъбуди **“Ра”**га сажда қилиш қилиш билан якунланди.

Меъморчилик. Янги подшолик даврида аниқ тўртбурчак шаклида қурилган ибодатхоналар типини кенг тарқалди. Бу ибодатхоналар уч қисмдан, устунлар билан ўралган очик ховли, устунли зал ва сиғинадиган хонадан ташкил топган. Ибодатхона олдида сфинкслар аллеяси бўлиб, у тошпардаларга ўхшаш трапециясимон пилонлар томон йўллайди. Пилонлар олдида эса обелиск ва фиръавнларнинг ниҳоятда катта ҳайкаллари ўрнатилган. Бу ҳайкаллар орасидан ичкарига кириш учун тор эшиклар қолдирилган. Ичкари эса аста қоронғилашиб боровчи гигант устунли очик ховли, заллар ва ниҳоят, қоронғулашган ғорсимон хона - муқаддас хона билан тугалланади. Бу меъморлик мажмуаси ягона ғояга - илоҳиётга борадиган йўлнинг тўғри ва машақатли эканлигини хис этишга қаратилган. Илоҳиётга яқинлашган сайин инсон ўзида тушқунлик хисларини сезиши ва илоҳий куч - худо олдида, диний сирлар олдида ўзининг бир заррача эканини хис этиши керак эди. Бу ҳиссиётнинг пайдо бўлишида ибодатхонада аста-секин ёруғликнинг йўқолиши ва энг сўнггида бутунлай йўқ бўлиши ҳисобига эришилади. Фивадаги **Карнак** ва **Луксор** ибодатхоналари гигант меъморлик комплексларидандир. Карнак (милоддан аввалги XVI аср меъмор Инени) ва Луксор ибодатхоналари (милоддан аввалги XV аср меъмор кичик Аменхотеп)да меъморлар биринчи бор очик ховли атрофини колонадали ечиб, янги подшолик меъморлигининг ўзига хос томонларининг шаклланишига асос солдилар. Бу комплексларда қадимги Миср меъморлик анъаналарининг муҳим томонлари ўз ифодасини топди, шу билан бирга, тантанали ва ҳашаматли бўлиб бораётган маросимлар билан алоқадор меъморликнинг янги кўринишлари намоён этди. Ибодатхоналар учун ишлатилган устун юзалари, деворлар рангли рельефлар

билан безаб чиқилган. Ибодатхоналар учун ишлатилган устун капителлари ҳам характерли. Меъморликнинг санъат даражасидаги кўриниши подшо аёл **Хайкалтарошлик**. Миср санъатида турли ҳайвонларнинг ҳайкали ҳам жонли ишланган. Айниқса муқаддас ҳисобланган мушук, лочин, бука ҳайкаллари жонли чиққан. Қадимги Миср санъатида мақбара ва ибодатхоналарнинг ажралмас қисми бўлган рельеф ва деворий суратлар кўп ҳолларда ёзув сингари юзага лентасимон фризи сифатида жойлаштирилади ва иероглиф ёзувларга ўхшаб кетади. Уларда бир хил шакллар кўп ҳолда қайтарилиб, унинг ритмиклик хусусиятини орттиради. Рельеф ва деворий суратларнинг яна бир хусусияти, бу фиръавн ва оддий кишиларни тасвирлашда турли масштабнинг олинисиدير. Одатда, фиръавнлар бошқаларга нисбатан катта, унинг яқин одамлари кичикроқ, қолганлар яна ҳам кичик қилиб тасвирланади. Одам тасвирини ишлашда бош ён томондан, куз эса олдинга қараган, гавда, елка олд томондан, оёқлар эса ён томондан тасвирланади.

Рангтасвир. Рельеф ва деворий рассомлик учун табиий минерал бўёқлар ишлатилган. Бу яратилган асарларнинг декоратив томонини белгилашда муҳим ўринни эгаллаган. Одамларнинг қизғиш-жигар ранг ва оч-сарғиш оҳрадаги гавдалари, қора соч, оқ кийимлари кўпинча мовий осмон рангидаги фонда алоҳида кўриниш кашф этган. Қадимги Миср реалистик санъатининг энг гуллаган даври янги подшолик даврига тўғри келади. Рассом ва ҳайкалтарошлар зодагонлар ҳаётига бағишланган сержило деворий суратлар, нафис рельеф ва ҳайкалтарошлик асарлари яратдилар. Улар асрлар мобайнида сақланиб келаётган канонлардан четга чиқиб, ҳаётий композициялар яратдилар, асарларнинг пластик, эмоционал томонларига эътиборни қаратдилар, ранг палитраларини кенгайтдилар. Янги подшолик даври санъатидаги бу ҳислатлар ислохотчи фиръавн Эхнатон даврида ўзининг энг ривожланган даврини бошидан кечирди.

Амарна даври Амарна санъати деб ном олган Эхнатон асри (милoddан аввалги XV- XIV асрлар) Миср маданияти тарихида қисқа бўлса ҳам, лекин у аввалги санъатнинг яхши томонларини ўзига сингдириб, уз навбатида, уни янги поғонага кўтарди. Миср санъатининг кейинги тараққиётига таъсир кўрсатди. Шу даврда яратилган фиръавн Эхнатон ва унинг оиласига бағишланган ҳайкал ва рельефлар айниқса жонли чиққан. Миср санъатида реалистик асарлар яратишга интилан ҳайкалтарош Тутмеснинг Нефертити, Эхнатон ва унинг қизлари Меритатон ва бошқа ҳайкалларининг юксак маҳорат билан ишланиши ҳамон кишиларда эстетик завқ бахш этмоқда.

Амалий-декоратив санъати борасида ҳам мисрликлар ажойиб намуналар яратиб қолдирдилар. Алебастр ва тошлардан ясалган ажойиб кўзалар, инкрустация услубида олтин ва қимматбаҳо тошлардан ишланган безак буюмлар, нодир дарахт ёғочларидан ясалиб, олтин ва фил суяги билан безатилган мебеллар қадимги подшолик давридаёқ юксакликка эришди. Ўрта ва янги подшолик даврида эса у янада нафисланиб борди. Пардоз буюмлари, турли қутичалар нозик дид билан бажарилган. Тутанхамон мақбарасидан топилган зирак, маржон,

кутича ва мебеллар нозик дид билан инкрустация қилинган. Улар фил суяги, қимматбаҳо ёғоч бўлакларидан қадаб инкрустация ишланган (масалан, кутичани ишлаш учун 20 мингдан ортиқ шундай фил суяги ва қимматбаҳо ёғоч бўлаги ишлатилган). Тутанхамон тахти рельефи ҳам ўз жозибаси билан хотирада қолади.

СЎНГГИ ПОДШОЛИК ДАВРИ

Сўнгги подшолик даврига келиб санъатнинг ривожланиши деярли тўхтаб қолди. Чунки тахт учун олиб борилган тўхтовсиз босқинчилик урушлари нафақат санъат ривожига, балки мамлакат иқтисодига ҳам қаттиқ зарба берди. Қурилиш ишлари деярли тўхтаб қолди. Бу даврда яратилган асарлар қаторига ҳайкалтарошлик портретлари кириб келди.

Қадимги Мисрнинг сўнгги гуллаган даври саислик фиръавнларнинг мамлакатни бирлаштирган даври мил.авв VII асрга тўғри келиб, нозик аммо совуқроқ услубнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Рангтасвир ёрқин рангларда акс этган. Бронзадан кичик ҳайкалчалар ишланиб кандакорлик билан безатилган., тилла билан инкрустация қилинган. Бироқ санъат бутунлигича барҳам топмади. Мил.авв 332 йилда Искандар Зулқарнай томонидан Мисрнинг босиб олиниши ўзида қадимги давр санъати ва антик маданиятининг уйғунлиги янги эллинистик маданиятнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

***Иероглиф**-энг қадимги ёзув турларидан бири бўлиб, унда харфлар ўрнига шакллар ишлатилган.*

Сфинкс-ярми одам (аёл) бошли, ярми шер танали фантастик мавжудот.

***Амон**- қадимги Миср афсоналарида Қуёш маъбуди*

***Ра**- қадимги Миср афсоналарида Қуёш маъбуди*

***Инкрустация**-декоратив ишлов бериш кўриниши бўлиб, меъморчилик ёки тасвирий санъат буюмлари юзасига турли материаллар, чизаноқ, қимматбаҳо тош в.х.лар билан ишлов бериш.*

Саволлар:

1. Қадимги Миср меъморчилишининг ўзига хос томони нимада?
2. Қадимги Миср ҳайкалтарошлиги қонун-қоидаси нималарни ташкил қилади?
3. Қадимги Миср рангтасвири қандай кўринишда бўлган?

4-Мавзу: ҚАДИМГИ ОЛД ОСИЁ САНЪАТИ

Режа:

1. Қадимги Олд Осиё санъатига умумий таъриф
2. Оссурия ва Бобил санъати
3. Қадимги Эрон санъати

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.У. «Санъат тарихи» Тема 1. Тошкент, Ўқитувчи, 1986 й.
2. Абдиев В.И. «Қадимги Шарқ тарихи», Тошкент, 1965 й
3. «Всеобщая история искусств» Том-1 М. Искусство»

Интернет сайтлари:

www.uz.wikipedia.org
www.ru.wikipedia.org
www.artclassic.edu.ru
www.artiques.ru

Олд Осиё санъати 4 даврга бўлиб ўрганилади.

1. Халаф даври санъати - милоддан ав. VI – V минг йилликнинг охирларида пайдо бўлган.

2. Урук санъати – эр. ав. III ярим – III минг йилликнинг бошлари.

3. Джемдет – Наср санъати – эр. ав. III - II минг йилликнинг охирлари.

4. Убайд даври санъати – эр. ав. IV – III ярим минг йиллик.

Олд Осиё икки дарё Дажла ва Фрот оралиғида жойлашган бўлиб, эрамиздан аввалгн 5000—4000 йиллардан 539 йилгача Шумер, Аккад, Оссурия, Урарту, Бобил каби қатор давлатлар мавжуд бўлиб, улар жаҳон санъати тарихига ўз хиссаларини қўшишган. Бу давлатларнинг сўнггиси Бобил (Вавилония) эрамиздан аввалги 539 йили Эрон томонидан тобе қилиб олинади ва шу билан Олд Осиёнинг қадимий тарихи тугалланади. Олд Осиёнинг бадиий, тарихий ёдгорликлари Миср санъати сингари кенг ва ранг - баранг. Бу ерда ҳам ҳашаматли сарой ва ибодатхоналар қурилди. Думалоқ ҳайкалтарошлик ва рельефда ажойиб, ўрта динамик, пластик гўзал асарлар яратилди, деворий суратлар, нозик амалий декоратив буюмлар ишланди. Лекин бу ёдгорликлар бизгача кам етиб келган. Бунга сабаб Олд Осиёнинг асосий қисмини ташкил этган Икки дарё оралиғи (Месопотамия)да бир - бирини алмаштириб турган янги-янги давлатлар ўртасида мамлакатга ҳукмронлик қилиш учун доимий кураш борган бўлса, иккинчи томондан, меъморлик ва тасвирий санъатнинг турларини ривожлантириш учун тош, ёғоч ва металлларнинг етарли бўлмаганидан, дейиш мумкин. Сақланиб қолган ёдгорликлар, уларнинг қолдиқлари Олд Осиёда эрамиздан аввалги 4000—3000 йиллардаёқ бу ерда ўзига хос санъат пайдо бўлганлиги ва ривожланганлигидан далолат беради. Шу ерда ёзув пайдо бўлди, меъморлик типлари юзага келди, ҳунармандчилик ривож топди.

Меъморчилик. Қадимги Миср санъатида маҳобатли меъморий ибодатхоналар, йирик ҳайкаллар намуналари билан безатилган бўлса, Олд Осиё санъатида ҳам маҳобатли меъморлик етакчи ўринни эгаллаган, санъатнинг бошқа турлари билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Месопотамия меъморлигининг ўзига хос характерли томонлари эрамиздан аввалги IV минг йилликда Шумер маданияти шаклланган пайтларда юзага келди. Бу даврга келиб, одамлар яшайдиган йирик манзиллар марказида баланд сунъий ёки табиий тепаликлар устига қурилган монументал саройлар марказ вазифасини ўтай бошлаган. Улар, асосан, хом ғишдан ишланган,

девор юзаси пишиқ ғишт, парчин ва қисман тошлар билан қоплаб чиқилган. Бинонинг ташқи девори токчалар ва ярим устунсимон вертикал ҳажмлар билан ажратилган. Бу ҳажмлар бинода ёруғ-соя мослигини кучайтириб, унинг тантановар кўринишини оширган. Бу хусусда Эль Убейддаги сарой (эр. ав. 3000 йиллар) характерлидир. Сарой сунъий тепалик устига қурилган бўлиб, унга зиналар билан чиқилган. Деворининг ички ва ташқи томонидаги ярим устунсимон ҳажмлар унинг пишиқлигини оширишга хизмат қилган. Саройни безаш ишларида рельеф (барельеф, горельеф) кенг қўлланилган.

Улар ёғоч, тошдан ишланган, юзаси юпка мис пластинкалар билан қопланган, кўзлар эса инкрустация қилинган. Олд Осиё меъморчилигининг яна бир ўзига хос хусусияти, ибодатхоналар олдига қурилган, тепага томон кичрайиб борувчи супачалардан ташкил топган зиккурат ҳисобланади.

Бу супачалар зиналар билан боғланган. Зиккуратнинг энг юқори қисмида хона бўлиб, у ерда олтиндан ясалган стол бўлган. Афсоналарга кўра, худо ўз қоҳинлари билан шу стол атрофида гаплашган.

Олд Осиёнинг қадимги даврга хос бўлган тасвирий санъат хусусиятлари Шумер ва Аккад давлатларида (эр. ав. 4000 йиллар охири) кўринади. Бу ернинг ҳайкалтарошлиги ва майда пластикаси мисрликлар ҳайкалтарошлигига нисбатан бирмунча содда, примитив бўлса ҳам, лекин ўзининг ифодали ишланганлиги билан эсда яхши сақланади. Рельефларда эса тарихий воқеалар, жанг юришлари ишланган. Бу ерда думалоқ ҳайкалтарошлик ва глиптика кенг тарқалган. Ҳайкаллар кўп ҳолларда ёрқин бўёқ билан бўялган бўлиб, инкрустация услубида ишланган ҳайкалларни эслатади. Маҳобатли ҳайкалтарошлик асарларида ҳар бир тасвирланувчининг индивидуал хусусиятларини очиқ беришга, ички дунёсини яратишга интилиш сезилади.

Аккад подшолиги (эр. ав. XXIV—XXII асрлар) даврида Олд Осиё ерлари ягона давлатга бирлаштирилди. Шу даврда тасвирий санъат реализми ортди. Айни шу даврда Шумер достони Гильгамеш афсонаси шаклланди. Аккад давридан сақланиб қолган ҳайкал ва рельефлар ҳаётийлиги билан характерланади. Уларда пропорциялар тўғри, хатти - ҳаракатлар табиий, деталлар аниқ ва декоратив планда ишланган. Хаммурапи (эр. ав. 1792 - 1750 йиллар) подшолиги даврида ҳам Олд Осиё санъатида нодир меъморлик ва тасвирий санъат ёдгорликлари юзага келди. Хаммурапи қонунларининг тексти ўйиб ишланган тош тахта ва унинг юқори қисмидаги Хаммурапининг қуёш худоси тасвирланган боши. Эрамиздан аввалги I минг йилликда Оссурия йирик кулдорлик давлатига айланди. Эрамиздан аввалги VII асрга келиб, у бутун Олд Осиёни ўзига бўйсундириб олди ва ягона давлат ташкил этди. Шу даврда ҳашаматли сарой, ибодатхоналар вужудга келди, суронли жанглар, ов манзараларини ифодаловчи ҳаяжонли бўртма тасвирлар яратилди. Меҳмонхона, ётоқхона ва диний маросимларга мўлжалланган хоналардан иборат бўлиб, улар алоҳида очиқ ҳовли атрофида жойлаштирилган. Саройга киравериш дарвозаларининг икки ён томонига эса канотли, одам бошли қўтос - шеду ўрнатилган. Бу ҳайкал табиий кучлар рамзи бўлиб подшони «ёмон кўздан» сақлашда хизмат қилган. Сарой хоналари деворий сурат ва бўртма тасвирлар билан

безатилган. Бу тасвирларда подшонинг ҳарбий юришлари ҳамда афсонавий қахрамон Гильгамиш қахрамонликлари ифодаланади.

Эрамиздан аввалги 612 йили Оссурия Бобил ва Мидия подшолиги юришлари туфайли ўз умрини тугатди. Лекин унинг санъати қадимги дунё халқлари санъати ривожига катта таъсир қилди.

Эрамиздан аввалги VII аср охирига келиб, Бобил янги ривожланиш даврини бошидан кечира бошлади. Навуходоносор II (эр. ав. 605—562 йиллар) подшолик қилган йиллар Боилда шаҳар қурилиш ишлари авж олдириб юборилди, шаҳар урилиши план асосида тикланиб, янги бинолар қурилди, атрофи қалин девор билан ўраб чиқилди. Шаҳарнинг саккиз дарвозаси бўлиб, улар ичида Иштар дарвозаси ўзининг кўркем ва серҳашамлиги билан ажралиб турар эди. Шу дарвозадан шаҳарнинг бош ибодатхонасига борадиган йўл бошланар эди. Бош ибодатхона ёнида эса 90 метрли катта Бобил минораси қурилган эди.

Навуходоносор II саройи ҳам серҳашам, безакка бой бўлиб, “осма боғлар” кўйнида эртақнамо кўриниш кашф этган эди. Бобил санъати узоққа чўзилмади. Эрамиздан аввалги 539 йили Эрон қўшинлари томонидан босиб олинди. Шу билан Олд Осиё халқлари қадимий санъати тарихи ўз умрини тугатди. аги тоғлик районлардан бирининг ҳукмдори бўлган. Эрамиздан аввалги VI аср ўрталаридан бошлаб, ўз ерларини кенгайтиришга киришган. Дастлаб Мидия подшолигига қарши кўзғолон кўтариб, уни қарамликдан қутултирган ва Эрон ҳамда Мидиянинг подшоси бўлиб олган. Сўнгра Бобил, Ўрта Ер ҳавзасидаги қатор ерларни босиб олиб, давлат чегарасини янада кенгайтирган. Шарқий чегараларни ҳам кенгайтириш нияти ва режалари унинг давомчилари томонидан амалга оширилган. Доро I юришлари натижасида бу подшолик чегараси Орол денгизидан Ҳинд океанигача, Кичик Осиё ва Миср ерларидан Хитой чегараларигача бориб етган.

Амалий безак санъати. Месопотамияда амалий безак санъати ҳам юксакликка эришди. Заргарлик, тоштарошлик борасида нодир асарлар яратдилар. Турли нодир маданлар билан қадама буюмлар ясаш борасида санъаткорлар катта муваффақиятларга эришдилар.

ОССУРИЯ ВА БОБИЛ САНЪАТИ

Оссурия Олд Осиёнинг цивилизацияси анча кўзга кўринган давлатларидан бири ҳисобланади. Эр. ав. I минг йилликни биринчи ярмида Оссурия гуллаб яшнаган. Оссурия эр. ав. I минг йилликда ҳарбий кучли армияси бўлиб, ер чегараси Ўрта денгиздан Миср ва Фивагача чизилган. Оссурияда меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъати кенг ривожланган, бизгача парчаланган ҳолда етиб келганлигига қарамай хусусиятларини ўзига мос ҳолда кўриш мумкин. Оссурия дунёвий давлат, яъни дин иккинчи ўринни эгаллаган. Ҳайкалтарошлар худоларни эмас балки, ҳукумдорлани тасвирлашади. Меъморчиликда Хетт ва Шумер I таъсири жуда катта.

1. Иморатлар ҳовлили қурилган, атрофида уйлар жойлашган.
2. Тепаликда қурилган, хом ғишт ва тошдан қурилаган.

Олд Осиё архитектураси Қадимги Миср архитектурасидан кескин фарқ қилади, чунки бу ерларда мавжуд қурилиш хом ашёлари Мисрда мавжуд хом ашёларга ўхшамас эди. Яқин Шарқ маданий ўчоғи бўлмиш Месопотамияда асосий хом ашё

сифатида лойдан тайёрланган хом ғиштдан фойдаланилган. Бу ерда тош бўлмаган. Бинолар уст қисмини ёғочлар ёрдамида ёпилган.

Ашшурбанапал ва Ашшурнасирапал даврида санъат ва архитектура ривожланди. Бу даврнинг нодир меъморий обидаларидан Дур Шаррукен саройидир. Бу сарой архелогик қазилар ишларида топилган бўлиб, унинг ўзига хос режа ва лойихаси билан эътиборлидир. Ундаги хайкалтарошлик намуналари билан бирга маҳобатли деворий суратлар, маҳобатли бўртмалар ишланиш даражасининг етуклиги ва юқори бадиий савияси билан лол қолдиради. Қадимги Оссурия хайкалтарошлигининг энг нодир намуналари – Ашшурбанапал ва Ашшурнасирапал даврига оид бўртмалардир. Бу бўртма сарой интерьерининг деворининг қуйи қисмига ишланган. Унинг ҳажми 600 кв метрни ташкил қилади. Ишланиш сифати ва даражаси юқори бадиий ечими билан ҳозирги давр бўртмаларидан қолишмайди. Уларда Хукмдорлар олиб борган жанг воқеалари ва ов мавзуси етакчилик қилади. Подшолар образининг илгари суриш ва тасвирларда уларнинг жусслари бошқаларга нисбатан йирикроқ ўлчамда берилиши билан миср санъатига яқиндир. Даврнинг нодир санъат асарлари- “Шеду хайкали”, “Ашшурбанапал ва Ашшурнасирапал саройи бўртмалари” ва ҳаказо. Оссурия Хайкалтарошликда ўтган Бобил ва Митаннилар санъатига тақлид қилиш кузатилади.

Янги Бобил санъати. (мил.авв.VII - VI асрлар). 612 йилда Оссурия пойтахти Ниневия Бобил шоҳи Набопалассар томонидан қўлга киритилади. Бу даврда Бобилнинг Олд Осиёда йирик сиёсий ва савдо - сотиқ марказларидан бирига айланади. Навуходоносор Янги Бобилнинг энг кўзга кўринган давлат арбоби сифатида тарихда ўчмас из қолдирди. (э.ав. 604 -562 йй). Навуходоносор Янги Бобилда қайта қуриш ишларини бошлаб юборади. Унинг шаҳарсозлик ва ирригацион соҳаларда олиб борган ишлари тўғрисида грек тарихчи ва файласуфлари: Геродот, Диодор ва Страбонларнинг ўз ёзувларида фикрларини баён этишган. Бу даврда меъморлиқнинг етакчи ўриндалиги, давлат ҳокимияти ва диний бошқарув бир-биридан ажралмас тузилмага айланганлиги сабабли маҳобатли иншоотлар таркиби ва топиниш қурулмаларидан иборат эди. Бундай диний маъмурий иншоотлар баланд деворлар билан ўралган бўлиб, шаҳарлар ҳудудлари ҳам қалъа деворлари ва мудофаа иншоотлари билан мустаҳкамланган.

Шаҳар марказида баланд деворлар билан ўралган диний –маъмурий мажмуа барпо этилади ва улкан зиккурат қурилади. Бу зиккурат зинапоясимон пирамида шаклида бўлиб, умумий баландлиги 90 м, асосий томонлари узунлиги 60 метр эди. Бобил шаҳрида турли кўринишдаги қурилмалар ривожланди. Унинг ташқи ва ички кўриниши мудофаа деворлари билан ўралди. Мудофаа деворлари 8 та қиринш дарвозаларига эга бўлди. Ушбу дарвозаларнинг турли маъбудларга бағишлаб қурилганилиги аҳамиятлидир. мил. ав. VIII аср охири Саргон II томонидан қурилагн Дар – Шаррукена шаҳридан қурилагн (ҳозирги Хорсобод) саройини кўриш мумин. Сарой катта майдонни эгаллайди, тўғри тўрт бурчак шаклда, шаҳар четига қурилган сунъий терасса 14 м баландликда хом ғишт ва тошдан 3 қисмдан иборат: Тантанали қисми, яшаш қисми, муқуддас жой (ибодатхона).

Оссурия меъморчилик санъатининг хусусиятларидан бири, саройнинг ҳар бир қисми бир – бири билан боғлиқлигига қарамай, керак бўлса ажратишга

мўлжалланган, сарой, бой бадавлат кишиларнинг уйлари мустаҳкам қалин деворлар билан мудофаланган.

Саройнинг кириш қисмининг икки томонида Шеду ҳайкали (манументал ҳайкалтарошликнинг бир тури, олди ҳайкал яъни барелльеф 5 та оёқи ён томондан қараганда кўринади) эгаллаган. Боши одам, танаси ҳукиз қанотли – афсонавий кўриқчи хусусияти – бор бўйи тасвирланган жисмоний кучи кўрсатилагн.

XIII асрга эса келиб, меъморчиликнинг бир тури Битхилани қурилмаси ҳисобланган. Бу қурилмалар Битхилани саройи – ибодатхона бўлиб унинг луғавий маъноси “галерея-уй” ҳисобланади. Битхилани тўрт бурчакли бўлиб, энг узун қурилма томони олдидаги фасад ҳисобланган. У мустаҳкам миноралар билан ўралиб бино кўпинча тепаликка жойлашган бўлган, бу ўз ўрнидаи узоқдан кўзга ташланиб туриши лозим бўлган. Хом ғиштдан қурилиб усти сувоқдан чиққан ва сариқ охра билан бўялган. Ранглар кўп миқдорда қўллашнилган, кўпинча оч рангларда ишлатилган. Олд Осиё меъморий қурилмаларнинг бадий услубиётлари кейинчалик янги бобил санъатини ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган.

Ҳайкалтарошлик. Ҳайкалтарошликда Алибастрдан кенг фойдаланишган. Бадий томони рельеф подшо ови – реалистик ҳаракат сезилиб туради. Динамик ҳолатда. Асосий мақсади подшони улуғлаш бўлган. Подшо ҳайкаллари жуда бўрттирилиб ишланади, мускуллари, қомати юзидаги характери янада кўзга ташланадиган даражада юксак кўрсатилади. Бўртмалари – асосий мавзуси ов, жанг манзаралари, яраланган шер, бўртмаларида ранглари шартли. Оссурия бўртмалари ва ҳайкаллари меъморчилик биноларига бўйсунган ҳолда ишланган. Оссурия тасвирий санъатни ўрганишда ва унга баҳо беришда девордаги бўртмалар катта аҳамиятга эга. Бўртмаларни энг кўзга кўринган намунаст Саргон II, Ашшурбанапал ва бошқа ҳукумдорларнинг саройларида кўришимиз мумкин. Бўртмалар алибастир плиталарда ишланган бўлиб, хом ғиштдан қилинган деворга ёпиштириш орқали кўп метрли, бир – бирига композициялар сюжетли ва маъно жиҳатдан боғлиқ эди. Бу бўртмаларда Оссурия подшоларининг ҳарбий юришларидаги ғалабалари ва овдаги муваффақиятларини акс эттириган бўлиб, соч ва соқоллари қалин қилиб ишланган. Бунга мисол қилиб Ашшурнасирапал II нинг кўлида идиш ушлаган ҳолатдаги тасвирини кўришимиз мумкин. Бу бўртмаларни ўзига хос хусусиятларнинг яна бири улар оқ фонда, қора, кизил, кўк, яшил ва сариқ рангларда бўялганлигидир. Оссурия бўртмалари X асрга келиб, композициялардаги образларнинг ҳаракатлари аниқ қилиб ишланади. Ундаги ранглар жуда моҳирона ва бир хил услубда ишлатилган. Сочларни қора, қорамтир, жигар ранг, одамлар ва ҳайвонларнинг юзлари кийимлари кизил тақинчоқлари тилларангда ишланган.

Эрон санъати. Милоддан аввалги VI асрда вужудга келган **Эрон подшолиги** (бошқача қилиб айтганда, Ахмонийлар подшолиги) Шарқдаги биринчи энг катта давлатлардан бири - **империя** ҳисобланган. Бу подшоликнинг асосчиси Ахмонийлар сулоласидан чиққан Кир II (Қайхусрав II) бўлган. У дастлаб Эроннинг жануби-ғарбларида ҳукумронлик қилган. Шу даврда унинг санъати ва маданияти ҳам мисли кўрилмаган даражада раванқ топди. Шу асрларда ҳашаматли саройлар, мустаҳкам мақбаралар юзага келди. Олтин ва қимматбаҳо тошу инжулардан нафис уй, ов ва жанг буюмлари, қурол- аслаҳалар ишланган. Сержило сопол идишлар

ясалди, кимматбаҳо кимхоб материаллар тўқилди. Ҳайкалтарошлик (кўпроқ бўртма тасвир тарзида), деворий суратларнинг нафис ёдгорликлари юзага келди. Бизгача шу давр санъат ёдгорликларидан жуда кам миқёсда намуналар етиб келган, айримлари эса тасодифий парчаларда сақланган. Лекин, шунга қарамасдан, улар ҳамон ўзларининг жозибаси, ишланишдаги юксак маҳорати билан кишиларда катта таассурот қолдиради. Ахмонийлар даври санъатида ҳам қадимги дунёнинг бошқа давлатларда бўлгани сингари (масалан, Миср, Олд Осиё ва ҳ. к.), меъморчилик етакчи ўринни эгаллади.

Меъморлар ўзларининг қурган серхашам ва маҳобатли саройларида давр улуғворлигини акс эттиришга, ҳукмдорларнинг куч-қудратини куйлашга ҳаракат қиладилар. Бундай сарой қолдиқлари Ахмонийлар давлатининг пойтахтлари Пасаргада, Персеполь ва Сузада сақланиб қолган.

Персеполдаги сарой ансамбли (мил. авв. VI—IV асрларда қурилган) ўз кўриниши ва қурилиши жиҳатидан Олд Осиё (Оссурия) меъморчилигини эслатади. У ҳам бевосита тепалик устига қурилган. Саройга кенг ва кўркам қилиб қурилган зинапоялар орқали чиқиладиган бўлган. Зинапоя ва устунлар бўртма тасвирлар билан безатилган бўлиб, бу тасвирларда шоҳлар ҳаётидан олинган воқеалар ўз ифодасини топган. Бу суратларда шоҳлар каромати ва улуғлигини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Саройга 17 метрли тўртта устундан ишланган пропилай (дарвоза) орқали ўтилган. Дарвоза ён томонларнда эса қанотли муқаддас ҳўкизлар ҳайкали ишланган. Саройдан чиқиш томонида ҳам муқаддас ҳўкизлар ҳайкали бўлиб, улар одам бошли бўлган. Сарой ансамблида **ападана** (шоҳ қабулхонаси), омборхона, яшаш ва ишлаш учун мўлжалланган хоналар бўлган. Унинг майдони катта бўлиб (62,5X62,6 м), уч томондан икки қаватли айвонлар билан ўралган. Айвон учун енгил ва нафис устунлар ишлатилган. Уларнинг баландлиги 13,6 м бўлган. Ўстунларнинг капителлари муқаддас ҳўкизлар ҳайкалига ўхшатиб ишланган. Ҳайкалларнинг юзаси эса олтин пластинкалар билан қопланган. Сарой хоналари, деворлари, зинанинг ён томонидаги юзаларга бўртма тасвир (рельеф)лар ишланган. Бу тасвирлар қизил, яшил, кўк, сариқ ранглар билан бўяб чиқилган. Бўртма тасвирларда шоҳ ҳаёти ва фаолиятига бағишланган мавзу етакчи ўринни эгаллайди. Саройга борадиган зинанинг ён томонида ишланган бўртма тасвирларда турли миллат элчиларининг шоҳга совға-салом билан келишлари акс эттирилган. Бу тасвирда 33 миллат ва элат вакиллари кўрсатилган. Уларнинг кийимлари характери, этник тузилиши аннқ деталлар билан кўрсатилган. Доро I даврида Сузада катта қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ердаги сарой қурилиши учун жаҳоннинг 12 мамлакатидан қурилиш ва пардозлаш материаллари, Ўрта Осиё (Хоразм ва Сўғиёна)дан ҳам бу ерга лазурит ва кимматбаҳо тошлар келтирилди. Юнон ва Миср, Ливия, Бобил усталари бу қурилишда катнашди. Эр. ав. VI - IV асрларда барпо этилган бу меъморлик ансамбли Персеполь саройи қурилиши принциплари асосида қурилган, лекин унинг ападанаси жуда ҳашаматли бўлган. 10 400 кв. м майдонни эгаллаган шоҳ саройи учун 20 метрли устунлар ишлатилган, уларнинг диаметри 1,6 м бўлган. Керамикадан ишланган панно ҳам характерли. Илик ва жарангдор ҳаво ранг, сариқ, яшил, оқ, қора бўёқлар гаммасида ишланган бу панно саройнинг

тантанавор бўлиб кўринишида муҳим ўрин тутган. Пасаргада саройи, Нақши Рустамдаги (Персеполь яқинида) Эрон шохлари мақбаралари ҳам бўртма тасвирлар билан безатилган.

Ахмонийлар давлати қадимги Шарқнинг сўнгги йирик давлатларидан эди. У мил. авв. 331—330 йилларда Александр Македонский раҳбарлигидаги қўшинлар томонидан барбод этилди. Кейинчалик бу йирик Эрон империяси ўрнида бир қанча эллинистик давлатлар юзага келди.

Ахмонийлар даврида вужудга келган санъат Ўрта Шарқ халқлари тарихида муҳим ўринни эгаллайди. Бу санъат бевосита Ўрта Шарқда яшаган халқларнинг янги ўзаро муносабати натижасида, атрофдаги халқлар санъати таъсирида раванқ топди. Жумладан, Персеполь ва Суза саройларини қуришда Суғд, Бактрия ва Хоразмдан келган уста ва санъаткорлар меҳнат қилганликлари ҳақидаги маълумотлар мавжудлиги шундан далolat беради. Шу билан бирга, Ахмонийлар даври санъати атрофдаги мамлакатлар санъатига, жумладан, Ўрта Осиё санъати тараққиётига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган.

Таянч иборалар:

Персепол-Қадимги Эрон давлатининг пойтахти.

Ападана- Қадимги Эронда шох қабулхонаси.

Майолика-Сопол юзага ишланган рангли, глазузли декоратив кўриниш.

Пропорция-Предмет қисмларининг бир-бирига мутаносиблиги.

Шеду-Қадимги Месопотамия афсонасида учрайдиган қанотли, шер танали ва эркак бошли маъбуд.

Гилгамеш-Қадимги Месопотамия афсоналарида учрайдиган қахрамон.

Саволлар:

1. Қадимги Олд Осиё санъати дейилганда қайси ҳудудлар санъати тушунилади?
2. Қадимги Олд Осиё меъморчилиги кўриниши қандай бўлган?
3. Қадимги Олд Осиё ҳайкалтарошлиги қандай принципларга таянган?

5-МАВЗУ: АНТИК ДАВРИ САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ. ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ.

Режа:

1. Антик давр тушунчасига умумий таъриф.
2. Эгей ва Крит-Микен санъати.
3. Қадимги Юнонистон санъати даврий босқичлари.
4. Қадимги Юнонистон, меъморчилиги, ҳайкалтарошлиги.
5. Қадимги Юнонистон амалий санъати.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.У. «Санъат тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1986 й.
2. Абдиев В.И. «Қадимги Шарқ тарихи», Тошкент, 1965 й
3. «Всеобщая история искусств» Том-1 М. Искусство»

Интернет сайтлари:

www.uz.wikipedia.org

www.ru.wikipedia.org

www.artclassic.edu.ru

www.artiques.ru

Антик ибораси лотинча “антиквус” сўзидан олинган бўлиб, “қадимги” деган маънони билдиради. Бу ибора XV асрда Италия гуманистлари томонидан киритилган бўлиб асосан қадимги Грек – Рим маданияти ва санъатини таърифлаш учун ишлатилган. Эр. ав. 3000 йиллардан то янги милоднинг V асригача Ўрта ер ҳавзаси ҳамда Қора денгиз соҳилида мавжуд бўлган қулдорлик жамиятининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва инқирозга юз тутишни таърифлайди.

Европа, Осиёнинг бир қисми ҳамда Шимолий Африкада яшаган халқ ва қабилалар санъати ҳам қисман антик санъатга алоқадор. Чунки улар ҳам қисман антик санъатини узоқ вақт бошдан кечирган илк ва римликлар санъатга қисман алоқадор. Улар санъат маданиятидан баҳраманд бўлган, айрим даврларда грек ва римликлар санъатига ва маданиятига ўз таъсирларини ҳам ўтказганлар. Шунинг учун антик санъат ва маданият дейилганда, шу халқлар ва қабилалар санъати ҳамда маданиятини ҳам назарда тутиш лозим. Албатта, антик дунё маданияти ва санъатининг ижодкорлари қадимги Юнонистон ва унга яқин бўлган оролларда қачонлардир яшаб ижод этган қадимий грекларнинг аждодлари бўлишган. Улар шундай жозибали, нозик ва нафис санъат асарларини яратдиларки, булар ҳамон кишига эстетик завқ бериб келмоқда.

Юнонлар ўзларини *эллинлар* деб, ўз мамлакатларини эса *Эллада* деб атаганлар. Эллада санъати кейинчалик Искандар Зулқарнайн босиб олган жуда катта империя санъатининг ривожланишига таъсир ўтказди. Элладаликлар санъати Қадимги Рим санъатига таъсир этди. Римликлар грек санъатини эъзозладилар, ўргандилар ва уни янги поғонага олиб чиқдилар. Антик маданияти ва санъати тарихи 476 йили Рим империясининг қулаши билан тугалланишини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Антик санъат асрлар мобайнида инсониятни мафтун этиб, уни ўзига жалб этиб келмоқда. Европа халқлари шу санъат ва маданиятга, грек ва римликлар яратган маънавий бойликларга мурожаат қилиб келдилар. Бугунги Европа санъати ва театри, адабиёти ва фалсафаси антик дунёга суянади. “Греция ва Рим қуриб берган пойдевор бўлмаганда — ҳозирги Европа ҳам бўлмас эди”,— деган экан донишмандлардан бири. Дарҳақиқат антик санъатнинг Европа ва жаҳон санъатига таъсирини янада равшанроқ ҳис этиш имкониятини беради.

Уйғониш даври, XVII асрда пайдо бўлган классицизм бадий оқими намояндалари ижоди ҳам антик дунё санъатига тақлид қилиш асосида ривожланди. Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқлари ҳам эллинлар маданияти ва санъатидан баҳраманд бўлдилар. Буни Ўзбекистон тупроғидан топилган ва топилаётган грек маданияти ва санъатига оид жуда кўп намуналар ёки улар таъсирида яратилган маданият ёдгорликлари ҳам исботлайди.

ЭГЕЙ ВА КРИТ – МИКЕН ДАВРИ САНЪАТИ

Эгей санъати асосан Грек санъат билан бошланади. Эгей маданияти эгей оролида ривожланади. Эгей маданияти инглиз археологи *Артур Эванс* томонидан ўрганилган. Эгей маданияти, тили, диний тушунчаси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Антик маданияти узоқ вақт давомида ривожланиб борди. Унинг ривожланишида Пилопоннес ярим ороли ва Эгей денгизидаги кўпгина ороларда, кичик Осиёнинг ғарбий соҳилларида милoddан аввалги III – II мингинчи йилларда яшаган қабилалар маданияти муҳим рол ўйнайди. Антик дунёнинг энг қадимги тарихи “Эгей” ёки “Крит - Микен” маданияти билан бошланади. Бу маданият ёдгорликларининг дастлабки археологик кашфиётлари Микена ва Критда топилганлиги ва мўллиги туфайли бу санъат адабиётларда баъзан Крит – Микен санъати деб ҳам юритилади. Эгей маданиятининг энг гуллаган даври мил.авв. 2000 йилларга тўғри келади. Бу даврда ҳашаматли меъморчилик композициялар, подшо тасвири ва амалий – декоратив санъат намуналари яратилган. Монументал ҳайкалтарошлик бу ерда учрамайди.

Бу даврда ҳашаматли меъморчилик композициялари, подшо саройлари, тасвирий ва амалий-декоратив санъат намуналари яратилган. Шундай нодир ёдгорликлардан бири инглиз археологи *А. Эванс* томонидан Критдан топилган Кносс саройининг қолдиқларидир. Бу сарой унчалик баланд бўлмаган тепалик устида қурилган. Сарой табиат билан уйғунлашиб кетган. Бинонинг ғарбий томонида хоналар бўлиб, у ерларда подшо бойликлари, қуруллар, катта хумларда турли озиқ-овқатлар сақланган. Марказий томондаги хоналарда эса хунарсанъатларнинг устахоналари жойлашган.

Деворий суратлар мавзуси критликларнинг ҳаёти, меҳнати, ҳордиқ чиқаришига бағишланган. Турли қуш ва ҳайвонлар расми ҳам жонли чизилган. Саройдаги диний маросимларни ўтказиш учун мўлжалланган тахтли зал, айниқса, нафис ишланган. Девор қизил рангга бўялган ва шу ранг устидан оқ тўлқинсимон чизиқлар билан папирус новдаси ва улар орасида фантастик грифонлар - бургут бошли шерлар тасвирланган. Кносс саройида аёл тасвири яхши сақланиб қолingan. Археологлар уни “парижлик аёл” деб номлаганлар. У шаффоф материалдан тўқилган либос кийиб олган. Аёл боши ён томондан тасвирланган. Бу устунлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар пастга томон торайиб борган. Сарой деворларига суратлар ишланган, поллари эса бежирим нақшлар билан безатилган. Деворий суратлар мавзуси критликларнинг ҳаёти, меҳнати, ҳордиқ чиқаришига бағишланган. Турли қуш ва ҳайвонлар расми ҳам жонли чизилган. Саройдаги

диний маросимларни ўтказиш учун мўлжалланган тахтли зал, айниқса, нафис ишланган.

Лекин майда ҳайкалтарошлик (Илон ушлаган маъбуда. Мил. ав. XVI аср), амалий-декоратив санъат, тоштарошлик ва заргарлик санъати борасида критликлар нодир ёдгорликлар қолдирганлар. Улар тоштарошликда жуда моҳир бўлиб, тошдан вазалар ишлаганлар, нафис бўртма тасвирлар яратганлар. Ҳайвонларини (Эчки ўз болалари билан. Мил.ав. 1600 йил), айниқса, турли денгиз ҳайвонларининг бўртма тасвирларини зўр маҳорат билан ишлаганлар. Инкрустация ишлаш, турли ашёлардан бадиий асар яратишда ҳам моҳир бўлганлар (Хўкиз боши шаклидаги ритон). Критликлар кулолчилик санъатида ҳам катта ютуқларга эришганлар. Кулолчилик буюмларини махсус бўёқлар билан сирлаб, юзасини турли нақш, денгиз ҳайвонлари ва қисмликларнинг тасвири билан безаганлар. Камарес кўзаси, Медуза сурати туширилган хум шундай асарлардан .

ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ

Одатда қадимги Юнон санъати тарихи Микенанинг қулаши ва дорийлар томонидан Пелопоннес, унинг жанубида жойлашган ороллар Критнинг босиб олиниши билан бошланади ва мил.авв. XI асрдан то эрамиздан аввалги I асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу тарихий-бадиий давр тўрт босқичдан иборат:

- 1. Гомер даври (мил. авв. XI - VIII асрлар).**
- 2. Архаика даври (мил. авв. VII - VI асрлар)**
- 3. Классика даври (мил. авв. V-IV асрларнинг биринчи уч чораги)**
- 4. Эллинизм даври (мил. авв. IV – мил. I асрлар)**

Қадимги кулдорлик давлатларидан бўлган Юнонистонда жаҳон санъати тарихида биринчи марта демократик принциплар камол топди. Греklar биринчи бор бадиий ижодда инсониятнинг асрий муаммоларини ечишга уриндилар. Улар ботирлик, жасорат, ватан меҳри ва ҳур инсоннинг қудратини улуғладилар, унинг жисмоний гўзаллиги ва маънавий баркамоллигини ифодалаб, идеал, гармоник камол топган инсон образини яратишга интилдилар. Буюк Софоклнинг “Табиатда инсондан кучли зот йўқ”, - деган фикри давр эстетикаси, дунёқарашини намоён қилади.

Қадимги Юнонистон фаолияти давлат манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган инсонни улуғладилар. Иродали, ватанни севадиган ва унинг учун кураша оладиган инсон образини идеал инсон деб билдилар. Улар ботирлик, жасорат, ватан меҳри ва ҳур инсоннинг қудратини улуғладилар, унинг жисмоний гўзаллиги ва маънавий баркамоллигини ифодалаб, идеал, гармоник камол топган инсон образини яратишга интилдилар. Ҳар тўрт йилда ўтказиладиган Олимпия мусобақалари эса эркин эллиннинг жисмоний ва маънавий шавкатини намоёиш этувчи байрамга айланди. Ғолибларга ҳайкаллар ўрнатилди.

Қадимги Юнон санъати диний маросимлар, афсона билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Лекин юнон динида қадимги Мисир ёки икки дарё оралиғидаги

давлатларда мавжуд бўлган коҳинлар йўқ эди. Уларнинг маъбудалари ердаги одамларга ўхшайди. Улар инсон каби хатоларга йўл қўяди, деб фикирлашганлар.

Грек динида уларнинг дунё, ақл-заковат кучи тўғрисидаги тушунчалари ўз ифодасини топди. Содда, лекин ранг - баранг грек мифологиясида фан, фалсафа куртаклари шакллана бошлади. Худо ва маъбудаларни одам қиёфасида тасвирлаб, мифологияни ҳақиқий ҳаётга яқинлаштирдилар. Грек худо ва маъбудаларида, масалан, Аполлон (нур маъбуди), Афина (хунармандчилик ва деҳқончилик маъбудаси) ва бошқа маъбудалар тимсолида греклар ўзларининг тасаввуридаги баркамол инсон қиёфасини гавдалантирдилар.

Дарҳақиқат, грек санъати инсоннинг реал ҳис - туйғуларини бадиий ифода этиши билан ҳамон кишига шавқ - завқ бахш этмоқда. Инсон ақл - идроки, заковатини тараннум этиб, унга куч бағишламоқда. Грек санъатининг шу жиҳати европаликлар томонидан ҳам, шарқ халқлари томонидан ҳам эъзозланди. Мамлакатимиз санъаткорлари ҳам бу санъат намуналарига мурожаат қилиб, ўзларининг маҳоратларини оширганлар.

ГОМЕР ДАВРИ САНЪАТИ

Юнонистон тарихи маданиятида янги босқич даври бошланади. У ўзига мил. авв. XI - VIII асрларни қамраб олади. Бу даврда йирик эпик поэма “Иллиада” ва “Одессия” вужудга келади. Гомер даврида темирдан ясалган қилич, қуроллар ва уй – рўзғорда ишлатиладиган идишлар қиради.

Мил. авв. VIII асрга келиб, илк шаҳар - давлатлар – **полислар** шаклланади. Дорийлар қолоқ қабила бўлганлиги учун уларнинг ҳукмиронлиги даврида шаҳарсозлик қурилиш ишлари тўхтаб қолади. Тасвирий санъат ўрнига бадиий хунармандчилик кўпроқ ривожланди. Янги услубдаги санъат шаклланади, бу кулолчиликдаги геометрик услубнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Эр. ав. XI асрда **протогеометрик** услуб пайдо бўлади. Унинг яратилиши Атика, Афиналикларга бориб тақалади.

Мил. авв. VIII – VII асрларда геометрик услуб кенг қўлланила бошланди. Бу услубда ишланган асосий идишлар Афинадаги Саламин ороллари, Коринф ва Аргосда учрайди. Диний маросимлар билан боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги **Дипилон вазалари** (Афина яқинидаги Дипилон дарвозаси ёнидан топилгани учун шундай деб номланган) ишланган. Дипилон вазалари меандр орнаментлари билан ҳам безатилган.

Меъморчилиги: Мил. авв. VIII – VII асрларда қадимги юнон меъморчилигига доир ёдгорликларни кўрсатиш мумкин. Буларга: Спартадаги Артемида Орория, Этолиядаги Термос, Критдаги Дрерос ибодатхоналари қиради. Буларнинг барчасида микен меъморчилигининг анъаналари намоён бўлган. Қурбонлик келтириш учун мўлжалланган ўчоқ ибодатхонанинг ичида жойлашган. Худди мегарондагидек қурилманинг фасад қисмига иккита калонна ўрнатилган. Бу қадимги қурилмаларнинг деворлари ғиштдан териблиб асоси ёғоч тахтали бўлган. Бу асос қисми тошли цокольнинг устига жойлаштирилган.

АРХАИКА ДАВРИ САНЪАТИ

Одатда милоддан аввалги VII - VI асрлар грек санъати ва маданияти тарихида архаик, яъни қадимги (грекча “архейос” - қадимги демакдир) давр деб номланади. Чунки XIX асрда бошланган археологик кашфиётларга қадар қадимги Греция тарихи милоддан аввалги VIII асрдан бошланар эди. Бу ибора ҳозир ҳам сақланиб қолган. Дорийлар истилоси натижасида Грецияда кичик-кичик кулдорлик давлатлари пайдо бўлди. Бу давлатлар истехком билан ўраб олинган манзиллардан иборат бўлиб, кулдорлар ерлари ва ўз мулклари бўлмиш кулларни ҳимоя қилганлар. Бу давлатлар қадимги грекларда полислар, яъни шаҳар - давлатлар деб ном олган. Мулкий табақаланиш давом этиб, киборлар ҳукмронлиги орта бошлаган. Бу кескинлик эзилган оммани курашга чорлаган. Бу кураш ғалаба билан тугаб, зодагонларнинг ҳуқуқлари чегараланиши натижасида катта бўлмаган полисларда кулдорлик демократияси пайдо бўлган. Архаика даврида Грецияда илмий фикрлар ривожланди, медицина, астрономия, тарих, география, математика тараққий қилди, поэзия, адабиёт, театр камол топди, грек ёзуви пайдо бўлди. Греклар ўзларидан аввалги халқлар, энг аввало, Шарқ мамлакатлари - Бобил, Мисрнинг фан ва маданият борасидаги ютуқларини чуқур ўрганиб, ўзларининг қайтарилмас санъат ва маданиятларини яратишга муяссар бўлдилар. Шу билан бирга, кейинги Европа илмий - ижодий тараққиётида муҳим пойдевор яратдилар.

Меъморчилик. Архаика даври меъморлик санъати шаҳарларнинг ривожланиши ва қурилиши билан боғлиқ. Шаҳарларнинг муҳим ижтимоий маркази маъбуд ёки илоҳийлаштирилган қаҳрамонларга аталиб қурилган ибодатхона бўлиб, у ерда шаҳар, давлат хазинаси ва бадий бойликлар сақланар эди. Унинг олдидаги майдонда эса йиғилишлар, байрам тантаналари ўтилар эди. Бу ибодатхона ўз характери жиҳатидан шаҳар марказини ташкил этиб, грек жамоаси, шаҳар - давлатнинг улуғворлиги ва бирлигини билдирар эди. Унинг олд томони қуёш чиқар томонга қаратиб қурилган. Ижтимоий ҳаёт шаклларининг ўзгариши шаҳар қурилишида ҳам ўз ифодасини топди. Бу даврда қурилган шаҳар, одатда, тепаликка қурилган **акрополь** атрофида жойлашиб, тепаликнинг энг юқори қисмида полиснинг халоскори бўлган маъбудага аталган ибодатхона, акрополь этаклари ва ён бағрида эса, турар жой кварталлари қурилган. Бу кварталлар лойиҳаси эркин, стихияли тарзда пайдо бўлган. Ҳар бир полис ибодатхона қурилишига алоҳида эътибор берилиб, унинг бошқа полис ибодатхоналаридан ажралиб туриши, кўркам ва улуғвор бўлишига эътибор берган. Грек ибодатхоналари бир неча типда бўлган. Архаика даврининг содда типи **Анти** ибодатхона бир хонадан - **наосдан** иборат бўлган ва у шарққа қараб қурилган. Ён томонда чиқиб турган деворлар-антлар оралиғидаги олд томонда икки устун бўлган.

Простиль ибодатхонанинг бирмунча мураккаб типи бўлиб, унинг олд томонида тўртта колонна- устунлар ўрнатилган. **Амфипростилда** эса бинонинг икки томонида тўрттадан устун ўрнатилган бўлган. Орқа томондан

ибодатхонанинг захирасига кирилган. Грек ибодатхоналари ичида энг кенг тарқалган типи **периптер** ҳисобланган. Тўртбурчак шаклида бўлган бу ибодатхонанинг атрофи устунлар билан ўраб чиқилган. Ибодатхонанинг бу типи милодан аввалги VII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган.

Периптер типда қурилган бинонинг марказий қисми муқаддас ер — **целла** бўлиб, атрофи эса устунлар билан ўралган. Грек меъморчилигининг бу типи фақат грек меъморчилигидагина эмас, балки жаҳон меъморчилик санъати ривожига ҳам катта роль ўйнади. Меъморлик ривожланиб борган сари, эллада усталари устун ва тўсинларга, улар орасидаги боғланиш, декоратив безакларнинг энг минимал томонини топиш, бадиий ва функционал томонининг уйғун бўлишига ҳаракат қилдилар. Бу бутун бадиий тизим **ордер** номини олди, (лотинча “ордо” — тузилиш, тартиб маъносини билдиради). Ордер кейинчалик Греция меъморлигининг асосий хусусиятини белгиловчи муҳим томонга айланди.

Грек меъморлигининг асосий ордерлари дорий ва ион ордери ҳисобланади. **Дорий ордери**, асосан, Пелопоннес ва Буюк Греция (Сицилия шундай деб аталган), **ион ордери** Иония деб номланган Кичик Осиё соҳилларида кўпроқ ишлатилган. Дорий ордерида ишланган ибодатхона юқорига кичрайиб боровчи учта супача тарзидаги тош асос **стереобатга** қурилган. Устунлар тагликсиз (базасиз) бўлиб, улар тепага торайиб боровчи шаклда яратилган. Юзасига эса тарновчалар — **каннелюралар** ишланган. Дорий устуни бевосита **стилобат (стереобатнинг сўнгги супачаси)**га ўрнатилган. Устуннинг тепа қисми **эхин** (думалок. шаклдаги ёстикча)га тақалади. Унинг тепасида эса **абак** (тўртбурчак шаклидаги плита) бўлиб, унга **антаблимент (архитрав, карниз ва фриз)** қўйилади. Дорий ордери архитрави (устунга қўйилган тўсин) текис ишланган, **фриз** эса **метоп** (тўртбурчак плиталар) ва **тринглифлар** (вертикал тарновчали-каннелюрли плита)дан ташкил топган. Ибодатхона томи икки нишабли бўлиб, унинг олд ва орқа томонида ҳосил бўлган учбурчакли майдон **фронтон** деб аталган.

Фронтон ва метоплар бўртма тасвирлар билан безатилган. Ибодатхонанинг томи бурчакларига акротериялар ўрнатилган. Архаика даврида фронтон ва тринглифлар юзаси кўк, метоплар юзаси қизил ранг билан бўялган.

Ион ордери эрамиздан аввалги VII аср охирларида пайдо бўлган. У дорий ордеридан ўзининг нафислиги, бежирилмиги ҳамда таг томонида стилобатга қўйилган тагкурсининг мавжудлиги билан ажралиб туради. Ион ордерида тарновчали устунининг капителини икки томонга буралиб турган жингалак сочи эслатувчи шакл валюта(8), эхин ва абак ташкил этади. Архитрав эса учта горизонтал тасма текисликка ажратилган. Фриз лентасимон қилиб ишланган ва безаксиз.

Коринф ордери бир мунча кечроқ классика даврида пайдо бўлди. У ион ва дорий ордерига нисбатан жимжимадор ва кўркам, капители аканф дарахти

баргларида ташкил топган гулдастани эслатади. Грек ордерлари антик дунё давлатларида, Уйғониш даври ва Янги дунё меъморчилигида кенг ишлатилди ва ривожлантирилди. Илк архаика ибодатхоналари бирмунча паст ва узунчоқ қилиб ишланган. Уларнинг кўриниши вазмин ва салобатли. Пестумдаги иккинчи ярмида курилган) периптер типдаги дорий ордерида ишланган бўлиб, унинг олд томонида 6, ён томонида 15 устун ўрнатилган. Бу ибодатхонада ҳам архаика меъморлигининг характерли томонлари очилади. Эфесдаги Артемида ибодатхонаси ион ордерида ишланган, у хажмининг катталиги ва бадий безагининг серхашамлиги билан ажралиб туради.

Ҳайкалтарошлик. Архаика даврида грек монументал ҳайкалтарошлиги камол топа бошлади. Тошдан яратилган ҳайкаллар намунаси эса, милoddан аввалги VII асрларга тўғри келади. Бу ҳайкалларнинг ривожланишида Крит санъаткорларининг таъсири сезиларли бўлган. Архаика ҳайкаллари диний маросимлар билан боғлиқ бўлиб, бир мунча схематик ҳолда ишланган. Мил.авв. VII аср охирида ва айниқса, мил.дан авв.ги VI асрлардан бошлаб, ҳайкалтарошликда реалистик тамойиллар кучая бошлади. Яратилган ҳайкалларда гавда нисбатларини тўғри олиш билан чегараланмай, шакл пластикаси, чизиқларнинг эмоционал томонлари ҳам ҳисобга олина бошланди. Кийимлардаги жимжимадорлик, уларнинг фактураси шаффофлиги, эгилувчанлиги, майинлиги маҳорат билан кўрсатилди. *самослик Гера, делослик Артемида* ҳайкалларида шулар кўзга ташланади. Архаика даври ҳайкалтарошлигида одам гавдасини алоҳида тасвирлаш билан бирга, воқеаларни акс эттирувчи композициялар, масалан, олишувлар кўрсатилади. Персей ва Геракл қахрамонлигига, худолар ва гигантлар жангига бағишланган композициялар шу давр ҳайкалтарошлиги махсулидир. Грекларнинг полис идеал фуқаро тўғрисидаги тасаввури кийимсиз ҳолда тасвирланган йигитлар - *куротлар* образида намоён бўлди. Илк архаика даврида яратилган куротлар образи кам ҳаракат ва бир мунча қотиб қолган ҳолда тасвирланган. Ҳайкал композицияси фронтал ва симметрик ҳолда ечилган.

Архаика даври пластикасининг ютуқлари кийимда тасвирланган қизлар *коралар* ҳайкалида намоён бўлади. Ҳайкаллар ўзининг нафис, хис-туйғуга бойлиги, аёлларга хос бўлган латофат, ифбат ва назокатни ифода этганлиги билан кишига эстетик завқ беради. Бежирим ва гўзал, аниқ нисбатдаги қадди қоматлари, майин табассуми, енгил ҳаёлга чўмган кўзлари санъаткор томонидан юксак маҳорат билан ишланган. Кийимларнинг жимжима ва букланиб туришлари, уларга ҳам оҳанг бўлган сочларининг таралиши ҳам ҳайкалларга алоҳида латофат бахш этади. Архаика даврида маъбудлар билан бир қаторда, жисмоний бақувват ва жасур жангчи, нозик, назокатли аёллар образларининг яратилиши грек жамоасида санъатнинг тарбиявий роли ортиб боришини кўрсатувчи далиллардир. Архаика даврида лойдан ишланган ва бўялган майда ҳайкаллар ҳам кўп ишланган. Бу ҳайкалларда худолар, турли ҳайвонлар, ҳаётий лавҳалар тасвирланган.

Рангтасвир, амалий безак санъати. Қадимги грек рангтасвир санъатининг намуналари бизгача етиб келмаган. Бу санъат тўғрисида биз шу даврга мансуб

кулолчилик буюмлари юзасига ишланган рассомлик асарлари асосида ўша давр рангтасвири мавзуси, характери тўғрисида тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Архаика даври амалий безак санъат ҳамда хунармандчиликнинг ҳақиқий гуллаган давридир. Айниқаса, кўза ва бошқа кулолчилик буюмларига сурат ишлаш санъати соҳасида бу давр санъаткорлари жуда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Грек кўзалари шакл ва ҳажм жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, турли мақсадларда ишлатилган ва шунга қараб турлича номланган.

Кўза юзасига ишланган суратлар мавзуси, мифологиядан олинган сюжет ёки ҳаётий воқеаларга бағишланган. Архаика даврининг кўзага сурат солиш санъати дастлаб қора фигурали вазаларда намоён бўлди. Бундай вазаларга қора лок билан турли тасвирлар ишлаганлар. Айниқса, қора фигурали вазалар ишлаш санъати мил.авв. VI асрнинг II - III чорагида ривожланиб, бу соҳада аттикали кулоллар ва рассомлар ном чиқаришган. Шундай машҳур усталардан бири, рассом **Клитий** бўлган. У жаҳонга машҳур бўлган «**Франсуа вазаси**»ни безаган. Ваза юзасига 200 дан ортиқ одам тасвири туширилган. Қора фигурали услубда ишланган машҳур рассомлардан яна бири мил.авв. VI асрнинг II чорагида яшаб ижод этган **Эксекий** бўлган. Унинг яратган композициялари гоҳ сокин ҳикоянавислик билан, гоҳ ўта ҳаракатда тасвирланганлиги билан характерланади. Рассом шу санъатда биринчи марта ўз қаҳрамонларининг рухий кечинмаларини ёритишга ҳаракат қилади. Эксекийнинг ишлаган образларида чизиклар нафис, пластик аниқ ва тиниқлиги билан характерланади. **Эксекийнинг «Қайиқдаги Дионис»** деб номланган машҳур асари эрамиздан аввалги 540 йилда ишланган. Бу килик (килик вино ичиш учун мўлжалланган идиш) ўзининг шакли ва деталларининг бир-бирига мутаносиблиги, ташқи ва ички беағи буюмнинг мазмунига мослиги билан характерланади. Киликнинг ташқи томонида жанг манзараси ва катта қилиб ишланган иккита кўз тасвирланган. Бу кўз шароб ичувчини «ёмон кўздан» сақлаши керак.

Кўзанинг ички қисмида эса қайиқда сузиб кетаётган виночилик ва шодлик маъбудаси **Дионис** тасвирланган. Афсонага кўра, денгиз қароқчилари Дионисни таниганлари холда уни ўғирлаб, кул қилиб сотмоқчи бўладилар. Кема очик денгизга чиқади. Шу пайт палубадан тоқ новдалари ўсиб, йирик узум бошлари ҳамда Дионисни кузатиб борадиган ҳайвонлар пайдо бўлади. Қароқчилар буни кўриб ваҳимага тушадилар. Ўзларини сувга ота бошлайдилар, лекин сувга етмаёқ дельфинларга айлана бошлайдилар. Композицияда дельфинларнинг кема атрофида сузиб юриши ва Диониснинг кемада ён бошлаб ётган пайти тасвирланган. Кема, назаримизда, денгиз тўлқинларида аста тебраниб сузиб бораётганга ўхшайди. Шу таасуротни очишда идишдаги эгри чизиклар шаклига мос тушган қайиқнинг силуэти, дельфинлар ҳаракати ва композиция ритми муҳим ўрин эгаллаган. Эксекийнинг кўпгина асарлари Геракл қаҳрамонлигига, грекларнинг амазонкалар билан жанги ҳамда Гомернинг «Илиада» достонидан олинган сюжетларга бағишланган. Булар ичида «**Ахил ва Аякснинг шашика ўйини**», «**Аякснинг ўз-ўзини ўлдириши**» каби асарлари, айниқса, машҳур.

КЛАССИКА ДАВРИ САНЪАТИ

Мил.авв. V асрга келиб, Греция ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётининг энг юксак босқичига кўтарилди. Бу тараққиёт Эрон-Грек урушларидан кейинги Афина давлатининг кучайиши ва қулдорлик демократиясининг ривожланиши билан боғлиқ. Уруш грек полисларини Афина давлати атрофида бирлаштирди. Урушдан кейин ҳам Афина 150 дан ортиқ шаҳар-давлатлар ичида бошқариш имтиёзини сақлаб қолди. Греция тупроғига туташган денгиз сувларида ҳукмрон бўлиб олди. Бу янгидан янги бозорларни қўлга киритишга, қора денгиз сохилларидаги мустамлакалари билан олди сотди ишларини ривожлантиришга янги имкониятлар яратди. Афина эрамиздан аввалги V аср ўрталарига келиб, бутун грек оламининг энг йирик маданий ва иқтисодий марказига айланди. Грециянинг юксак ички тараққиёти **Перикл** асрига тўғри келади. Ўз замонасининг нихоятда ишбилармон давлат арбоби, оташин нотик, одамларда ташаббускорлик иштиёқни уйғотишга мохир бўлган, илму-фан, санъат ва адабиётга қизиққан Перикл бу тараққиётда муҳим роль ўйнади. У ўз атрофида грек элида машҳур бўлган ижод ахллларини тўплади. *Эсхил, Софокл, Эврипид* каби буюк санъаткорларнинг номи, *Сократ, Геродот, Демокрит* каби буюк тарихчи ва файласуфларнинг номи шу Перикл даври билан борлиқдир.

Меъморчилик. Илк классика даври меъморлик композицияларини бўртма тасвирлар билан безаш санъати Олимпиядаги Зевс ибодатхонаси бўртма тасвирларида юксак даражага кўтарилди. Ибодатхонанинг метопаларида Гераклнинг қахрамонлигини акс эттирувчи бўртма тасвирлар ишланган. Шарқий фронтонида ғилдиракли араваларда мусобақаларнинг пайдо бўлишига оид афсона, Ғарбий фронтонда эса маъбуд ва қахрамонларнинг ёввойи кентаврлар билан жанги тасвирланган.

Рельефда ишланган одамлар образида хотиржамлик, ўз кучига ишонч яхши кўрсатилган. Аксинча, кентаврлар ҳолатлари - жаҳл, аччиқланиш ва аламдан ўзларини тута билмасликлари уларнинг юзлари, хатти -ҳаракатларида очиб кўрсатилади. Композицияда жанг тугалланмаган пайти тасвирланган бўлса ҳам, лекин унинг инсонлар фойдасига ҳал бўлиши аниқ.

Образларнинг хатти - ҳаракати, ўзларини тута билишлари ва хотиржамликлари шундан далолат беради. Асарнинг асосий ғояси инсон ақл-заковатининг табиат устидан ғалабасини куйлашдир. Композиция марказида хотиржам, тик ҳолда тасвирланган нур ва санъат маъбуди Аполлон эса қахрамонлик, жасорат рамзи сифатида акс эттирилади. Грек хайкалтарошлигининг характерли томонларидан бири шундаки, хайкалтарош ўз мавзуларини мифологиядан олса ҳам, лекин ундаги фантастик, нореал томон иккинчи планга ўта бошлайди. Мифологик воқеа ва образлар орқали ижодкор инсоннинг куч-ғайрати ва қудрати, гўзаллигини очиб кўрсатади. Бу ўринда Афродитанинг туғилишига бағишланган тахтга ишланган рельефлар характерлидир.

Тахтнинг ён томонида кийимсиз холда най чалиб ўтирган, иккинчи томонда майин материалга ўралиб ўтирган холда, оловли идишга ёқимли ис тарқатадиган гиёх, ташлаётган қизлар тасвирланган. Тахтнинг асосий қисмида эса денгиз кўпигидан туғилаётган Афродита ва уни аста кўтариб олишаётган парилар кўрсатилган. Афродитанинг юзи нихоятда жонли чиққан. Сувда ҳўл булган либоснинг буккан ва оғирлашган ҳолати маҳорат билан ишланган. Илк классика даври хайкалтарошлигида катта ютуқларга эришилди. Лекин хали грек хайкалтарошини шахснинг индивидуал хислатларини кўрсатиш қизиқтирмасди. Бу илк классика реализмининг чегараланганлигидир. Милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Греция сиёсий, иқтисодий ва маданий равнақининг олтин даврини бошидан кечирди. Санъатнинг ҳамма тур ва жанрлари ривожланиб, юқори классика даври кишиларининг эстетик идеал ҳаётидаги тушунчаларини мукамал бадий образларда кўрсатди. Бу тараққиётда, сўзсиз, шу даврнинг йирик давлат арбоби **Перикл** муҳим роль ўйнади. Юқори классика даврида Афина акрополи ўзининг тугал кўринишини эгаллади. Перикл ташаббуси билан Афинанинг ички қалъаси - Акрополь қайта тикланди. Бу қалъа Эрон - Грек урушида вайрон бўлган эди. Милоддан аввалги V асрнинг учинчи чорагида бу ерда оқ мармардан ясалган грек меъморлигининг нодир дурдоналари бўлган Парфенон, катта дарвозахона — Пропилей, қанотсиз ғалаба маъбудаси Никага атаб қурилган ибодатхона (Ника Аптерос) қад кўтарди. Бу бинолар бадий безакларга бой бўлган. Масалан, Пропилей деворлари давлатнинг жанговор ўтмишини тасвирловчи суратлар билан безатилган, Акрополнинг очиқ майдонида Афина хайкали ўрнатилган. Афина акрополи Афина давлатининг куч-қудратини ва улуғлигини ўзида ифодалаб, грек тарихида биринчи бор умумэллин бирлигини намойиш этувчи меъморлик ансамбли эди. Акрополь тепалигининг ён бағирларида қурилган ибодатхона ва томошахоналар эса уни янада мўътабар, муқаддас даргоҳ даражасига кўтарган. Грек классикаси меъморлигининг беқиёс намунаси, ақл-заковат ва афиналиклар хомийси бўлган Афина маъбудасига бағишланган **Парфенон** ибодатхонаси ҳисобланади.

Милоддан аввалги 447—438 йилларда меъморлар **Иктин ва Калликрат** томонидан қурилган бу ибодатхона афналикларнинг ҳазинасини сақлаш учун хизмат қилган. Парфенон ибодатхонасининг безак ва хайкаллари эса даврнинг буюк хайкалтароши, Периклнинг яқин сафдоши **Фидий** раҳбарлигида бажарилган. Парфенон акрополдаги энг баланд бинодир. Бино учун, асосан, дорий услубида ишланган периптер қабул қилинган, лекин унга қисман ион ордерининг элементларп киритилган. Парфенон қаршисидаги **Эрехтейон** ибодатхонаси меъмор **Менсикл** томонидан эрамиздан аввалги IV асрда қурилган бўлиб, унда ион ордери ишлатилган. Ибодатхона кичик пешайвонининг устунлари ўрнида пешайвон томини кўтариб турган қизлар хайкали- кариатидалар ишлатилган.

Хайкалтарошлик. Бу даврга келиб, хайкалтарошлик юксак камолот даврига қадам қўйди. Хайкалтарошлар эндиликда одам қомати ва юз тузилишини тўғри тасвирлабгина қолмасдан, ўз асарларида мураккаб ҳаракатларни ҳам ифодалашга, композиция ечимининг ҳаётий бўлишига алоҳида эътибор бера бошладилар. Шундай масала билан шуғулланган йирик хайкалтарошлардан бири **Мирон**

хисобланади. Унинг машхур асарларидан бири *«Дискобол»* (*Диск отувчи*) хайкалида жисмоний гўзал, маънавий кучли идеал инсон образи яратилган.

Хайкалтарош диск отувчи образи орқали ўзини бошқара оладиган, «хар қандай холда ўзини тута биладиган» одам қиёфасини гавдалантириб, грекларнинг идеал инсон тўғрисидаги тушунчасини ифодалади. Ўз-ўзини тута билиш, хиссиётини ушлай билиш, хар бир нарсага хотиржам, ақл билан ёндашиш грек классикаси дунёқрашининг характерли томонини белгилайди. Ана шу ғоя Мирон ижодининг бош йўналишидир. Шу хусусда санъаткорнинг *“Афина ва Марсий”* деб номланган композицияси ҳам характерлидир. Афсоналарга кўра, найни яратган Афина маъбудаси уни чалганда юзлари буришиб, бадбашара бўлиб кетганини кўриб, нимфалар қаттиқ қажқаж кўтариб юборибди. Буни сезган Афина аччиқланиб найни улоқтириб юборибди. Ёввойи кучлар маъбудаси Марсий Афинанинг лаънатлаган найини олмоқчи бўлибди, лекин Афинанинг дарғазаб бўлганлиги ва қарғишларидан чўчиб, яна орқага қайтибди. Ана шу ҳолат хайкалтарош томонидан композицияда акс эттирилган. Тасвирланган характерлар, уларнинг хатти-ҳаракати бир-бирига қарама-қарши. Улуғвор, хотиржам Афина ўз хатти-ҳаракатини бошқара олмайдиган, беўхшов Марсийга ўхшамайди. Унинг ғазаби нафрат билан бурилиб турган қомаги ва бир оз чўччайган лабидан билинади, ҳолос. Агар Мирон ўз асарларида кучли ва кескин ҳаракатни тасвирлаш ва бу билан инсон маънавий гўзаллигини ифодалашга интилган бўлса, шу даврнинг буюк хайкалтароши, Пелопоннес мактабининг вакили *Поликлет* эса аксинча, хотиржам, тинч ҳолатда турган инсон қиёфасида унинг ички маънавий оламини очишга интилади. Поликлет назария билан ҳам шуғулланган. Унинг *“Канон”* деб номланган рисоласида идеал шахс нисбатлари, симметрия қонунлари тўғрисида фикр юритилади. Шу канон асосида яратилган *“Дорифор”* (*“Найзабардор”*) асари унинг шу даврдаги изланишларини намоён этади.

Милоддан аввалги 460 йилларда Аполлоннинг катта бронза хайкалини, милоддан аввалги 460—450 йилларда эса машхур жангчи аёл Афина хайкалини яратди. Лемнос ороли учун ҳам Аполлон хайкалини ишлади. Перикл топшириғига биноан, милоддан аввалги 447 - 439 йиллар мобайнида Афина акрополини қайта тиклаш ва безашда раҳбарлик қилди. Парфенон ибодатхонасининг хайкалтарошлик асарлари ансамбли жаҳон санъатининг нодир дурдонаси ҳисобланади. Бу асарлар ўзининг беқиёс бадиий яхлитлиги ва мантикий тугаллиги билан характерланади. Парфенон рельефларида афиналикларнинг жасорати ўзининг бадиий ифодасини топди. Унинг шарқий фронтонида Афина маъбудасининг туғилаётган пайти, ғарбий фронтонида Афина Посейдоннинг Аттикага (Афина полиси Аттика вилоятида бўлган) ким хомий бўлиши тўғрисида мунозара қилинаётгани тасвирланган. Метопаларда ҳам мифлардан олинган воқеалар акс эттирилган. Шарқий фриз метопларида худо ва гигантлар кураши, шимолий томон метопларида Троянинг вайрон бўлиши, ғарбий томонида эса грекларнинг амазонкалар билан жанги тасвирланган. Лекин бу композицияларнинг асосий мазмуни ва ғояси давр билан, унинг руҳи билан боғлиқ бўлиб, грекларнинг эронликлар устидан эришган ғалабасини поэтик талқин этишга, инсоннинг табиат кучлари устидан ғалабасини

тараннум этишга қаратилган. Фидий бир қанча монументал думалоқ хайкаллар муаллифи ҳамдир. Унинг акрополдаги олтин ва фил суягидан ишлаган Афина хайкаллари, Олимпиядаги Зевс хайкали, айниқса машхурдир.

Милоддан аввалги V аср сўнггига келиб, кулдорлик демократияси инқирозга юз тутта бошлади. Арзон қўл меҳнатининг кўпайиши эркин фуқаролар - деҳқон ва хунармандларнинг ахволини оғирлаштира бошлади. Улар арзон қўл меҳнати билан рақобатбардош бўла олмас эдилар. Мулкий тенгсизлик кескинлашди, ижтимоий тўқнашув кучайди. Афина ва Пелопоннес орасида бошланган ўзаро уруш бу инқирозни янада кучайтиради. Македониялик Искандар бу инқироздан фойдаланиб, грек полисларини ўз давлатига қўшиб олди, шу билан классика даври ўзининг умрини тугатди. Полисларнинг инқирозга юз тутишп санъатда ҳам юксак идеалларнинг йўқ бўлишига, инсон кучи ва гўзаллигига бўлган ишончнинг йўқолишига сабаб бўла бошлади. Эндиликда шахсий манфаат ижтимоий манфаатдан устун кела бошлади. Албатта, бу даврда инсон қиёфасини тасвирлаш, унинг гўзаллигини куйлаш санъатда бош мавзу бўлиб қолди, лекин санъаткор эндиликда мураккаб инсон қиёфасини, унинг ички оламини ёритишга кўпроқ эътибор бера бошлади. Инсондаги иккиланиш, чўчиш холларини кўрсатишга интилиш пайдо бўлди. Меъморчиликда ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Ибодатхоналар қурилиши камайди, аксинча, катта томошогохлар, ижтимоий бинолар яратилди. Эпид даврдаги театр шу ўринда эътиборга лойиқ.

Тепалик ён бағрига ишланган бу театр бир вақтнинг ўзида бир неча минг томошабинни сиғдира олган. Унинг бизнинг давргача етиб келган қолдиқлари ҳамон кишиларни хайратлантиради. Бу даврда қурилган бинолар, асосан, бой задогонларнинг буюртмаси ва диди асосида ишланган. Шундай ёдгорликлардан Галикарнасдаги Мавсола мақбараси, афиналик бой Лисикрат томонидан ўрнатилган меъморлик композициясини кўриш мумкин.

Греklarнинг амазонкалар билан олиб борган жангларига бағишланган бу композицияда одамларнинг маънавий қиёфасидаги нозик ўзгаришлар - қўрқинч, вазохат, нидо санъаткорлар томонидан юксак маҳорат билан акс эттирилган. Скопас замондоши **Пракситель** инсоннинг жисмоний гўзаллигини тасвирлашда машхур бўлган. У грек хайкалтарошлари ичида биринчи бўлиб идеал аёл қоматини ишқ муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси Афродита образида акс эттирди. Афродитанинг сувга тушишга тайёрланиб, ёнидаги турган ваза устига кийимларини ташламоқчи бўлиб турган пайти Пракситель асарида тасвирланган. Грек пластикасида кийимсиз холда тасвирланган биринчи аёл хайкалида маъбуда образи орқали, энг аввало, ёш ва соғлом аёл қомати, унинг пластик гўзаллиги тараннум этилади. Асар ўзининг хаётийлиги, танланган нисбатларнинг ўзаро уйғунлиги ва шаклларнинг ўзаро гармоник ечимда олиниши билан катта таассурот қолдиради. Афродита хайкалини **Книд** ороли соҳилига ўрнатилганлиги учун ҳам уни, **“Книд Афродитаси”** дейишади.

Пракситель замондошлари бу хайкалга юқори баҳо бериб, уни зиёрат қилиш учун одамлар узоқ-узоқлардан Книд оролига келганликлари хақида ёзишган. «Книд Афродитаси» санъаткорларни ҳам мафтун этган. Унга тақлид қилувчилар кўплаб Афродита хайкалини яратганлар. Лекин уларнинг хайкаллари беғубор туйғулар уйғотувчи асар даражасига кўтарилмаган. Праксительнинг бизгача ўз аслида етиб келган ягона асари *“Дионисни кутариб турган Гермес”* хайкалидир. Афсоналарга кўра, Зевс янги туғилган ўғли Дионисни ўрмонда яшовчи нимфаларга тарбияга беришни Гермесга топширган. Чарчаган Гермес йўлда тўнкага таянган ҳолда хордиқ чиқриш учун тўхтаган. Композицияга шу сюжет асос қилиб олинган. Асарда юқори классикага хос бўлган жасурлик, жиддийлик ёки салобатни кўрмаймиз (Мирон ёки Поликлет асарларини эсланг), аксинча, образ ўзининг нафис, поэтик талқин этилиши билан характерланади. Хайкалтарошни Гермеснинг келишган, кучкуватга тўла баланд бўйли қомати, ёшлик нафосати, ҳаракатидаги пластик гўзаллик қизиқтиради. Пракситель мрамарда жуда кўп ишлаган. Мрамардаги нурсоя ўйинларининг эмоционал кучи, фактураси орқали инсон гавдасини, терисининг тиниқ ва духоба қаби майинлигини ҳамда инсондаги истара ва ҳаётийликни очишга интилган. Праксительнинг *“Сауроктон Аполлони”* хайкали мифологик мавзуда ишланган бўлса ҳам, унда реалистик томон кучли. Пракситель майда пластикада ҳам ижод қилган. Унинг терракоталарида ҳам поэтик рух яхши сақланган. Агар Скопас ва Пракситель ижодида хали юқори классика анъаналари ўзига хос йўналишда давом этган бўлса, милоддан аввалги IV аср учинчи чорагининг сўнггида бу алоқа ва боғланишлар сусаяверади. Эллинизмга ўтиш даврида санъатда турли бадий йўналишлар пайдо бўлди. Бу янги хусусиятларни идеалистик йўналишнинг вакили Леохар ва реалистик йўналишнинг вакили Лисипп ижодида кўриш мумкин. Хайкалтарош **Леохарнинг Бельведер Аполлони** (тахминан эр. ав. 340 йиллар) машҳур асарлардан ҳисобланади. Юқори маҳорат билан ишланган бу хайкалдаги образ ўта бепарволиги ва бирмунча совуққонлиги билан ажралиб туради. Грек классикаси билан эллинистик давр чегарасида яшаб ижод этган буюк хайкалтарошлардан бири **Лисипп** ҳисобланади. У македониялик Александр даври мафкурасининг тарғиботчисидир. Лисипп ўз ижодида жисмоний бакуват ва иродаси кучли шахсларни эъзозлайди ва шуларни кўпроқ чарчаган ва дам олиш пайтида тасвирлайди. Унинг машҳур асарларидан бири уз баданини қашлағич билан тозалаётган *Апоксиомен* хайкалида шу характер намоён бўлади.

Рассомлик, амалий санъат. Классика даври рассомлиги намуналари бизгача етиб келмаган. Биз қадимги муаллифларнинг (**Павсаний, Аполлодор, Плиний**) ёзиб қолдирган манбалари ҳамда кулолчилик буюмларининг юзасига ншланган суратлар орқали шу давр рассомлик санъати хақида таасвурга эга бўламиз. Италия, Болгария, Македония ҳамда Шарқий Европанинг жанубий томонлари (Қора денгиз сохиллари)да кейинги пайтларда ўтказилган археологик қазилмалар натижасида топилган деворларга ишланган сурат ва мозаика грек санъати мавзуси, характери тўғрисида маълумот беради. Бу суратларда купроқ мифологиядан олинган воқеалар акс эттирилган бўлиб, афсонавий қахрамонларнинг мўжизалари, жасоратлари куйланган. Деворий суратлар *“альфреско”* услубида бажарилган. Классика даврида

реалистик тамойилларнинг кучайиши натижасида вазага сурат солиш санъати ҳам мукаммаллашиб борди. Асосан, вазага қизил фигурали расмлар ишлаш классика даврида етакчи роль ўйнади. Вазага солинган суратлар тематикасида мифологиядан олинган сюжетлар кўпроқ бўлса ҳам, лекин замонавий масалаларни ёритиш санъаткорларнинг диққат марказида бўлган. Шундай расмлар ичида **Полигнот, Апеллес** номи машхурдир. Полигнот тарихий ва мифологик мавзуларда жуда кўп суратар ишлаган. Классика даврида амалий санъат ривожланишда давом этди. Вазалар шаклининг ранг-баранглиги ортди. Уларнинг юзасига расмлар солиш билан бирга, турли бўртма тасвирлар ҳам тушира бошладилар. Ранг беришда ҳам эркинлик сезила бошлади. Хроматик ранглар имкониятидан кенг фойдаланила бошланди. Кумуш, бронзадан турли идишлар ишланди. Олтин суви юритилган буюмлар ҳаётда кенг қўлланила бошланди.

Сўнгги классика шу ютуқларга якун ясади, аста-секин вазага гул солиш санъати инқирозга юз тута бошлади. Ундаги индивидуал ўзига хослик, фазилатлар йўқола борди. Санъат аста-секин хунармандлик даражасига туша борди. Бу сўзсиз, умумэллин ижтимоий-сиёсий, маданий инқироzi натижаси эди.

ЭЛЛИНИЗМ ДАВРИ САНЪАТ

Милоддан аввалги 336 йили Македония шоҳи Александр Македонский эллин давлатларини босиб олади. Ўз юришларини Шарққа қаратди. Кўп ўтмай, Ўрта Осиё ва Хиндистон ерларини ҳам забт этиб, Афинанинг шимолий-шарқий ва Болқон яриморолидан тортиб, Хиндистон ерларигача бўлган катта майдоннинг ҳукмдорига айланди. Лекин Искандар давлати сиёсий жиҳатдан мустаҳкам эмас эди. Унинг вафотидан кейин бу давлат тезда парчаланиб, унинг ўрнида бир қатор давлат ва подшоликлар - **Миср, Пергам, Грек-Бактрия, Парфя, Салавкийлар, Македония** давлатлари вужудга келди. Бу давлатлар кейинчалик эллинистик давлатлар деб атала бошлади (*XIX асрда немис тарихчиси И. Дрейзен бу иборани биринчи бор ишлатган*). Александр Македонский истилосидан тортиб, эрамиздан аввалги 30-йилларгача, яъни сўнгги эллинистик давлат - Мисрнинг Рим томонидан босиб олинишига қадар бўлган даври эса **Эллинизм даври** деб юритилди.

Эллинизм даври қадимги грек ва қадимги шарқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларининг қўшилиб кетиш ва бир-бирига таъсир кўрсатиш давридир. Бу давр санъати ва маданиятида ҳам анъаналар қўшилиб борди. Эллинизм даври ҳукмронлари ўзларининг салтанатларини мухташам бинолар, ажойиб санъат намуналари билан бойитишга ҳаракат қилдилар. Янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди. Улар серҳашамлилик ва улуғворликда бадавлат Афинани ҳам орқада қолдириб кетди. Пергам ва айниқса, эллинистик дунёқарашнинг маданий маркази бўлган Искандария (Александрия) шундай шаҳарлардан бўлди.

Меъморчилик. Бу давр меъморлиги ўзининг ҳашаматлилиги, дабдабалилиги ва катта ҳажмга интилиши билан характерланади. Меъморлик назарияси ривожланди. Бу даврда милетлик **Гипподаманинг** шаҳар қурилиши борасидаги тизими муҳим

роль ўйнади. Унинг таклиф этган лойиҳаси асосида қурилган **Милет, Приена** каби шаҳарларнинг кўчалари аниқ ва кенг шох кўчалардан (проспектлардан) ташкил топган. Унинг бош майдони атрофи эса турли ижтимоий бинолар билан ўралган. Бу даврда ижтимоий бинолар, театр, хукмронларнинг сарой ва қасрлари, турли парк ва боғлар, спорт майдони ва савдо марказлари ўзининг серҳашам ва серфайзлилиги билан ажралиб туради. Бу даврга келиб, ордерлар тизими ўзининг бажарадиган конструктив функциясини кўпроқ декоратив функция билан алмаштиради. Меъморлар устунлардан, яримустунлардан (деворга ёпишган ҳолда) бинони безаш мақсадида фойдалана бошладилар. Ҳайкалтарошлик санъати намуналаридан эса, меъморлик ансамблининг ажралмас қисми сифатида кенг фойдаланилди. Агар қадимги Грецияда ибодатхона шаҳар маркази ролини ўйнаган бўлса, эндиликда катта маъмурий бино олдидаги майдон ёки савдо учун мўлжалланган майдонларга аҳамият берилди бошлади.

Ҳайкалтарошлик. Милоддан аввалги IV аср охири ва III асргача яшаб ижод этган ҳайкалтарошлар ўз ижодларида **Пракситель, Лисипп** ва қисман **Скопас** анъаналарига таяндилар, уни ривожлантирдилар. Эллинистик Грециянинг монументал ҳайкалтарошлиги ичида даврнинг нодир ёдгорлиги **“Самофракиялик Ника”** ҳайкали алоҳида ўринни эгаллайди. У даврнинг нодир ёдгорлигидир. Самофракия ороли учун ишланган бу ҳайкал ғалаба худоси Никага бағишланган. Никанинг қанотларини кенг ёйиб турган пайти тасвирланган. Ҳайкал бирмунча уринган ва шикастланган ҳолда бизнинг давргача етиб келган. Шунга қарамасдан, у ўзининг ҳаётийлиги, тўлақонлиги билан кишини ҳайратлантиради. Никанинг жисмоний келишган, соғлом, дуркун қомати шаффоф либос ичидан қуриниб, ўзидан нур таратаётгандек туюлади.

Эллинистик Грециянинг яна бир нодир ёдгорлиги Милос ороли учун ишланган Афродита ҳайкалидир. **“Милос Афродитаси”** деб ном олган бу асар ҳайкалтарош **Александр** томонидан эрамиздан аввалги 120 йилларда ишланган. Бу асарда Афродита бир қўлида Милоснинг рамзи бўлган олма, бир қўли билан тушиб кетаётган либосни ушлаб турган ҳолда тасвирланган деб фараз қилинади. Бу ҳайкалда классика анъаналари, Пракситель услуби сезилади. Ҳайкалтарош мармар юзасини юксак истеъдод ва маҳорат билан ишлаб, жисмоний гўзал, таранг, шу билан бирга, бахмалдек майин аёл қоматини кўрсата олган.

Эллинизм даврида портрет санъати катта ютуқларга эришди. Классика даври портрет санъатига хос фазилатлар, умумлашма идеал образ яратиш борасидаги принциплар бу даврда тасвирланувчининг индивидуал хислатларини чуқурроқ очиш, маънавий қиёфасини ишонарли талқин этиш тамойиллари билан алмашди, бу хусусият эллинистик Греция санъатида сезилади. (Масалан, Сенека портрети, мил. авв. III—II асрлар.)

Пергам бадий мактаби асарларида, аксинча, драматизм кучли бўлиб, кўпроқ Скопас анъаналари таъсири сезилади. Бу мактабнинг нодир ёдгорлиги Пергам

акрополидаги «Зевс меҳроби» нинг ишланган маъбудаларнинг гигантлар билан олиб борган жангини акс эттирувчи фриз ҳисобланади.

Бизгача бир мунча яхши етиб келган бу композиция, умуман, жаҳон санъатнинг шох асарларидандир. Меҳроб Пергам подшосининг **гал** қабилалари устидан эришган ғалабасига бағишланган. Фриз кўпроқ горельеф тарзида бажарилган, лекин айрим образлар думалоқ ҳайкалтарошликка ҳам ўтиб кетади. Узунлиги 120 метр, баландлиги эса 2,3 метр бўлган бу фризда Олимп маъбудаларининг уларга қарши исён кўтарган гигантлар билан олиб борган аёвсиз кураши ва қасос олишлари ҳақида хикоя қилинади. Афсоналарга кўра, ер худоси **Геянинг** ўғиллари - **гигантлар** Олимп худоларига қарши исён кўтарадилар, лекин улар билан бўлган шиддатли жангда енгилдилар. Пергам меҳроби фризида ана шу воқеа ўз ифодасини топган. Жанг қизғин. Худолар ва гигантлар бу жангда кўшилиб кетишган бўлиб, ягона композицияни ташкил этадилар. Шу билан бирга, худоларнинг ғалабаси аён. Асарда дахшат, вазоҳат ва азобланиш, қурқиш, кучли ғазаб ва нафрат юксак бадиий маҳорат билан ишланган. Пергамда ифодали ва драматизмга бой думалоқ ҳайкаллар ҳам яратилди. Уларда ҳайкалтарош мағлубиятига учраган гал қабиласи одамларининг бўйсунмас ва мардонавор ҳислатларни, ўлимга тик боқиб мағрур жон бераётган ҳолатларини жуда жонли тасвирлай олган. *“Ўзи ва қайлигини ўлдираётган гал”, “Ўлаётган гал”* ҳайкаллари диққатга сазовордир. Ҳайкаллар классик санъат анъаналарида ишонарли талқин этилган.

Эллинистик Миср, **Птолемейлар** подшолиги даврида гуллаб яшнади, қудратли давлатга айланди. Унинг пойтахти Александрия эса эллинистик дунёнинг йирик маданий-сиёсий маркази, йирик порт шаҳри бўлди. Эллинистик Мисрнинг оқ мраммдан ишланган ҳашаматли бинолари дунёга машҳур бўлган. Етти муъжизанинг бири, деб ҳисобланган 120 метрли Фаррос маёғи (машъали), Александриянинг ҳайкалтарошлик билан безатилган парк-боғлари ҳам оламга машҳур бўлган. Эллинистик Миср бадиий мактабида юқори классика анъаналари (кўпроқ Пракситель) сезиларлидир. Тематикасида ҳаётий маиший ҳамда интим-лирик мавзу етакчи ўринни эгаллайди. Бу жанрда ишланган композицияларда кўпроқ оддий халқ ҳаётидан олинган воқеалар тасвирланади. Қариялар, болалар образи кўпроқ учрайди. *“Кекса балиқчи”, “Ғоз билан ўйнаётган бола”* ҳайкаллари бунга мисол бўлади. Афродита ҳайкали кўп ишланган.

Эллинистик Миср санъатида аллегорик талқин этилган ҳайкаллар ҳам мавжуд. Масалан, «Нил» композицияси, тош ўймакорлигининг намунаси «Гонзага комейси» бўртма тасвири машҳурдир. Унда подшо Птолемей ва малика Арсиноянинг бошлари ён томондан тасвирланган. Эллинистик Мисрда рассомлик ҳам ривожланган. Адабий манбаларда **Апеллес**, **Антифил** каби рассомлар самарали ижод қилганликлари тўғрисида гапирилади. Сўнгги эллинистик давр санъати ҳақидаги таассуротни Родос мактаби беради. Бу мактаб вакиллари кўпроқ Лисипп ижодига мурожаат қиладилар. Бақувват атлетлар, жангчилар ва жанг манзараларини кўпроқ тасвирлайдилар. Родос ҳайкалтарошлигига хос бўлган яна бир хусусият кўп

фигуралли композицияларга, кучли, ҳар хил даҳшатли сюжетларга кўпроқ мурожаат қилишларида кўринади. *“Фарнез буқаси”, “Лаокоон ва унинг ўғиллари”* деб номланган композициялар шундай асарлардандир. Лекин Родос ҳайкалтароши ўз қахрамонларининг ички дунёсини очишга интирмайди. Балки ташқи қиёфада унинг ўзгаришини кўрсатиш билан чегараланиб қолади. Натижада ясамалилик ва сунъийлик кўзга ташлана бошлайди. Родосли ҳайкалтарошлар **Агесандр, Афинодор ва Полидор** томонидан эрамиздан аввалги 40-йилларда яратилган «Лаокоон ва унинг ўғиллари» композициясида кохин Лаокоон ва икки ўғлининг азоб-уқубатли ўлимини мумкин қадар кескинроқ тасвирлашга ҳаракат қилганлар. “Лаокоон ва унинг ўғиллари” асари афсоналарга кўра, Троялик кохин Лаокоон душман томонидан қолдириб кетилган катта ёғоч отни шаҳарга олиб кирмоқчи бўлган ҳамшаҳарларидан ранжиб, уни ёқиб юборишни айтади ва унга ўзининг найзасини отади. Шу вақтда греклар ҳомийси маъбуда Афина фармони билан денгиздан икки бошли илон пайдо бўлади ва у Лаокооннинг икки ўғлига ҳужум қилади. Ота ўз ўғилларини қутқаришга шошилади. Лекин илон уларнинг учовини ўраб олади ва бўғиб ўлдиради.

Таянч иборалар:

Наос-Ибодатхонанинг марказий муқаддас қисми

Глиптика-қимматбаҳо тошларга уйиб ишлаш санъати

Саволлар:

1. Қадимги Юнонистон санъати неча даврга бўлиб ўрганилади?
2. Қадимги Юнонистон меъморчилигининг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?
3. Қадимги Юнонистон ҳайкалтарошлиги намуналарига нима мисол бўла олади?

6- МАВЗУ: ҚАДИМГИ ИТАЛИЯ САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ

Режа:

1. *Қадимги Этрусклар санъати.*
2. *Қадимги Рим Республика санъати.*
3. *Қадимги Рим Империя санъати.*

Адабиётлар

1. Абдуллаев Н.У. «Санъат тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1986 й.
2. Абдиев В.И. «Қадимги Шарқ тарихи», Тошкент, 1965 й
3. «Всеобщая история искусств» Том-1 М. Искусство»

Интернет сайтлари:

www.uz.wikipedia.org

www.ru.wikipedia.org

www.artclassic.edu.ru

Қадимги Италия санъати қуйидаги даврларга бўлинади.

1. Қадимги Этрусклар санъати.

2. Рим Республика санъати. Мил. авв. VI аср охири – I аср охири.

3. Рим Империя санъати. Мил. авв. I аср охири – мил. 476 йил.

Антик маданиятининг энг сўнги ўчоғи қадимги Италиядир. Бу ерда мил. ав. III – II мингинчи йилларда шаҳарлар мажуд бўлиб, меъморчилик қолдиқлари, темирдан, бронзадан ясалган меҳнат қуроллари, зебу-зийнат буюмлари шундан далолат беради.

Милоддан аввалги VII асрдан то янги милоднинг V асригача бўлган ўн икки аср мобайнида италияликлар санъати ва бадиий маданияти ўзининг гуллаган даврини бошидан кечирди. Қадимги дунёнинг йирик давлатларидан ҳисобланган Рим империяси ҳукмиронлиги даврида катта ҳажмдаги меъморлик ансамбллари вужудга келди ва меъморлиكنинг янги типлари пайдо бўлди. Италияликлар қадимги Греция санъати ва маданиятига зўр ҳурмат билан қараганлар. Италияликлар Миср, Финикия, Карфаген, Юнонистон шаҳарлари, Сицилия билан савдо ишлар олиб боришган. Савдо йўлларида **Вейн, Церий, Тарквини, Кизиум** шаҳарларини барпо этишган. Шаҳарлар мудофаа деворлар билан ўралагн бўлиб, йўл кўприклар, каналлар қурилишида уларни қурилиш техникаси анча ривож топганини кўрамиз.

ҚАДИМГИ ЭТРУСКЛАР САНЪАТИ

Этрусклар Италиянинг жанубий–ғарбий қисмида яшаган энг қадимги қабилалардан бири ҳисобланади. Этруриянинг Вейн, Церий, Тарквини, Кизиум марказий шаҳарлари бўлиб, бу шаҳарлар баланд, қалин деворлар билан ўралган. Қазилмаларнинг аён беришича Этрурия маданияти жуда қадимий бўлиб, олимлар бу халқни Италияга мил. авв. X – VIII асрда Кичик Осиёдан кириб келган деган тахмин қилинади. Этрусклар жуда яхши деҳқон бўлишган. Улар ботқоқликни қуришиб ерларга ишлов берган. Мил.авв. VI асрга келиб Этруриянинг 12 та йирик шаҳарларини бирлиги Волонсиядаги Волтумна ибодатхонасида кўплаб йиғинлар, сайловлар бўлиб туради. Этрусклар юнон алифбосини, театр санъатини қадимги Эллада мифларини андоза сифатида оладилар. Шунингдек этруск задогонлари қора фигурали вазалар ва қизил фигурали вазаларга қизиқганлар. Этруск мақбараларида юнон вазалари топилган. Юнонлар сингари 12 маъбудга эътиқод қилганлар Энг асосий маъбудлар **Юпитер, Юнон, Миньяра**. Уларга бағишлаб 3 целлали ибодатхоналари қурганлар. Этрурия кўмиш маросимлари бобилликлар, юнонларникига ўхшаш. Уларда ҳам кўмилганда терракотадан урналар қўйишган. Қопқоқларида ҳайкаллар тасвирланиб, бундай урналар мил.авв. VII аср охири VI аср бошларига тегишли. Уларда ўлган жасадни кулини сақлашган. Тасвирларда кўпинча жангчилар фигуралари ёки одам боши тасвирланган. **Кьюзи** шахрида топилган шундай ҳайкал эркак шаклида бўлиб, унинг юз чўзиқлари дағал ишланган. Уста асосан юз индивидуаллигига аҳамият берган; мускулининг бўртмалари, қисқа бурни, лабларининг бирлашиши ва оғир квадрат даханига эътибор бериб ишлаган. Терракота

саркафаглари ҳайкаллар билан безатилган. Асосан қопқоқларида ўлганлар ишланган. Церадаги устанинг мил. авв. VI асрнинг 2 ярмига тегишли саркафагда оила жуфтлиги тасвирланган. Улар ёстикга суяниб, байрам ётоғида ўтиришибди. Эркак қўли аёл елкасига ташланган. Улардаги ётиш позалари, жест ва ҳаракатлари ҳам тасвирланган. Уларнинг торслари объёмли, аммо қоматнинг пастки қисми либосии ичида текс кўринади. Юз тузилишларида пластиклик бор, енгил табассумли. Узун сочлари елкага тушган, оёқ товонлари нафис ишланган. Бу нарсаларда юнон усталарнинг (архаика даври) танишлигини кўрамиз.

Меъморчилик юнонлардан фарқланган. Қадимги эллин меъморлари мил. авв. VI – V асрларда **периптр** типдаги ибодатхоналари мармар ва оҳак тошлардан қурилган. Этрусклар ундан пишиқроқ материал ишлатишган. Тошларни фақат фундамент учун қўллашган бўлса, бинонинг каркасини ёғочдан, деворларини ғишдан ишлаганлар. Ибодатхоналар баланд асосда зинали пандусли бўлган. Чуқур портик асосий фасад бўлган. Этрусклар (портик) диний иншоотларни жуда бой безаганлар, рангли рельефлар, терракоталардан ясалган ҳайкаллар ҳам бўлган (бу нарса архаика даврида тарқалган). Лойдан терракота ҳайкаллар ясашни этрусклар юнон усталаридан ўрганганлар. Улар коринфдан мил. авв. VI асрда терракота пластикалари юқори чўққига кўтарилади. Вея шахрининг усталарининг катта шуҳрат қозонади. Улардан бири Вулка бўлиб, у Римдан таклиф этилади. Юпитерга аталган ибодатхонага терракота безакларини ишлайди (мил. авв. VI – V асрлар). Вулкага веядаги Апполон (Вейи Апполони деб юритилади) ибодатхонасининг декоратив ҳайкаллари ҳам ишланган. Унда санъат ва нур худоси бўлган Апполоннинг шахдам қадамлар билан одимлаб бораётган вақти тасвирланган. Апполон ибодатхонасининг шифти акротерийлар билан безатилган бўлиб, уларда кўп фигурали композиция: **“Оҳу деб Геракл ва Апполоннинг жанжали”** тасвирланган. Ундан фақат Гераклнинг торси, Гермеснинг кичик танаси, Артемида ҳайкалининг бир қисми сақланган холос. Этруск усталари милоддан аввалги VII – VI асрларда оригинал керамикани барпо этганлар, улар ўрта ер денгизда тарқалган. Амфоралар, кўзалар ва ҳар хил идишлар дастгоҳда ишланиб, улар оловда куйдирилгач, қора ранг олади. Бу техника жараёни **“букеронеро”** дейилиб, италиянча “қора ер” маъносини англатади. Этрусклар қимматбаҳо металлларга ишлов бериш ва заргарлик буюмларни ишлашда ҳам моҳир бўлишган ва усталик билан бу ишни уддалашган.

Улар миниатюраларни зираклари олтин, кумуш билан қоплашган, узукларни нозик тилла ипчалар билан безашган. Уларнинг ишларини Афинада юксак баҳолашган. Пернесда топилган мақбарада мил. авв. VII асрга тегишли кўкрак тақинчоғини учратиш мумкин. Кичик олтин пластинкада уста моҳироналик билан 137 та тилла фигураларни сфинкс, қиз бошли қушлар, шер, отларни тасвирлаган.

Фантастик ҳайвонларни ишлаш Этруск усталарини жалб қилган. Милоддан аввалги 480 йилларда номаълум уста томонидан **Хилира** ҳайкали ишланган. Кўриниши жиҳатдан эчки, шер бошли ва илон думли махлуқни эслатади. Бронзадан ишланган бу махлуқ жиддийлик билан олдинги оёқларини чўзиб, елкасини эгган. Хилиранинг оғзи вахшиёна очилиб, ундан кичкирик келаётганидай, хилира эчки боши ўсиб чиқаётгандай тасвирланган. Этрурия санъатнинг ёдгорликларига Римнинг тарихи **“Капитолия бўриси”** ҳайкалини киритиш мумкин. Ривоятларга кўра, милоддан аввалги 754 йил ака - ука Ромул ва Рим, Рим шахрига асос солган, уларни ёшлигида она бўри эмизган.

Капитолияда бу ходисага атаб 7 та тепаликлардан бирига милоддан аввалги VI аср охирида ҳайкаллар ўрнатилган. Жағлари қотиб қолган, қулоқлари, олдинги оёқлари бирнимадан хадиксирагандек ишланган. Тана жунлари нақшли орнаментни эслатади.

РИМ РЕСПУБЛИКА САНЪАТИ

(Мил.авв. VI аср охири – I аср охири.)

Тибр дарёси атрофида қадимги Италия қабилалари **Латиниян, Сабиненлар** пайдо бўлди. Улар мил. авв. VIII асрда бир шаҳарли жамиятга эга бўлишган. Мил. авв. VIII – VI асрларда римликларда давлатни шохлар бошқаради, улардан энг сўнгги шохи Тарквини сулоласидаги этрусклар эди. Мил. авв. VII асрнинг охирида этрусклар қувилгач Рим республика даври бошланади. Рим республика даври милоддан аввалги VI аср охири – I аср охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Қадимги Рим санъати Апенин яриморолларидаги кўпгина халқлар, жумладан, этрусклар, кейинроқ Рим босиб олган ерлардаги бошқа халқлар санъати таъсирида ривож топди. Унинг равнақиға, айниқса, грек санъати кучли таъсир ўтказди. Лекин римликлар ўзга халқлар санъатини ўзлаштириб, ўрганиб, уни ижодий бойитдилар, шу санъат анъаналарини ривожлантириб, унинг янги тур ва жанрларини ҳам вужудга келтирдилар.

Меъморчилик. Рим санъатида меъморлик етакчи ўринни эгаллади. Меъморликда давлатнинг куч-қудрати тараннум этилди. Римликлар кўпчиликка мўлжалланган мухташам бинолар қурдилар. Бундай характердаги бинолар бу давр учун янгилик бўлди. Меъморликда римликларнинг ақл-заковати яққол намоён бўлди. Бу меъморлик этруск ва юнон меъморлик санъати анъаналарига, қисман қадимги Шарқ меъморлиги санъати анъаналарига таянган ҳолда ривожланган. Уни янги услублар билан бойитадилар. Айниқса, бетоннинг ихтиро этилиши ва устун-тўсин системасига янги конструкциялар киритилиши, арк, кубба ва эгри равоқнинг эркин ва кенг қўлланилиши фақат Рим меъморчиликларида эмас, балки жаҳон меъморлик санъати учун ҳам ҳақиқий революция бўлди. Бу система катта фазовий кенгликни ёпа оладиган, меъморлик композицияларини вужудга келтирди. Милоддан аввалги III - I асрларда қурилган **ибодатхона, вилла, сарой, қаср** ва бошқа бинолар ўзининг серхашам, жимжимадорлиги ва нафислиги билан характерлидир.

Қадимги Рим тарихи милоддан аввалги VI асрдан бошланиб, милоднинг V асригача бўлган даврини ўз ичига олади. Милоддан аввалги VI асрга келиб, Рим аристократик кулдорлик республикасига айланди. У Апенин яриморолини забт этиб, Ўрта ер ҳавзасида ўз ҳукмдорлигини ўрнатгач, милоддан аввалги II аср ўрталарига келиб, шу ердаги йирик давлатга айланди. Босиб олинган ерлардан бойликларнинг Римга олиб келиниши унинг равнақида муҳим роль ўйнади, шу билан бирга, инқирозини ҳам тезлаштирди. Мулкий тенгсизлик ошди, эксплуатациянинг кучайиши эса омма орасида норозиликни келтириб чиқарди. Айниқса, куллар қўзғолони (булар ичида Спартак қўзғолони машҳур) республика даврининг инқирозга юз тута бошлаганини билдирди. Унинг ўрнини Рим

императорлик даври эгаллади. Бу давр милоддан аввалги I аср охиридан милоднинг 476 йилигача давом этди.

Республика даврида асосан Рим меъморчилиги мураккаблашади. Оддий ижтимоий ҳаётда доимий тўхтовсиз урушлар бўлиб турганлиги сабабли маҳобатли қурилмаларнинг мантиқида фуқаролар жанги ифода этилади ва буларнинг барчаси ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Рим мудофаа деворлари антик санъатда ўзининг ягоналиги ва машҳурлиги кўриниб турган мураккаб туфа қисмлари Тибругача етиб бoган. Рим йўллари муҳим стратегик аҳамияти касб этган, улар шаҳарнинг турли хил қисмлари билан туташган. Бир қанча машҳур қурилмалар Рим бошқарувчиси Аппиевага қарашли бўлган ҳамда йўллар (милоддан аввалги IV – III аср) ганцов ва когорт ҳаракатлари учун мўлжалланган. Ариччи водийсигача давом этган деворларнинг узунлиги 197 метр, баландлиги 11 метр бўлган. Милоддан аввалги VIII асрда ишланган мудофаа деворлари, мамлакатнинг турли қисмларини туташтирувчи тош тўшалган кенг йўлларнинг содда ва жиддий кўринишларида давр руҳи ва қуриш санъати характери кўринади. Жумладан, машҳур Аппий йўли милоддан аввалги 312 йили қурилган. Бу йўлдан Рим легионлари жангга боришган. Шу даврда мустаҳкам кўприк ва осма сув қувурлари (акведуклар) қурилган. Улар шаҳарга ўзига хос силует бахш этган.

Римликлар қадимги Грецияга ва бошқа эллинистик давлатлар устидан ҳукмрон бўла борган сари серҳашам бинолар кўпая борди. Милоддан аввалги III - I асрларда қурилган **ибодатхона, вилла, сарой** ва **қасрлар** ўзининг таркибидаги санъат музейига айланган. Римликлар грек меъморлигига қизиқиши катта бўлганлиги сабабли, улар ордерли системага мурожат қилишган. Бироқ римликларга аҳамиятли бўлган янги тушунчалар кириб келган. Худди шу вақтда грек меъморчилик конструкциясида ордерлар асосий роль ўйнаган бўлса, Римда эса асосан безакдор қилиб ишлашади. Катта ерлар ва маҳобатли устунлар аркаларга бирикиб кетган. Улардан бинога серҳашамлик ва жимжимадорлик киритиш учун фойдаланила бошланди. **Коринф ордери** эса севимли ордерга айланиб қолди. Бундан ташқари, римликлар этрусклардан **тоскан ордерини** олдилар. Бу ордер ўз кўриниши жиҳатидан дорий ордерига ўхшаса ҳам, лекин унинг тагкурсиси борлиги ва метопа бўлган фриз ва каннелюрларининг йўқлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, коринф ва ион ордери чатишмаси бўлган янги ордерлар ҳам республика даври меъморлигида кенг ишлатилди. Юнон меъморчилигидан рим уйлариининг фарқи шундаки, римда барча бинолар тартибли жойлашган.

Рим меъморчилигининг ўзига хос бўлган “янги типи” яъни “яшаш уйлари” ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шундай қурлмалардан бири **Помпейдаги** (Панса Уйи, Фавна Уйи, Виттиев Уйи). Қурилманинг катта қисми – бу бир қаватли уй, атриум, перистил типидagi очик саройлар атрофини мармарли устунлар ва кишилар яшайдиган хоналар билан ўралган. Перистилли фонтан, ҳайкаллар, гуллар билан безатилган. Юнон меъморчилигидан Рим уйлариининг фарқи шуки, Римда барча бинолар тартибли жойлашган. Атриумга тўғри тўртбурчакдаги ёпиқ дарча орқали Атриумга ёруғлик кирган.

Рим шаҳри сўнгги Республика ва Императорлик даврида барпо этилган ёдгорликларнинг кўпчилиги мил.авв. VIII асрда қурилган. Римнинг маркази ботқoқ

тексликларда жойлашган. Улар атрофи учта тепалик – **Капитолия, Палатин, Квириналом** билан ўралган. Бу ерда қадимги Римни марказий майдонини Рим форуми (Форум романом) ташкил қилган. Рим **форуми** савдо-сотиқ ва жамоатчилик майдони ҳисобланган. Дастлабки даврларда бир ягона форум бўлган, кейинчалик унга 5 та форум (Цезор, Август, Воспосиан, Нерв ва Троян императорлик форумлари) қўшилади. Рим форумлари ассиметрик характерда қурилган қурилмалар бўлиб, аста – секин яхши натижаларга эришган ҳамда бошқа бир алоҳида қурилмалар ёнида очик кенг ҳовлида бир-бирига зич ҳолда қурилган. Бундай меъморий мажмуа форумлари республика даврида қурилиб, ассметрия режаси бўйича Афина акрополидан фарқланиб турган. Барча меъморий қурилмалар битта ягона бадиий фикрдан келиб чиққан. Мил. авв. I асрнинг 80 йилларида капитолия атрофларида Республика давлат архиви – Табулериума биноси қурилган эди. Меъморчиликдаги архитравлар – бир бирига қарши ички ҳолатлар билан аралашган ёпиқ ҳолда, Рим меъморчилик системаси типи етиб келган ва ушбу қурилмаларни олд фасадларида Рим меъморчилигидан фойдаланган ҳамда римликлар ва Этрускларнинг келиб чиқиши Греция билан ўзаро боғлиқ ва умумий бўлган.

Ҳайкалтарошлик. Римликлар маҳобатли ҳайкалтарошликда грекларга нисбатан буюк ёдгорликлар яратишмаган. Лекин улар ҳаётининг янги томонлари билан ҳайкалларни пластиклик билан бойитдилар. Маиший ва тарихий рельефлар ишлашган, рельеф меъморчиликнинг ажралмас декор қисми бўлган. Республиканинг 1 –10 йиллигида энг қадимги ҳайкалтарошлик асарлари римнинг рамзи бўлмиш бронзадан ишланган капитолия она бўрисиدير (мил. авв. VI аср, рим палаццо кансерватория). Бу ҳайкалтарошлик асари ўзининг чуқур реализмга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бироқ, Рим бадиий ҳайкалтарошлигида асосий ўрин портретдир. Римда унинг янги тушунчаси пайдо бўлади. Юнон усталаридан фарқи шундаки Рим ҳайкалтарошлигида кўпроқ портретлар ишлашган. Рим мусаввирлари инсон юзини жуда синчковлик билан ўрганиб такрорланмас чизиқларини кўра олганлар. Портрет жанрида реализм кучли бўлган. Аниқ шаклни етказа олишган.

Ҳайкал портретларида жиддийлик, хотиржамлик, дастлабки ўринларни эгаллаган. Бу ҳаётнинг асоси бўлган. Рим портретининг пайдо бўлишига кўмиш маросимлари сабабчи бўлган. Жасатдан юз ниқобини олишиб, атриумни безатишар, оилавий байрамларда намойиш қилишар, кўмиш жараёнини олиб боришда актёрлар бу ниқоблардан фойдаланишар эди. Кейинчалик бу маросим аждоддан авлодга ўтиб сақланиб қолган. Натижада Рим портретларининг услуги борган сари ривожланиб борган. Юз мимикасига одам анатомиясига катта эътибор берганлар. Рим республика санъати даврида портрет тасвирлардан ташқари гуруҳли портретлар ҳам бўлган. (Оила, қариндош) римлик Вибияни тобутнинг устига барча қариндош уруғи, оиласи билан тасвирлашган. У мраммрдан ишланган. (мил. авв. I аср) Республика даврида яратилган портретда инсон образи ички кечинмаларга бой бўлиб, нигоҳи атрофдагиларга бефарқроқ яъни фақат ўзига суянади.

РИМ ИМПЕРИЯ САНЪАТИ

(Мил.ав. I аср охири – мил. 476 й.)

Мил. авв. I аср охирида Рим давлати Республикадан империяга айланади. Рим дунёси Август ҳукмиронлиги даври бошида кириб келган синфий курашни вақтинча бостирилган даврида, санъат ва меъморчилик юқори даражада гуллаб яшнайди. Антик тарихчилари Август ҳукмиронлигини “Олтин аср” деб айтишган (мил. авв. 27 йнл—мил.нинг 14-йиллари). Бу давр тараққиёти меъмор ва назариётчи – **Витрувий**, тарихчи **Тит Ливий**, шоирлардан **Вергилий** ва **Гораациоларнинг** номлари билан боғлиқ бўлган. Санъатда Август классицизми асосий йўналиш бўлади. Рим рассомлари Фидий давридаги Грециянинг буюк усталарига тақлид қиладилар. Меъморчилик ривожланди, шаҳар қурилиши авж олди. Ижтимоий ва маъмурий бинолар кўплаб қурилди. Айниқса, Римда қурилиш жиддий бўлди. Тарихчилар бу даврнинг қурилишини таърифлаб, “*Август Римни гиштдан қурилган ҳолда олиб, уни мраммарда қолдирди*”, - деб ёзган эдилар. Шу даврда меъморчилик қурилмалари ҳашаматлилашди. Бинолар нафис колоннадалар, арк, гумбазли бинолари, характерланса, хиёбонлари фонтан ва яшил кўкламлаштирганлиги билан ажралиб туради. Бизгача вайроналарда етиб келган биноларнинг қолдиқлари ханузгача ўзининг салобати ва улуғворлиги билан ҳайратлантиради.

Тарихчи Светониянинг таъкидлашича, Август Римни ҳақиқатдан гўзал шаҳарга айлантирган ва гишт ҳамда мраммардан бинолар билан безатган. Шаҳарда энди замонавийлашаётган одамлар майдони чексиз бўлган ва ҳеч қайси томонидан унинг чегараси кўринмаган.

Меъморчилик. Рим меъморлигида I аср охири ва мил.нинг II аср бошларида энг катта меъморлик комплекслари яратилди, кўп қаватли бинолар вужудга келди ва шаҳар қиёфасини белгилади. Юлиев, Флавиев, Север каби императорлар даврида қурилган бахайбат саройлар ўзининг буюклиги билан ҳайратга солган. Рим империя давридаги ҳамма омборлар триумфали қурилма бўлиб, Рим давлатида ҳарбийлар ғалаба қозонади. Триумфали аркалар ва устунлар фақат Италияда эмас балки, провинцияларда ҳам қўлланилади. Рми форумларига кираверишда бир қанча ёдгорликлар бўлиб, шулардан бири **Тит ғалаба аркасидир**. Бу аркадада мраммар ишларини юргизишган, 81-йилда қурилган. Кейинроқ Септима, Север, Троян ва Константинларга атаб шундай зафар арклари қурилган. Рим республика даврининг охирларида яна қўшимча, ўзига хос бўлган театр ва амфитеатр типдаги қурилмалар қурилади. Кейинчалик Рим “ҳамма худоларнинг қасри” ни кашф қилади. Греция театрлари очик осмон остида қад кутарган бўлиб, томошабинлар учун жойлар қояларда бўлган. Римда эса театр ва бир биридан чиройли биноларни шаҳарнинг марказларида кўриш мумкин. Бу ерда **гладиаторлар** жанги бўлиб турган. Қадимги Рим қурилмаларидан бири жудаям ҳашаматли қурилган флавийлар амфитеатри – **Колизей** (мил.нинг 75-82 йиллари). Рим республика форуми ёнида жойлашган. Бутун диққат эътибор унинг қурилиш режасига қаратилган ва йирик тошлар билан қурилган бу бино ўзида 50 минг томошабинни сиғдира олган. Колизейни мустаҳкам деворлари (баландлаги 156х188 м) текис аркалари 3 ярусга бўлинган, пастки қаватлари кириш ва чиқиш учун хизмат қилган.

Колизей режаси кўра эллипс шаклини эслатади. Эллипс шакли гладиаторлар жангини кўриш динамикасининг барча талабларига тўлиқ жавоб беради. Колизей деворларининг ташқи томони рангли мармарлар билан безатлиган. Колизей конструкцияси мустаҳкам бўлган. Биринчи ярус – тоскан, иккинчи ярус – ион ва учинчи ярус – коринф ордерларидан фойдаланишган. Тўртинчи яруснинг ҳамма томонлари тошли деворлар билан қопланган. Бинонинг деворидаги пилястрлар ва коринф ордерлари ўз кўринишини бир мунча сақлаб қолган. Колизейнинг ички кўриниши айлана бўлган.

Рим қурилмасининг энг йирик иншооти «**Хамма худоларнинг қасри**» - **Пантеондир**. Меъмор Аполлодор Дамашкий томонидан 118-125 йилларда қурилган бу бино антик дунёнинг энг катта гумбазли биноси бўлиб, унда Рим меъморлигининг новаторлик хусусияти яққол кўзга ташланади. Пантеон ташқи томонидан тантанавор тош безакли қурилма тасаввурини намоён этади. Олд томонини эса қизил гранитдан ишланган коринф устунли пештоқ безаб туради. Деворларга қарама – қарши ҳолда коринф ордерлари билан безалган пештоқлар жойлашган. Пантеонда асосий ўринни катта гумбаз остидан ёруғлик тушиб турадиган сохта бўшлиқ- **окулс** эгаллаган. Пантеон гумбазининг диаметри 42,7 – 43,5 метрга тенг, деворларининг баландлиги унинг радиусига бўлинганлиги сабабли гумбаз остидаги бўшлиққа шар шаклида уйғунлашган. Гумбазнинг юқори қисмида қолдирилган диаметри 9 м бўлган.

Девори эса икки ярусли бўлиб, биринчи ярусдаги чуқур токчаларга маъбудлар ҳайкали қўйилган, кинчи ярус эса рангли мармардан ишланган пилястрлар билан бўлиб чиқилган. Гумбаз ости юзасидан тўртбучак шаклидаги чуқурчалар (кессонлар) юқorigа қараб кичрайиб боради. Томошабин назарида гумбаз ости кенглиги катта ва чексиз бўлиб туюлади. Интерьер оддий геометрик формалар жиддий безакларга тўғри келади. Деворлар рангли мармарлар билан қопланган. Интерьер 3 ярусга бўлинган. Пастки ордер ҳайкаллар жойлашган нишалар билан рамкаланган калонна ва пилястрлардан иборат. Унинг тепасида жойлашган ойналар ва пилястрларга эга бўлган аттик қават антабилимент билан тугалланади. Гумбаз тепасига қисқариб борадиган беш айлана қаторли кассеталардан иборат. Ўзининг бундай бўлинишлири билан улар пилястрлар ва калонналар билан боғланади, тепага меридиан бўйлаб кутарилади, горизантал бўйига карниз чизиқларини қайтаради. Пантеоннинг образли кучи – меъморий соддалигидадир. Кейинчалик дунё санъатининг ривожланиш мобайнида улуғ меъморлар Пантеон масшталари ва буюклигидан ўзмоқчи бўлишади. Лекин, антик даврнинг ўлчамлари ўз ўрнини сақлаб қолади. Қурилиш ашёси пемзобетон ва ғиштлардан қурилган бўлиб, Римнинг тарихий иншоотларидан биридир. Бу ибодатхона табиий тепаликда қурилаган бўлиб, ўзида эстетик композиция принципини бир мунча ифодалайди. Бу қурилма ўзининг маҳобатлилиги билан бошқа иншоотлардан фарқланиб туради. Меъморчиликда кўплаб Пантеонлар кучли контрастлар орасида қурилган ҳамда ички бўлимлари жуда оддий ва ақл бовар қилмайдиган даражада безатилган. Барча ибодатхона таркибига катта заллар кирган. Пантеоннинг поллари мармар бўлиб, деворларига асосан махсус ранглар берилган. Унинг таркибига кирувчи зал орқали думалоқ дарча яъни “Пантеоннинг

кўзи”ни кўришимиз мумкин ва бу дарчадан табиий ёруғлик тушиб турган. Меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъатидаги деталларни тасвирли қилиб бажаришган ҳамда тепадан пастга тушган ранглар йўналиши орқали атроф муҳитни чуқур кенгликда хис қилишган.

Рим меъморлигида пайдо бўлган янги типлардан бири **термлар** - (сув саройлари)дир. Илик ва совуқ сувли ҳовузлар, гимнастика заллари, оромгоҳлар, кутубхона бўлган 2-3 минг кишига мўлжалланган бундай сув саройлари безагига алоҳида эътибор берилган. Мозаика ва деворий суратлар, ҳайкал ва амалий санъат буюмлари сарой гўзаллигига гўзаллик қўшган. Бу бир бутун турли йўналишдаги ансамблдир. Ҳаммомларнинг совуқ ва илик залларига гимнастик машғулотлар ва ақлий машғулотлар учун хоналар бўлган. Катта равоқли ва гумбазли заллар **экседрали** ҳовли (экседра – ярим гумбазли равоқ) ва боғлар билан тугалланадиган нишалар ва ўйинлар учун мўлжалланган майдонлар ўзининг мармар ва мозаикалари билан ажралиб турган.

Бу даврни якунловчи ёдгорлик – Рим форумидаги (306-312 йилларда қурилган) **Максенций Константин базилкаси**дир. У ўзининг каркас конструкцияси билан Ғарбий Европанинг ўрта аср христиан базиликаларидан ўзади. Римда **базилика** – **Форум ансамблига кирувчи фуқаролик биносидир**. Бу ерда савдо ишлари, суд ва сиёсий йиғилишлар олиб борилган. Максенций базиликаси – Римнинг равоқли ажойиб биносидир. Унинг майдони 6 минг кв.метрни ташкил қилади. Тўғри тўрт бурчак негизида бўлиб, шарқий томонидаги устунларда очик пештоққа эга бўлган. Ички кўриниши нефга бўлинган бўлиб, ўртадаги энг кенг нефи яримайлана **апсида** (меҳроб) билан тугалланган. Ўртасидаги неф 8 бақувват мустаҳкам устунларга таянгандан ташқари контрафорслар (деворларнинг вертикал чиққан жойи) билан ушлаб турган хочсимон равоқлар билан ёпилган. Фақатгина базиликанинг қисқа тарафи текис девор ечимига эга бўлган. Бинонинг қолган қисмларидаги равоқлар бутун конструкциянинг негизи ҳисобланмиш устунларга таянган. Нозик ташқи деворлар икки ярусли кенг аркалар билан ўйилган. 313 йил Римда христиан дини тан олингандан сўнг IV асрда антик базиликалар кўринишига эга бўлган христиан ибодатхоналар қурила бошланади.

Италиянинг асосий йўллари форумдан бошланган, шаҳарнинг асосий кўчалари шу форумга бориб тақалган. Унинг марказида ҳайкаллар, декоратив устунлар ўрнатилган. Император **Троян форуми** эса жуда ҳашаматли бўлган. Меъмор Аполлодор томонидан 109 - 113 йилларда қурилган бу форум майдони 116x95 м бўлиб, унинг ўртасидаги 27 метрли устунга Трояннинг дақларга қарши олиб борган курашини акс эттирувчи бўртма тасвир юқорига ўралиб чиқувчи бурама фризда ишланган. Устун тепасига императорнинг бронза ҳайкали ўрнатилган. Бу ҳайкал XVI асрда олиниб, ўрнига апостол Пётр ҳайкали ўрнатилган. Устун пьедесталига Троян вафотидан кейин унинг ҳоки солинган урна жойлаштирилган.

Кулчиликнинг авж олиши, савдо-сотиқнинг кучайиши Рим провинцияларида ҳам маданий жонланишни келтириб чиқарди. У ерларда ҳам янги маданий марказлар, шаҳарлар вужудга кела бошлади. Бу шаҳарлар қурилиши Рим меъморлигига хос бўлган аниқ режа асосида қад кўтарди.

Бизгача яхши сақланган шаҳарлардан бири Тимгад ҳисобланиб, у Троян буйруғи билан барпо этилган. Шаҳарнинг асосий кўчаларидан бири охирида эса Троян зафар аркаси қурилган. Бойларнинг виллалари шаҳар чеккасида бўлган. Тимгад Рим императорлиги давридаги шаҳар қурилиш санъатини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Мил.нинг II асри биринчи ярмида императорлар **Троян ва Адриянлар**, Римдаги маҳобатли иншоотлар қурилишини давом эттиришган, лекин иккинчи ярим йиллик ичида пойтахтдаги юзлаб қурилишлар бирдан камайиб боради. Меъморий ёдгорликлар олдингига нисбатан оддий ва безакли бўлган. Шу вақтда Римдаги машҳур меъмор Аполлодор Дамашкий бир мунча эътиборга сазовар бўлган ва меъморчилик санъатига катта ҳисса қўшган. Аполлодор Дамашкий Трояна форумини яъни қадимги римдаги энг йирик меъморчилик ансамблини қайта қуради. Олдингига қараганда кўпроқ форумлар – Цезар, Август, Веспасиан ва Нерв форумлари қўшилади ва булар бир асосан перистилли ҳовлини ўз таркибига олган. Троян форуми бир неча қисмни ташкил қилади. Асосий тўғри тўртбурчакли майдоннинг томонларида устунлар очик бўлиб, Трояна расталари мавжуд, ярим айланали 5 ярусли кивиринал тепаликнинг қия қисмида жойлашган. Қадимги Римдаги йирик **Улпия базилика** Трояна форумини кейинги компанентлари 5 нефдан иборат бўлган. Базилика форумининг асосий ўқида унча катта бўлмаган перистилли ҳовли жойлашган. Бунинг марказида Троян устунлари мавжуд. Уларнинг баландлиги 38 метрни ташкил этиб, устунлар мрамрдан қурилган. Устунлар ўйиб ишланган тасвирлар билан безатилган бўлиб, уларда Трояннинг ҳарбий воқеликлари тасвирланган. Устунлар томонида иккита кутубхона жойлашган. Биринчиси Греция кутубхонаси, иккинчиси Лотин адабиёти кутубхонасидир.

Аполлодор Дамашкий шунингдек, Дунай орқали Троянадаги Ости шаҳаридан денгиз портида хизмат қилувчи Рим шаҳарига катта кўприк қуради. Император Адриан ҳукмиронлиги даврида айтарли кўп миқдорда йирик иншоотлар қурилади. Рим империяси меъморчилик санъатига грек – эллин санъати катта таъсир кўрсатган. Бунинг асосий сабабчиси император Адриандир ва бу даврда улар меъморчиликнинг сифатини намоёниш қилишга интилишган. Колизейни ёнида Рим ибодатхоналари – Венера ва Рома ибодатхоналари жойлашган. Шу даврда бу қурилмалар йирик ҳамда буюк иншоотлардан бири бўлган. Рома ибодатхонаси узинасига 10 та, энига яъни олд фасадларида 20 та калонналар бор. Ибодатхонанинг режадаги ҳажми 48x105 метрни ташкил қилади. Бу ибодатхона композицияси грециянинг периптер қурилишини эслатади ва ибодатхона режаси барча эллинизм даври билан боғлиқ бўлган. Ибодатхонанинг ичида иккита целласи (муқаддас жой) бир – бирига теппа – тенг бўлган ва биринчиси Венера маъбудасига бағишланган. Иккинчиси Рома ҳисобланади. Ибодатхона ёпиқ системали бўлиб, унинг ташқи кўринишини эллинизм даври билан таққослаш мумкин. Рим типигаги целласи ва пронаослар свод билан тугалланади. Тиволидаги Адриан вилласининг меъморлик комплекс қизиқарли бўлиб, у ўзида катта парк, кўплаб манзарали қурилмаларни мужассам этган ҳамда унча баланд бўлмаган тепаликларда холмахлар жойлашган.

Қурилиш режаси ассметрик бўлиб, бекиёс ранг – баранг тасвирий санъат асарлари билан фаркланиб турган.

Ҳайкалтарошлик. Империя даврида рельеф ва думалоқ пластика алоҳида ўринни эгаллайди. Рим форумида *“Тинчлик алтари”* барпо этилиб, унинг тепа қисмида кўп режали рельефлар ифодаланади. Бунда ўткир портрет характерига эга бўлган патрициларнинг анъанавий тарзидаги юриши тасвирланган. Тарихий рельефларда баён қилинган ҳукмдорларнинг донолиги римликларни бошқа давлатлар устидан қозонган ғалабасининг айрим сюжетлари триумфал аркаларда

1. www.hollandart.com
2. www.memoryart.com
- 3.

7-МАВЗУ. ҚАДИМГИ ЎРТА ОСИЁ САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ.

Режа:

1. *Қадимги Ўрта Осиё санъати ва маданияти тушунчаси.*
2. *Қадимги Парфия санъати ва адбияти.*
3. *Кушон давлати санъати ва адбияти.*

Адабиётлар

1. Абдуллаев Н.У. «Санъат тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1986 й.
2. Абдиев В.И. «Қадимги Шарқ тарихи», Тошкент, 1965 й
3. Г.А.Пугаченкова, Л. И. Ремель. “История искусств Узбекистана” М.: “Искусство” 1965 г.

Милоддан аввалги I мингинчи йилларда Ўрта Осиёда дастлабқ ибтидоий давлатлар шакллана борди. Зардуштийлик (мил.ав. VII аср) дини ёйилди. Унинг муқаддас китоби “Авесто” эса шу дин қарашларини тарғиб этади. Қадимги Ўрта Осиё санъати ва маданиятини ўрганишда бизгача сақланиб келган қалъа, сарой, турар жой ва қабрлар билан бирга зардуштийлар дини билан боғлиқ бўлган оссуарийлар (астадонлар) деб аталувчи одамлар суягини сақлаш учун мўлжалланган сополдан ясалган идишлар муҳим далилий материал бўлиб хизмат қилади.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиёдаги бадиий ҳаёт ва маданиятни тушунишда Амударёнинг юқори оқими томонидан топилган “Амударё бойлиги” (Окс бойлиги) муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда Лондондаги Британия музейида сақланаётган бу ёдгорликлар ичида ҳайкаллар, турли кўза, билагузук, узук, муҳр, танганлар, олтиндан ясалган аравача ва қуроллар диққатга сазовордир. Бу буюмларда учрайдиган тасвирлар бирмунча шартли бўлса ҳам, лекин ниҳоятда ифодали ишланганлиги билан ажралиб туради, деталлари очик ва тугал ишланиши

билан характерланади. “Жангчи - сак” бўртма тасвирида шу фазилятлар мужассамланган.

Марказий Қозоғистон қабрларидан уч оёққа ўрнатилган бронзадан ясалган қозонлар топилган. Милоддан аввалги VI-IV асрларда ишланган бу қозонларнинг тепа қисми ҳайвонлар тасвири - кўпроқ тоғ эчкиси ҳайкали билан безатилган. Марказий Қозоғистон ерларидан топилган тақинчоқлардан топилган тақинчоқларда ёввойи қуш, кийик ва эчки тасвирлари учрайди. Бу тасвирларда ҳайвон ва қушларнинг энг характерли белгилари ҳаракат пайтида кўрсатилади. Аксинча, ҳажмли думалоқ ҳайвонларда (асосан улар амалий санъат буюмларининг ажралмас қисми бўлган) ҳайвонлар ҳаракати оғир ва вазмин бўлиб, улар кўп ҳолларда соат стрелкаси ҳаракатида кўрсатилади.

Македониялик Александр Македонский милоддан аввалги IV асрларда Аҳмонийлар давлатини тор-мор этиб, Ўрта Осиё ерларининг кўпгина қисмини ўзига қаратиб олди. Фақат Хоразм, Фарғона ва Сирдарё бўйидаги кўчманчи қабилаларгина ўз мустақиллигини сақлаб қолди.

Милоддан аввалги III аср ўрталарида Парфинон давлати (Туркменистоннинг Жанубий-Ғарбий томони ва Эроннинг шимолий шарқий қисмлари) Ўрта Шарқнинг йирик давлатларидан бири сифатида танилди. Аршакийлар сулоласи бошқарган даврда эса жаҳондаги йирик давлатлардан бирига айланди. Парфинон санъатини ўрганишда ҳам танга юзасига ишланган бўртма тасвирлар кенг ўринни эгаллайди.

Парфия санъатини тушунишда Ашхобод яқинида археологик қазилмалар натижасида очилган Парфиноннинг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган Ниса (бошқача номи Парфниса) алоҳида ўринни эгаллайди. Эски Ниса ва янги Ниса деб аталадиган бу кўхна шаҳар қолдиқлари ҳамда у ердан топилган амалий-декоратив ва тасвирий санъат буюмлари ўша давр бадиий ҳаётини тушунишда бебаҳо далилий материал ҳисобланади.

Эски Ниса ва янги Ниса Парфия даврида қалъа ва шахристондан иборат битта шаҳарни ташкил этган. Бу ерда Парфия подшосининг саройи, ғалла, озиқ-овқат омбори ҳамда зодагонларнинг сағаналари бўлган. Бу ерда очилган “квадрат уй” ўз тузилиши ва безашда ишлатилган декоратив деталлари билан диққатга сазовордир.

Нисадан топилган ёдгорликлар ичида фил суягидан шохга ўхшатиб ясалган идишлар-ритонлар ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди. Ҳажм жиҳатидан каттагина (баландлиги 40-60 см.) бўлган бу ритонларнинг уч томонида афсонавий ҳайвонларнинг ярим белигача ҳайкали ишланган. Ритонларнинг тепа қисми эса бўртма тасвир - фриз билан ҳалқаланган. Бу бўртма тасвирларда кўпроқ антик мифологиядан олинган воқеалар, қурбонлик олиб келиш, раққосалар ёки антик худоларнинг бўртма тасвирлари ишланган.

Янги асрнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида жиддий жонланиш бошланди. Ундаги қатор маданий марказларда санъат ва

маданият борасида муҳим ёдгорликлар яратилди. Шундай маданий марказлардан бири Хоразм эди. Қўйқирилган қалъа, Гуяр қалъа, Тупроқ қалъа харобалари, у ердан топилган тасвирий ва амалий санъат намуналари шу даврларда (илк феодализм, яъни V асрга қадар) Хоразмда ижтимоий ҳаётнинг бирмунча интенсив бўлганлигини кўрсатади.

Қўйқирилган қалъа (Тўрткўлнинг шимолий шарқий қисмидан 22 км. узоқликда) мил.ав. IV-III асрда барпо этилган бўлиб, у дастлаб думалоқ шаклда бўлиб, унинг марказида диаметри 44,4 м. икки қаватли бино, ундан 14,5 м. узоқликда эса муҳофаа деворлари бўлган. Бу девор кейинчалик муҳофаа галереясига айлантирилиб, тепа қисми равоқли том билан ёпилган.

Тахминан, I асрнинг бошларига келиб, Грек-Бактрия подшолигининг парчаланиши натижасида вужудга келган майда давлатлар бирлаштирилиб, Кушон давлати ташкил этилди. Бу давлатга Ўрта Осиё ҳукмдори Кутзула Катфиз бошчилик қилди. Унинг ўғли Катфиз II эса бу давлат майдонини Ҳиндистон чегараларига қадар етказди. Канишка подшолик қилган йилларда эса Кушон давлати ўзининг гуллаган даврини бошдан кечирди. Кушонлар даврида Ўрта Осиёда буддизм дини кенг тарқалди. Кушон ҳукмдорлари ўз салтанатларини мустаҳкамлаш учун бу диндан фойдаландилар. Уни омма орасига сингдиришга ҳаракат қилдилар. Ҳукмдорларнинг бу интилиши шу давр санъат ва маданиятида ҳам ўз ифодасини топди. Буддизм билан боғлиқ бўлган ибодатхоналар вужудга келди, ҳайкаллар яратилди, деворий суратлар ишланди.

Кушонлар даврида ижтимоий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар бизгача етиб келган тангаларда намоён бўлади. Бу танга юзаларига подшолар портрети зарбланган, орқа томонига ҳудолар тасвири тушурилган. Ёзувлар эса Кушон Бактрия тилида, ёзиш учун кушон ҳарфлари (грек алф, асосида яратилган) ишлатилган. Кушон даври санъатини билишда Холчаёнда (Сурхондарё тум.) сақланиб қолган бино қолдиқлари ҳамда тасвирий санъат ва амалий санъат намуналари муҳим ўринни эгаллайди.

Холчаёндаги бинони безашда ҳайкаллар кенг қўлланилган. Бу ҳайкаллар хоналар деворининг юқори қисмига барельеф ва галерьеф услубида бажарилган. Унда подшо ва унинг яқинлари, шунингдек отлиқлар тасвири ишланган. Бу ҳайкалларда Грек-Бактрия санъатига хос хусусият - ҳар бир тасвирланувчининг ўзига хос индивидуал хислатларини кўрсатишга, кийимлари, қуроллари аниқ тасвирлашга интилиш сезилади. Ноъмалум ҳайкалтарош тасвирланувчининг соч тараши, кийим боши, характерининг ҳам аниқ бўлишига, психологик ҳолатини ифодашга интилади.

Айритомда (Термез яқинида) топилган тошдан ишланган рельефлар ва сўнгги Кушон давлати меъморлигининг харобалари бу ерда буддизм кенг ёйила бошлаганлигини кўрсатади. Айритомдан топилган тошдан ишланган рельефлар

ибодатхонага киравериш томонга карниз тарзида ишланган бўлган. Бу карнизларда аканф барглари орасида ярим белигача тасвирланган қўшнай, ноғора (барабан), лютна (Қижжакка ўхшаш мусиқа асбоби) ва арфа чалаётган созандалар тасвирланган.

Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалиши бевосита ҳайкалтарошликда ҳам ифодаланган. Будда ва бошқа диний персонажларнинг ҳайкаллари ибодатхоналарнинг олди ва ичкари қисмидан ўз ўрнини эгаллади. Бу ҳайкалларнинг ишланиш принциплари Ҳиндистонда яратилган канонларга асосланган.

Далварзинтепа ва Қоратепадаги (Сурхондарё тум.) буддизм ибодатхоналаридан топилган ганч ҳайкаллар ҳам юқорида кўрилган хусусиятларга эга. Бу ҳайкаллар натурал катталиқда ишланган ва реал характерга эгадир. Ҳайкалтарош маҳаллий типларнинг ўзига хос томонларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу уларнинг кўриниши соч тараш ва қийинишларида сезилади.

Қоратепада олиб борилган археологик ишлар буддизм билан боғлиқ меъморлик комплексининг очилишини таъминлади. Бу ерда археологик ишлар давом этмоқда. Очилган Қор ибодатхоналарнинг безатилиши, у ерда мавжуд бўлган ҳайкал ва деворий суратлар диққатга сазовордир. Жумладан, номаълум рассом томонидан ишланган деворий суратларда фазовий кенгликни ифодалашга, ҳажмини тасвирлашга интилиш сезилади.

Айниқса, металл буюмлар яшаш ва уларнинг юзасини бўртма тасвирлар билан безаш санъатида Ўрта Осиёлик усталар катта ютуқларни қўлга киритдилар.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Авесто-зардуштийларнинг муқаддас китоби.

Арфа-антик дунёсида кенг тарқалган мусиқа асбоби.

Периптер - ҳамма томондан устунлар билан ўралган айлана ёки тўртбурчак шаклидаги антик ибодатхона.

Саволлар:

1. Қадимги Олд Осиё санъати ва маданияти деганда нима тушунилади?
2. Айртом ёдгорлиги нима?
3. Қўйқирилган қалъа ҳақида сўзлаб беринг.

8-МАВЗУ: ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ.

Режа:

1. *Қадимий Ҳиндистон санъати ва маданиятида Мохенжо-Доро цивилизацияси.*
2. *Мауря сулоласи подшолиги даври санъати ва маданияти.*
3. *Буддизмга хос меъморчилик кўринишларининг шаклари.*

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.У. «Санъат тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1986 й.
2. Абдиев В.И. «Қадимги Шарқ тарихи», Тошкент, 1965 й
3. «Всеобщая история искусств» Том-1 М. Искусство»

Интернет сайтлари:

www.uz.wikipedia.org

www.ru.wikipedia.org

www.artclassic.edu.ru

Ҳиндистоннинг шимолий ғарбидаги Ҳинд дарёси ҳавзаси Мохенжо-Доро (Синд вилояти) ва Хараппадан топилган қадимги шаҳар қолдиқлари, маданият ёдгорликлари милоддан аввалги 3-2 мингинчи йиллардаёқ Ҳинд санъати ўзига хос ёрқин ва жозибадор, фантазияга бой санъат бўлганлигини тасдиқлайди ва мифология асосида қимматли санъат намуналари яратилганлигини англаш имкониятини беради.

Милодимизгача бўлган даврдан бир неча аср олдинроқ, бу ерда математика, тилшунослик, фалсафа, тиббиёт равнақ топган, ҳунармандчилик ривожланган, ёзув пайдо бўлган. Меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъати бир-бири билан уйғунлашган ҳолда ривож топган. Эрамиздан аввалги бир мингинчи йилларнинг иккинчи ярмида бу ерда дастлабки давлат пайдо бўлган. Адабий манбаларга кўра шу давлатларда ажойиб, ҳашаматли ёғоч меъморчилиги равнақ топган. Бу ерда пайдо бўлган буддизмнинг Осиёга тарқалганлиги ҳам шундан далолат беради.

Ҳиндистон санъати ҳам қатор босқичларни босиб ўтган, гоҳ грек санъатининг таъсирида бўлган. Лекин шунга қарамай унинг санъатида ўзига хослик мавжуд бўлиб, у асосан халқ санъати, айниқса, ҳунармандчилик таъсирида бўлган.

Ҳиндистон Шумер, Аккад ва Мессопотамиянинг бошқа давлатлари, шунингдек Миср билан яқин алоқада бўлган, улар орасида савдо-сотиқ ривожланган.

Қадимги Ҳиндистон санъатининг гуллаган даври **Маурья сулоласи** (мил.ав. 322-185 йиллар) айниқса, Ашока императорлиги даври (э.р.ав. 272-232 йиллар)да содир бўлди. Ашока ҳукмронлик қилган даврда буддизм кенг ёйилди. Бу дин дастлаб Ҳиндистонга, кейинроқ Шарқнинг қатор давлатларига тарқалган. Буддизмнинг тарқалиши у билан боғлиқ ибодатхоналар қурилишига, тасвирий санъат намуналарининг пайдо бўлишига олиб келди. Буддага бағишланган меъморчилик композицияларида Қадимги Ҳинд меъморчилигидаги мавжуд анъаналар, халқ мифологиялари, Будда ҳаёти ва фаолияти билан қўшилиб кетган афсоналар ўз ифодасини топди.

Буддизмнинг муҳим ёдгорликларидан яна бири устунлардир. Улар яхши пардозланган яхлит тошдан ишланган бўлиб, Будда таълимотини тарғиб этишда

фойдаланилган ҳамда империянинг ягоналигини ва жипслигини кўрсатадиган ўзига хос ҳайкал ҳисобланган. Бу устунлар ҳайвонлар тасвири ишланган капитель билан тугалланган. Сарнатхдаги **стамбх** ва унинг шерлар тасвири ишланган капители машхурдир.

Будданинг дарвешона ҳаёт кечирганининг рамзий маъноси ғорларда ишланган ибодатхоналардир. Бундай ибодатхоналар қоялар ичига ишланган, ичкарида кохинлар хонаси ва ибодатхона жойлашган. Унинг хоналари қоя ичига ўйиб кирган, деворлари эса ҳайкалтарошлик ва рангтасвир билан безатилган. Кирадиган эшигининг тўғрисида, хонанинг думалоқ қилиб ишланган томонига эса **ступа** ўрнатилган.

Қадимги Ҳинд сўнгги тараққиёти Гупталар сулоласи (320-450 йиллар) даврига тўғри келади. Бу Ҳиндистоннинг кулдорликдан феодал муносабатларга ўтиш даври бўлиб, санъат ва маданиятнинг янада раванқ топиш даври ҳисобланади. **Аджанта** ғоридаги ибодатхона ва унинг бадиий безаклари, деворий суратлари қадимги Ҳинд санъатининг энг яхши томонларини ўзида мужассамлаштиради.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Ступа-қуринишидан тўнкарилган косани эслатувчи меъморий ёдгорлик. Унинг атрофида буддистлар диний маросимларини ўтказишган.

Стамбх-буддизм элементларидан ташкил топган устун кўриниши.

Чайтя-ғор ичидаги буддизм ибодатхонаси

Саволлар:

1. Мохенжо-Доро маданияти нима?
2. Қадимги Ҳиндистонда қандай меъморчилик кўринишлари шаклланди?
3. Буддизм ёдгорликларига нималар киради?

9-Мавзу: Қадимги Хитой санъати ва маданияти.

Эрамиздан аввалги 4-3 мингинчи йилларда Хитойда лойдан ишланган одам ҳайкаллари, одам бошини эслатувчи кўзалар, тошдан ишланган турли бадиий буюм ва ҳайкаллар учрайди. Булар қадимги Хитой маданиятининг бой ва ранг-баранг бўлганлигидан далолат беради.

Эрамиздан аввалги 2 мингинчи йилларда Хуанхе дарёси воҳасида Хитойда биринчи бор давлат пайдо бўлди. Бу давлатни Шан династияси бошқарди. Кулдорлик жамияти шаклланиб, ривожланиб борди. Биринчи шаҳарлар юзага келди. Улар аниқ режалаштириш асосида қурилди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ривожланди. Савдо-сотик ишлари жонланди. Шан давридан бизгача сақланиб келган ёдгорлик Аньян районидан топилган катта шаҳар қолдиқлари ҳисобланади.

Қадимги Хитойнинг муҳим ёдгорлиги Буюк Хитой деворидир. Эрамиздан аввалги IV-III асрларда қурила бошлаган бу девор дастлабки пайтда Хитойнинг шимолий чегараларини кўчманчи қабилалардан сақлаш учун хизмат қилган ва 750

км.ни ташқин этган. Девор тепасида йўл мавжуд бўлиб, ҳар 100 м.да катта миноралар ишланган. Буюк Хитой девори кишиларнинг куч-шижоати ва катта иродасини акс эттирувчи, ўз характери жиҳатидан Миср эҳромлари билан тенглашувчи ва одамлар бирлашса, буюк мўъжизалар ярата олишини кўрсатувчи ёдгорлик тарзида ҳамон кишини ҳайратлантиради.

Қадимги Хитой санъати ва маданиятининг энг ривожланган босқичи эрамиздан аввалги III асрдан эрамизнинг III асригача бўлган даврга тўғри келади. Бу даврда мамлакат ягона марказлашган йирик давлатга айланди. Цинь (эр.ав. 221-206 йиллар) ва Хань (эр.ав.206 - янги эранинг 220 йили) сулоласи ҳукмронлик қилган пайтида авваллари мустақил бўлган қатор давлат ва қабилалар Хитой империясига қўшилди. Хитой Ўрта Осиё, Эрон, Сурия, Рим империялари билан савдо-сотик ишларини жонлантирди. Хитойнинг тасвирий, амалий ва меъморчилик санъати ҳам ниҳоятда ривожланди.

Сичуандаги макбара рельефлари бир мунча динамик характерга эга бўлиб, у ерда ов манзаралари, йиғим-терим кўринишлари тасвирланган. Хань даври макбараларида кўплаб деворий сурат намуналари учрайди. Улар ёрқин бўёқларда ишланган, воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаётий ва ифодали бўлишига эътибор берилган. Хань даврида портрет рассомчилиги ҳам ривожланди. Макбара ва сарой деворларига портретлар ишлаш кенг одат тусига кирди. Деворга ишланган шундай портретлардан бири Лоян яқинидаги Хань даври макбараси сақланиб қолди. Шундай портрет ишлашда танилган рассомлардан бири эрамиздан аввалги I аср охирилари ўзига жуда ўхшатишга, ҳатто идеаллаштиришга уста бўлган. Унинг портретларидан тасвирланувчи одамнинг ёши ва ҳатто ҳулқини билиш мумкин бўлган.

Кулолчиликда ранг кенг қўлланилган. Бадиий каштачилик ва тўқимачилик ҳарбий Осиё ва Европа мамлакатларида юқори баҳоланди. Нефритдан ишланган турли буюм ва ҳайкалчалар кўпчиликка манзур.

Қадимги Хитой санъати Хань давлатининг инқирозга юз тутиши билан ўз умрини тугатади. Лекин қадимги даврларда, айниқса Хань даври санъатида пайдо бўлган анъаналар Хитой санъати ва маданияти тараққиётига катта таъсир қилди, унинг характерли томонини белгилашда муҳим ўрин эгаллади.

Таянч тушунчалар.

Гандхар санъати - Ҳиндистоннинг шимолий Ғарбий томони, Панжоб ва Афғонистон ерларида эрамизнинг бошларида ривожланган санъат. Гандхар санъати маҳаллий анъаналар асосида шаклланган бўлса ҳам, қисман грек-рим санъат анъаналарига яқинлиги сезилади.

Саволлар:

1. Қадимги Ҳиндистон санъатида меъморчиликнинг равнақи ҳақида сўзланг.
2. Ҳиндистон санъатида ҳунармандчиликнинг роли.

3. Қадимги Ҳиндистондаги ибодатхоналарни биласизми?

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлари рўйхати

1. Алексеева Вера Васильевна. Что такое искусство? М.: “Советский художник” 1979. С. 334
2. Блохина И.В. Архитектура. Всемирная история архитектуры и стилей. М.: “Аврора” 2014. С. 400
3. Искусство Эгейского мира и древней Греции. Колпинский, Ю.Д. М. “Искусство” 1970. С. 320
4. Самые красивые и знаменитые храмы. Монастыри. Ред. Группа: Т. Каширина, Е. Дукельская, Е. Ананьева. М.: Мир Энциклопедий Аванта+; 2007.-184 с.: ил-
5. Чудеса Архитектуры/ Пер. с ит.-М.:ЗАО, БММ; 2007.-320 с.
6. Претте М.К.Как понимать искусство: Живопись Скульптура Архитектура. История, эпохи и стили;/ Пер. с. Итал.- М.: ЗАО “Интербук-бизнес”, 2002.-432 с.: ил.
7. Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари/ Н.А.Кун; таржимон Қ.Мирмухамедов.-Тошкент: O'zbekiston, 2013.-496 б.
7. Н. Абдуллаев. Тасвирий санъат тарихи/ўқув қўлланма,Т.: Шарқ, 2000.- б.

Интернет сайтлари:

4. www.ziyonet.uz
5. www.ref.uz
6. www.antichnoeiskusstvo.ru
7. www.ancientart.ru
8. www.art.ru
9. www.arthistory.com
10. www.cultury.com
11. www.newart.com

